МАҲАЛЛА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БУЮРТМАЧИСИГА АЙЛАНАДИ

МАХСУС СОН

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№69-70-71 (2399)

2026 ЙИЛ 29 АВГУСТ, ШАНБА

Mahalla

35 YIL

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

ВАТАНИМИЗНИНГ ОЛТИН ДАВРИНИ, ЯНГИ БУЮК ТАРИХИНИ АЛБАТТА БАРЧАМИЗ БИРГАЛИКДА ЯРАТАМИЗ!





Янги Тошкентда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, халқимизни улуғ айём билан самимий табриклади.

Давлатимиз раҳбари энг улуғ байрамимиз Янги Тошкентда ўтказилаётгани байрам шукуҳини янада ошираётганини таъкидлади. Янги Тошкент пойтахтимизнинг кўркига кўрк қўшиб, Янги Ўзбекистоннинг куч-қудратини намоён этадиган чинакам тараққиёт марказига айланишига ишонч билдирилди.

Президентимиз халқимиз 1991 йилда ўз хоҳиш-иродаси ва қатъияти билан давлат мустақиллигини қўлга киритганини қайд этди. Буюк истиқлолимиз илдизлари уч минг йилдан зиёд давлатчилик анъаналаримиз ва қадимий цивилизациямиз тарихига бориб тақалиши таъкидланди.

Мустақиллик халқимизга шону шарафини, муқаддас динини, она тилини ва унутилаётган миллий қадриятларини қайтарди. Маросимда бугунги эркин ҳаёт учун жонини фидо қилган улуғ аждодларимиз ва жадидлар хотирасига таъзим бажо келтирилиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган барча марҳум юртдошларимизнинг меҳнати ва жасорати эътироф этилди.

Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёркин хотираси эҳтиром билан ёд этилди.

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг буюк аҳамияти, аввало, инсон қадри ва эркин ҳаётида намоён бўлишини таъкидлади.

Ислоҳотларнинг дастлабки кунларидан халқнинг қалбига қулоқ солиш, аҳолининг дардига дармон бўлиш устувор мақсад этиб белгиланди ва “Инсон қадри учун!” ғояси давлат сиёсатининг марказига олиб чиқилди. Биринчи галда “пахта қуллиги”, “мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати”, “конвертация чеклови”, “прописка” каби одамларни йиллар давомида қийнаб келган муаммоларга барҳам берилди.

Энг муҳими, фуқаролар юрагидаги қўрқув ва ҳадик ўрнини ишонч ҳамда хотиржамлик эгаллади. Катта сиёсий ирода билан Ўзбекистон дунёга кенг очилди, чегара муаммолари ҳал қилиниб, қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Валюта, солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатидаги туб ўзгаришлар натижасида мамлакатимизнинг Иқтисодий эркинлик индексидаги ўрни 80 поғона яхшиланди. Илгари иқтисодиётимизга йилига 2-3 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилинган бўлса, ҳозир мазкур кўрсаткич 40-50 миллиард долларни ташкил этмоқда. Инвестициялар билан бирга юртимизга илғор технологиялар, замонавий билим ва янги иқтисодий имкониятлар ҳам кириб келмоқда.

Уч йил олдин 2030 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш режа қилинган эди. Глобал логистикадаги узилишлар ва дунёдаги нотинч вазиятга қарамасдан, ушбу марра жорий йилнинг ўзида ортиғи билан бажарилиши ва Ўзбекистон даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириши қайд этилди.

Бундай натижаларга халқимизнинг фидокорона меҳнати, интеллектуал салоҳияти, миллат ва давлат бирдамлиги туфайли эришилаётгани алоҳида таъкидланди.

Янги даврда 650 мингдан зиёд оила замонавий уй-жойга эга бўлди, минглаб маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфаси кириб бормоқда. Камбағаллик масаласи очиқ тан олиниб, эҳтиёжманд оилаларнинг даромади, касби, саломатлиги, фарзандларининг таълими ва яшаш шароитини яхшилаш бўйича “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Давоми 4-саҳифада.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун муқаддас Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ ўттиз беш йиллик байрамини катта ифтихор ва тантана билан нишонлаяпмиз.

Азиз халқимиз, жумладан, муҳтарам нуронийларимиз, шижоатли ёшларимиз, мўътабар аёлларимизни, юртимиздаги барча миллат ва элат вакилларини, хориждаги ватандошларимизни ушбу айём билан чин юракдан самимий табриклайман.

Энг улуғ байрамимиз Янги Тошкентда ўтказилаётгани тантана шукуҳини янада оширмоқда.

Келгусида илм-фан, таълим ва маданият маркази бўладиган ушбу ҳудудда куни кеча Янги Ўзбекистон университети, Низомий Ганжавий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети, Ўзбекистон миллий кутубхонасининг муҳташам биноларини ишга туширдик.

Бугун сизларнинг иштирокингизда очиладиган фаввора дунёдаги энг баланд мусиқали фаввора сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олгани ҳам байрам кайфиятига янада баланд руҳ бағишлайди.

Бир неча юз йиллик орзулар рўёбга чиқаётган бу бетакрор маконда бутун халқимиз билан ҳали яна кўплаб қувончли ва тарихий воқеаларга гувоҳ бўламиз.

Аминманки, Янги Тошкент пойтахтимизнинг кўркига кўрк қўшиб, биз барпо этаётган Янги Ўзбекистоннинг куч-қудратини намоён этадиган чинакам тараққиёт марказига айланади!

Қадрли дўстлар!

Биз 1991 йилда халқимизнинг хоҳиш-иродаси ва қатъияти билан ўз давлат мустақиллигимизни қўлга киритдик. Аслида буюк истиқлолимиз илдизлари уч минг йилдан зиёд бўлган давлатчилик анъаналаримиз ва қадимий цивилизациямиз тарихига бориб тақалади.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврида Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Мир Алишер Навоий каби буюк алломаларимиз башарият тафаккури хазинасини бойитган.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз барпо этган давлат эса адолат ва бунёдкорлик тимсоли сифатида тарих зарварақларидан муносиб ўрин олган.

Ватан озодлиги ва миллий истиқлол йўлида жонини фидо қилган Беҳбудий, Мунавварқори, Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби жадид боболаримизнинг ҳуррият ҳақидаги орзу-ниятлари бугун Янги Ўзбекистонда тўлиқ рўёбга чиқмоқда.

Мустақиллик, энг аввало, бизга шону шарафимизни, муқаддас динимизни, она тилимизни, унутилаётган миллий қадриятларимизни қайтариб берди.

Истиқлол туфайли биз ўзлигимизни англадик, номи ҳамиша эъзозда бўлган ота-боболаримизнинг муносиб ворислари эканимизни бутун дунёга намоён этдик.

Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда бугунги эркин ҳаёт учун жонини фидо қилган улуғ аждодларимиз, жадидлар хотирасига таъзим бажо келтирамиз.

Мана шу тарихий санада ўтган 35 йил давомида мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган барча марҳум юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати ва жасоратини яна бир бор эътироф этишни жоиз, деб биламиз.

Биринчи Президентимиз, атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёркин хотирасини эҳтиром билан ёд этамиз.

Давоми 2-саҳифада.

КЕЛГУСИ ЎН ЙИЛЛИК — БИЗ УЧУН МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ДАВРИ БЎЛАДИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАСИ, БУ — ПРЕЗИДЕНТ ОРЗУСИДАГИ МАҲАЛЛА



Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келгуси ўн йиллик мамлакатимизда миллий юксалиш даври бўлишини қайд этди. Шу мақсадда инсон қадрини янада юксалтиришга қаратилган 7 та миллий дастур белгилаб берилди.

Уларнинг ҳар бири мамлакат ҳаётининг муайян йўналишини қамраб олса, **олтинчи миллий дастур тараққиётнинг энг қуйи ва энг муҳим бўғини — маҳалланинг мақомини янги босқичга кўтаришни** назарда тутади. Унга кўра, **маҳалла жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантирилади.** Бунда **фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжи, маҳалланинг фаровонлиги — энг асосий мезон** сифатида белгиланади.


Бу ёндашув маҳалланинг давлат ва жамият ўртасидаги ўрнини ҳам сифат жиҳатидан мустаҳкамлайди. Маҳалла буюртмаси орқали давлат сиёсати одамларга янада яқинлашади, тараққиётнинг манзили ва натижаси аниқлашади. Энг муҳими, бу жараённинг марказида инсон тақдири, унинг талаб ва эҳтиёжи, оила фаровонлиги турибди. **Бугунги Янги Ўзбекистон маҳалласи, бу — Президент орзу қилганидек, одамларнинг дарди эшитиладиган, муаммолари ўз вақтида ҳал этиладиган, тараққиёт ва бунёдкорлик марказига айланган маҳалладир.**

Давоми 3-саҳифада.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Мустақилликнинг буюк аҳамияти, аввало, инсон қадри ва эркин ҳаётида намоён бўлади. Шу боис, биз ислоҳотларни бошлаган биринчи кунларданоқ халқнинг қалбига қулоқ солдик, аҳолининг дардига дармон бўлишни мақсад қилдик. “Инсон қадри учун!” деган ғояни давлат сиёсатининг марказига олиб чиқдик. Биринчи галда “пахта қуллиги”, “мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати”, “конвертация чеклови”, “прописка” каби одамларни йиллар давомида қийнаб келган муаммоларга барҳам бердик.

Энг асосийси, фуқароларимиз юрагидаги қўрқув ҳамда ҳадик ўрнини ишонч ва хотиржамлик эгаллади. Ҳар бир инсон эркин ва фаровон яшайдиган жамият барпо этиш учун кейинги ўн йилда тинимсиз изландик, қаттиқ меҳнат қилдик.

Катта сиёсий ирода кўрсатиб, Ўзбекистонни дунёга кенг очдик. Хусусан, чегара муаммолари ҳал қилинди, қўшниларимиз билан дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланди. Валюта, солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада “Иқтисодий эркинлик индекси”даги ўрнимизни 80 поғона яхшилаб, “иқтисодиёти мўътадил эркин” давлатлар қаторидан жой олдик.

Илгари иқтисодиётимизга йилига 2-3 миллиард доллар хорижий инвестиция олиб келинган бўлса, ҳозирги пайтда 40-50 миллиард доллар чет эл сармояси жалб қилинмоқда. Юртимизга инвестициялар билан бирга илғор технологиялар, замонавий билим ва янги иқтисодий имкониятлар кириб келмоқда.

Биз уч йил олдин 2030 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказишни режа қилган эдик. Глобал логистикадаги узилишлар, дунёдаги нотинч вазиятга қарамасдан, бу вазифани шу йилнинг ўзида ортиғи билан амалга оширамиз ва даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кирамиз.

Эътиборли жиҳати — биз бундай юксак натижаларга халқимизнинг фидокорона меҳнати, интеллектуал салоҳияти ҳамда миллат ва давлат бирдамлиги туфайли эришяпмиз. Ижобий ўзгаришларни ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўз ҳаётида чуқур ҳис этяпти, десам, фикримга қўшиласиз, албатта.

Янги даврда замонавий уй-жойга эга бўлган 650 мингдан зиёд оиланинг қувончини сўз билан таърифлаб бўладими?

Минглаб маҳаллаларимизга Янги Ўзбекистон қиёфаси кириб бормоқда.

Камбағаллик масаласини очиқ тан олиб, уни кескин қисқартириш бўйича Янги Ўзбекистон тажрибасини яратдик. Эҳтиёжманд оилаларнинг даромади, касби, саломатлиги, фарзандларининг таълим олиши ва яшаш шароитини яхшилаш бўйича “маҳаллабай” ишлаш тизимини йўлга қўйдик.

Изчил саъй-ҳаракатларимиз туфайли бугунги кунда камбағаллик даражасини 2017 йилдаги 35 фоиздан 4 фоизга туширишга эришдик. Ушбу рақамлар замирида рўзғорига барака кириб, турмуш сифати яхшиланган 10 миллион инсоннинг қувончи ва шукроналик туйғулари мужассам.

Муҳтарам юртдошлар!

Дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимиз учун бизга билимли, келажак касбларини пухта эгаллаган, мустақил фикрига эга бўлган янги авлод мутахассислари керак. Шу боис, таълимга сифат ва мазмун олиб киряпмиз. Муаллимнинг обрў-эътиборини тиклаб, даромадини ошириб боряпмиз.

Ўтган ўн йилда, аҳолимиз 8 миллионга кўпайган шароитда ҳам боғча қамровини 78 фоизга етказдик. Мактабларда 1,5 миллион қўшимча ўқувчи ўрни яратилди. Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар ташкил этилгани фарзандларимизга етакчи хорижий таълим масканларидан кам бўлмаган даражада чуқур билим эгаллаш учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Ёшларга хорижий тиллар ва касб-ҳунар ўрганишлари учун муносиб шароитлар яратдик.

Олийгоҳларда ўқиш учун қулай шароитларни кенгайтирганимиз ҳисобига ҳозирги кунда талабалар сони 1 миллион 600 минг нафарга етди. Қувонарлиси, ёшларда билим олишга иштиёқ кучайди. Ота-оналар учун фарзандини олий маълумотли қилиш фақат орзу эмас, эришса бўладиган мақсадга айланди.

Айниқса, талабаларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этаётгани — Учинчи Ренессанснинг ўзига хос қиёфаси, десак, тўғри бўлади. Чунки, билимли қизлар — **билимли оила, билимли авлод ва маърифатли жамият деганидир.**

Биз таълим билан бир қаторда илм-фан, замонавий технология ва инновацияларни ҳам тараққиётимизнинг ҳал қилувчи омили, деб биламиз.

Шу билан бирга, IT, сунъий интеллект, креатив иқтисодиёт каби йўналишлар ривожига янги руҳ бериб, жуда катта ҳаракатни бошлаб юбордик. Бу орқали 10 миллион ёшларимизни рақамли индустрия ва келажак касбларига олиб кирамиз.

Истиқлол байрамимиз арафасида хитойлик ҳамкорларимиз билан “Самарқанд — 2028” сунъий йўлдошини фазога учирганимиз бизга алоҳида ғурур бағишлайди.

Менинг ниятим: Ўзбекистон технология соҳаларида жаҳонга илғор ташаббусларни таклиф қиладиган марказга айланиши зарур.

Ўзбек тили — рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган тил бўлиши лозим.

Азиз ватандошлар!

Инсон қадри ҳақида сўз юритганда, аҳолимизнинг соғлиғи масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз табиий. Сўнгги йилларда ушбу соҳага ажратилаётган маблағни 8 каррадан зиёд оширдик. Энг муҳими, сифатли тиббий хизмат олиш имконияти нафақат марказда, балки ҳудудларда ҳам яратилди.

Ўтган даврда юртимизда 652 та янги тиббиёт муассасаси барпо этилгани, хусусий секторга кенг имконият берилгани туфайли тиббий хизматлар ҳажми 3 карра ошди. Юқори малакали шифокорлар тайёрлашни йўлга қўйиб, уларга шароит яратганимиз ўз натижасини беряпти. Илгари хорижда амалга оширилган 100 дан зиёд мураккаб диагностика ва даволаш усуллари бугун юртимизда ҳам мукаммал бажарилмоқда.

Умуман, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 1991 йилдаги 66,4 ёшдан 2025 йилда 75,4 ёшга етгани, гўдаклар ва оналар ўлими кўрсаткичи 4 баробар камайгани соҳадаги ислоҳотларимизнинг энг муҳим натижасидир.

Қадрли дўстлар!

Жонажон Ватанимиз азалдан улуғ мутафаккирлар, азиз авлиёлар, буюк алломалар юрти бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросга муносиб равишда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуалари каби бетакрор илмий-маърифий даргоҳларни барпо этдик.

Бу муҳташам ва табаррук масканлар бугун нафақат юртимиз ва ислом олами, балки бутун жаҳон аҳлининг ҳақли эътирофига сазовор бўлмоқда. Биз бундай бунёдкорлик ишларини жадал давом эттирамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Бизнинг энг катта бойлигимиз — эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган Янги Ўзбекистон ёшларидир. Интилувчан ва тиришқоқ ўғил-қизларимизни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар очиш учун ҳар йили 20-25 триллион сўм ажратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги бизнес вакилларининг 35 фоизини ёш тадбиркорлар ташкил этяпти.

Токио ва Париж Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинларида, дунё майдонларида ёш спортчиларимиз эришган тарихий ютуқлар халқимизга чексиз ифтихор бағишлади.

Футболчиларимиз илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этиб, ўзбек спорти тарихида янги саҳифа очди. Улар бошлаган йўл албатта давомли ва зафарли бўлади, деб ишонамиз.

Яқин кунларда Самарқандда катта спорт анжумани — Жаҳон шахмат олимпиадаси бошланади. Ноябрь ойида эса машҳур гроссмейстеримиз Жавохир Синдоров жаҳон шахмат тожи учун курашга киришади.

Ушбу мусобақаларда шахматчи ўғил-қизларимга улкан зафарлар тилайман!

Халқаро фан олимпиадаларида, танлов ва фестивалларда юқори ўринларни эгаллаётган ёшларимизни — Янги Ўзбекистон юлдузлари, келажак бунёдкорлари, деб биламан!

Олдинга қараб интилишдан ва доимий изланишдан ҳеч қачон тўхтаманг, азиз фарзандларим!

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун биз тарихнинг янада масъулиятли ва ҳал қилувчи палласида турибмиз. Мамлакатимиз тараққиётнинг мутлақо янги даврига қадам қўймоқда. Келгуси ўн йиллик — биз учун **миллий юксалиш даври** бўлади.

Буни фақат ва фақат халқимизнинг ақл-заковати, меҳнати ва бирдамлиги орқали ўзимиз бунёд этамиз. Шу мақсадда келгуси йилларда юртимизда инсон қадрини янада юксалтирадиган 7 та миллий дастурни амалга оширамиз.

Биринчи миллий дастур билим ва малакани келгуси тараққиётимизнинг асосий капиталига айлантиришдан иборат бўлади.

Болаларнинг 6 ёшли тайёрлов гуруҳларига қамровини қисқа муддатда 100 фоизга олиб чиқамиз. Хусусий боғча ташкил қилиш бўйича мавжуд имтиёзлар сақлаб қолинади.

Барча мактаблар халқаро баҳолаш дастурлари билан тўлиқ қамраб олинади.

Юртимиздаги техникумларда халқаро таълим стандартларини жорий этамиз. Уларда ёшларимизни юқори даромадли касбларга ўқитишни йўлга қўйиб, қамровни 1 миллионга етказамиз. Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистонда касб эгалламаган бирорта йигит-қиз қолмайди.

Биз келгуси йилларда камида 10 та университетимизни ТОП мингталикка киритишни катта марра сифатида белгилаймиз.

Иккинчи миллий дастур халқимизнинг соғлом бўлиши ва узоқ умр кўришини таъминлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда аҳоли саломатлиги билан боғлиқ давлат харажатларини келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5 фоизга етказамиз.

Биз тиббиётда профилактикани кучайтириш орқали саломатликни асраш моделига ўтамиз. Давлат тиббий суғуртаси мамлакатнинг барча хонадонларига кириб боради.

Ихтисослашган тиббиётда рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида дунёнинг энг нуфузли камида 5 та клиникасини олиб келамиз.

Юртимизни замонавий тиббиёт, фармацевтика, биотехнологиялар ва тиббий таълим тараққий этган масканга айлантирамиз.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Учинчи миллий дастур — иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш.

Бунинг учун келгуси ўн йилда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қиламиз. Иқтисодиётда юқори ўсиш суръатини сақлаган ҳолда, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажми 300 миллиард долларга етказилади, саноатда 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Ёшларимизнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришда стартап, венчур ва сунъий интеллектни ривожлантириш устувор йўналишга айланади.

Шунингдек, кичик бизнес — ўрта бизнесга, ўрта корхоналар эса йирик компания ва корпорацияларга айланиши учун яхлит экотизимни йўлга қўямиз. Буларнинг ҳисобига келгуси ўн йилда жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 10 минг долларлик маррадан ошади.

Азиз дўстлар!

Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ва экология масалалари янада долзарб бўлиб бормоқда.

Шу боис, **тўртинчи миллий дастур сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришга қаратилади.**

Келгуси беш йилда экин майдонларида сув тежайдиган технологиялар қамровини 100 фоизга олиб чиқамиз. Бу — умуммиллий маррага айланади.

Табиатга муносабат — халқнинг маданияти, давлатнинг масъулияти ва тараққиётнинг сифат кўрсаткичидир. Шунинг учун мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатини янги сифат босқичига олиб чиқамиз. Мактаб, боғча, шифохона ва кўп қаватли уйлар атрофидаги яшил ҳудудлар жамиятнинг дахлсиз бойлиги сифатида муҳофаза қилинади. Яқин йилларда туман ва шаҳар марказларида яшиллик қўламини 30 фоизга етказамиз.

Қадрли юртдошлар!

Адолат қарор топган жойда иқтисодий ўсиш ҳам, ижтимоий ишонч ҳам юксалади.

Бу борада **бешинчи миллий дастур — суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлашни умумий қадриятга айлантиришдан иборат.**

Бунинг учун ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаб аниқ тизим асосида йўлга қўямиз. Фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний кафолатларини кучайтириш бўйича ислоҳотларимизни қатъий давом эттирамиз. Кибержиноятчилик, гиёҳвандлик ва одам савдосининг олдини олиш бўйича чораларни янада кучайтирамиз.

“Яширин иқтисодиёт”, уюшган жиноятчилик, аёллар ва болалар ҳуқуқини камситишга қарши курашни янги босқичга кўтарамиз.

Азиз ватандошлар!

Одамларимизнинг кайфияти, оилаларнинг фаровонлиги, ёшларнинг орзу-истаги, тадбиркорларнинг ташаббускорлиги, энг аввало, маҳаллада намоён бўлади.

Шунинг учун **олтинчи миллий дастур маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантиришга йўналтирилади.**

Энди давлат дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ёндашув буткул ўзгаради. Туман бюджети, инвестиция дастури ҳамда инфратузилма лойиҳалари маҳалла буюртмаси асосида ишлаб чиқилади. Бунда фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжи, маҳалланинг фаровонлиги — энг асосий мезон сифатида белгиланади.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Еттинчи миллий дастур — Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри, бағрикенг ўлка сифатидаги нуфузини ҳар томонлама юксалтиришдан иборат.

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, 16 та диний конфессия аъзолари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда.

Бугунги нотинч замонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик халқимизнинг олтин фонди, бебаҳо бойлигидир.

Бизнинг очиқ, прагматик ва тинчликпарвар сиёсатимиз узоқ муддатли тараққиётимизни таъминлашга қаратилган.

Марказий Осиёда аҳил қўшничилик, стратегик шериклик ва дўстлик алоқаларини кенгайтиришда тарихий ютуқларга эришилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Америка, Осиё-Тинч океани минтақаси ва араб-мусулмон дунёси давлатлари билан муносабатларимиз янада мустаҳкамланди. Шарқий Европа, Африка ва Лотин Америкасида янги ҳамкорлик йўналишлари очилди.

Мамлакатимиз билан дипломатик муносабат ўрнатган давлатлар сони қарийб 170 тага етди.

Ўзбекистонни халқаро дипломатиянинг муҳим марказига айлантириш учун кўпқиррали, вазмин ва мувозанатли ташқи сиёсатни давом эттирамиз. Иқтисодий дипломатия ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Мамлакатимиз 2027-2029 йилларда Қўшилмаслик ҳаракатига илк маротаба раислик қилади. Дунёдаги 120 дан ортиқ давлатни бирлаштирган ушбу глобал тузилма самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббусларни фаол илгари сурамиз.

Ён қўшнимиз бўлган Афғонистон бўйича конструктив сиёсатимизни қатъий давом эттирамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакилларига, хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларига, АҚШ, Туркия ва Сингапурдан келган юқори мартабали меҳмонларимизга самарали ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бир фикрни ишонч билан айтмоқчиман.

Биз бугун кечагидан кучлимиз. Насиб этса, эртага бундан ҳам кучли бўламиз.

Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўлимиз бизга бир ҳақиқатни ўргатди: халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, забт этиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ.

Бундай буюк қудратга эга халқ ва давлатни енга оладиган кучнинг ўзи йўқ.

Биз ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва буюк келажагимизни биргаликда барпо этамиз!

Ишончим комил, матонатли, мард ва олижаноб халқимиз ўз олдига қўйган улуғ мақсадларга албатта етади.

Ватанимизнинг олтин даврини, янги буюк тарихини албатта барчамиз биргаликда яратамиз!

Бизга мустақиллик неъматини берган Парвардигоримизга чексиз шукроналар бўлсин!

Истиқлолимиз ижодкори ва ҳақиқий бунёдкори бўлган халқимизга шон-шарафлар бўлсин!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги улуғ байрам — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги билан яна бир бор табриклайман.

Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод ва фаровон бўлсин!

Яшасин Ўзбекистон Республикаси!

Яшасин Ўзбекистон халқи!





Янги Ўзбекистоннинг янги маҳаллалари қад ростлади, маҳалла тизими ислоҳотларнинг энг муҳим бўғинига айланди, “маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлаш, “маҳалла еттилиги”, “маҳалла бюджети” тизимлари жорий этилди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАСИ, БУ — ПРЕЗИДЕНТ ОРЗУСИДАГИ МАҲАЛЛА



Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси,
сиёсий фанлар доктори, профессор.

МАҲАЛЛА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ИНСТИТУТИГА АЙЛАНДИ

2017 йилдан бошлаб, Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллага нисбатан мутлақо янги сиёсий ёндашувни шакллантирди. Давлат раҳбари ҳар бир ҳудудга ташрифи давомида маҳалладаги ҳақиқий аҳвол билан танишишни, аввало, одамлар дардини маҳалла орқали эшитишни бош мезон сифатида белгилади. Натижада давлат бошқарувида **“маҳаллабай”, “хонадонбай”, “фуқаробай” ишлаш** каби янги бошқарув тамойиллари пайдо бўлди.

Аввалари вазирлик ва идоралар ўз фаолиятини, асосан, туман ёки шаҳар миқёсида режалаштирган бўлса, **янги тизимда барча ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар маҳалла кесимида таҳлил қилинадиган бўлди.** Энди қайси маҳаллада ишсизлик юқори, қаерда муҳтож оилалар кўп, қаерда инфратузилма муаммоси мавжудлиги давлат қарорларини қабул қилишда асосий мезонга айланди.

Илгари маҳалла раиси, асосан, мурожаатларни қабул қилувчи ва уларни юқори ташкилотларга йўналтирувчи шахс сифатида қаралган бўлса, **ислоҳотлардан кейин у маҳаллада амалга оширилаётган давлат сиёсати натижалари учун масъул раҳбар сифатида эътироф этилди.** Раиснинг давлат органлари билан ҳамкорлиги кенгайди, унинг ташаббуслари асосида кўплаб ижтимоий масалалар жойида ҳал этиладиган тизим шакланди.

Энг муҳим ўзгариш шунда бўлдики, давлат идоралари фуқарони ўз ҳузурига чақириш амалиётидан воз кечиб, муаммонинг ўзи яшаб турган маҳаллага тушиш тамойилига ўтди. Президент томонидан ҳар бир раҳбарга маҳаллаларга чиқиб ишлаш, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, муаммони идорада эмас, жойида ҳал этиш талаби қўйилди. Бу давлат хизматларининг аҳолига яқинлашишига хизмат қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган давлат ва жамият қурилишига оид энг муҳим ислоҳотлардан бири — маҳалла институтини конституциявий даражада мустаҳкамлаш бўлди. **2023 йил 30 апрель куни умумхалқ референдумида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида** маҳалланинг ҳуқуқий мақоми, жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти сифатидаги аҳамияти янада аниқ ва мустаҳкам ифода этилди.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — МАҲАЛЛАДА ЯГОНА ЖАМОА БЎЛИБ ИШЛАШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Аввалари маҳаллада аҳоли муаммоларини ҳал этишда бир нечта идора вакиллари иштирок этган бўлса-да, уларнинг фаолияти ягона мақсад ва ягона режа асосида мувофиқлаштирилмаган эди. Барча ходимлар, асосан, ўз тизими доирасида иш олиб борар, битта оиланинг муаммоси эса турли ташкилотлар ўртасида парчаланиб кетарди.

2016-2026 йиллар давомида Президентимиз ташаббуси билан маҳаллада комплекс ишлаш тамойили шакллантирилди. Амалиёт шуни кўрсатдики, аҳоли муаммоларини самарали ҳал этиш учун барча масъулларни ягона жамоа сифатида ишлашга ўтказиш зарур эди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, **“маҳалла еттилиги”** тизими жорий этилди.

Эндиликда маҳалладаги етти асосий субъект — **маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори** ягона жамоа сифатида ишлайдиган тизим шаклланди. Ҳар бирининг вазифаси аниқ белгиланиб, уларнинг фаолияти ўзаро уйғунликда ташкил этилди.

“Маҳалла еттилиги”нинг энг муҳим жиҳати шундаки, у муаммони қайд этиш билан чекланмайди, балки натижа учун жамоавий масъулиятни таъминлайди. Бир хонадонда ишсизлик, камбағаллик, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқбузарлик ёки тарбия билан боғлиқ муаммо сақланиб қолса, бу энди битта ташкилотнинг эмас, балки бутун “еттилик”нинг умумий масъулияти ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Маҳаллалар турли давлат идоралари билан алоҳида-алоҳида ишлагани учун фаолиятда бир хил ёндашув, ягона стандарт ва тизимли назорат етарли даражада таъминланмас эди. Бу эса айрим ҳудудларда яхши тажрибалар шаклланса-да, уларни республика бўйлаб оммалаштириш ва барча маҳаллаларда бир хил самарадорликка эришишни қийинлаштирарди.

2017-2026 йиллар давомида Президент Шавкат Мирзиёев маҳалла институтини кучайтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорларни қабул қилди. Маҳалланинг ваколатлари босқичма-босқич кенгайтирилди, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ва ижтимоий хизмат тизими маҳаллага олиб кирилди. Бироқ бу ўзгаришлар ягона бошқарув марказини шакллантиришни ҳам талаб қилаётган эди.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги **“Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги** фармони ҳамда **“Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги** қарори асосида **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** ташкил этилди.

Бу маҳалла тизими тарихида мутлақо янги институционал босқич бўлди. Илк бор республика, вилоят, туман (шаҳар) ва маҳалла даражаларида ягона вертикал бошқарув тизими шакллантирилиб, маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш, методик қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг яхлит тизими яратилди.



МАҲАЛЛАНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНДИ

2016 йилга қадар маҳалла фуқаролар йиғинларининг молиявий имкониятлари жуда чекланган эди. Маҳаллалар, асосан, юқори турувчи ташкилотлар ажратган маблағларга таянар, кўплаб ижтимоий ташаббусларни амалга ошириш ёки ҳудуддаги долзарб муаммоларни мустақил ҳал этиш учун етарли молиявий манбаларга эга эмас эди.

Сўнгги ўн йилликдаги ислоҳотлар натижасида маҳалланинг молиявий асосларини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президент ташаббуси билан маҳаллаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимлари шакллантирилди.

2022 йил 26 декабрдаги **“Маҳалла бюджети” тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги** Президент қарорига асосан, **“Маҳалла бюджети” тизими** жорий этилди. Унга кўра, мол-мулк ва ер солиғи (бундан нотурар жойлар бўйича мол-мулк ва ер солиғи мустасно) бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи мазкур тизимга йўналтирилди.

Бу борадаги энг муҳим янгиликлардан бири — **Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси**нинг ташкил этилганидир. Ушбу жамғармалар орқали маҳаллалардаги ички йўллар, ичимлик сув, ёритиш, болалар майдончалари, ободонлаштириш ишлари, ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш каби масалаларни молиялаштириш учун аниқ манбалар шакллантирилди.

2026 йилда қабул қилинган **“Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори** маҳалланинг молиявий мустақиллигини мутлақо янги босқичга олиб чиқди.

Қарорга мувофиқ, маҳаллаларнинг ўз даромад манбалари ҳам кенгайтирилди. Хусусан, Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасининг қўшимча манбалари этиб:

• 2026 йил 1 июлдан маҳалла ҳудудида санитария қоидаларини бузганлик ва ноқонуний қурилиш учун ундирилган жарималарнинг 10 фоизи;

• 2027 йил 1 январдан жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 15 фоизи;

• маҳалладаги ҳудуди 5 минг метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини ҳоким ёрдамчисининг онлайн буюртманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар белгиланди.

2026 йил 1 июлдан маҳалла биноларининг бўш турган хоналари “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн аукцион орқали ижарага берилади. Биноларни ижарага беришдан тушган маблағлар маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

МАҲАЛЛА — БУНЁДКОРЛИК МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ

Бугун маҳалланинг тараққиёти мамлакат тараққиётининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида баҳоланмоқда.

Бу жараёнда **“Ташаббусли бюджет”, “Менинг йўлим”, “Менинг боғим”** лойиҳалари, **“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”** давлат дастурлари, **“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла”** тамойиллари, **“Маҳалла лигаси”, “Маҳаллам — лойиҳам”** каби кенг кўламли ташаббуслар муҳим аҳамият касб этди.

Айниқса, **“Ташаббусли бюджет”** тизими давлат бошқарувида янги демократик механизмни шакллантирди. Илк бор фуқаролар маҳалладa қайси муаммо биринчи навбатда ҳал этилиши кераклигини ўзлари овоз бериш орқали белгилаш имкониятига эга бўлди. Натижада давлат маблағларини тақсимлаш жараёнида аҳолининг фикри ҳал қилувчи омилга айланди. Бу эса нафақат юзлаб инфратузилма объектларининг барпо этилишига, балки жамоатчилик назорати ва фуқаролик масъулиятининг кучайишига ҳам хизмат қилди.

Энг муҳими, мазкур ислоҳотлар маҳаллада **“Менинг маҳаллам — менинг масъулиятим”,** деган янги фуқаролик маданиятини қарор топтирди. Агар аввал аҳоли кўпинча барча муаммолар ечимини давлатдан кутган бўлса, бугун маҳалла аҳлининг ўзи ҳам ҳудудни обод қилиш, экологик муҳитни асраш, жамоат мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва ташаббус кўрсатишда фаол иштирок этмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ — ХАЛҚЧИЛ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЯНГИ АНЪАНАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлат бошқарувида мутлақо янги сиёсий маданият шаклланди. Унинг энг муҳим жиҳатларидан бири — мамлакат ҳудудларига мунтазам ташрифлар уюштириб, маҳаллаларга бориши, аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиши, одамларнинг дарду ташвиши, орзу-интилишлари ва таклифларини бевосита эшитишни давлат бошқарувининг ажралмас қисмига айлантирганидир.

Президентнинг маҳаллаларга ташрифлари давлат бошқарувида муҳим бурилиш ясади. Энди қарорлар фақат ҳисоботлар, статистик маълумотлар ёки хизмат ахборотлари асосида эмас, балки маҳалладаги ҳақиқий ҳаёт, одамларнинг кундалик турмуши ва реал эҳтиёжларини жойига чиққан ҳолда ўрганиш натижаларига таянган ҳолда қабул қилина бошланди. Бу эса давлат сиёсатининг марказига инсон манфаатларини қўйиш тамойилини янада мустаҳкамлади.

Ҳар бир ташриф давомида маҳалладаги инфратузилма, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий муҳит, ишсизлик, камбағаллик, тадбиркорликни ривожлантириш, таълим, тиббиёт, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш каби долзарб масалалар чуқур таҳлил қилиниб, масъул раҳбарларга аниқ топшириқлар ва муддатли вазифалар белгиланди. **Энг муҳими, ҳар бир ташриф натижаси амалий ишлар, янги лойиҳалар ва тизимли ислоҳотларга уланди.**

Президентнинг маҳаллаларда аҳоли билан очиқ мулоқотлари давлат идоралари фаолиятига ҳам янги талабларни олиб кирди. **Энди раҳбарлар идорада эмас, аҳоли орасида ишлаши, муаммоларни жойида ҳал қилиши ва ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири турганини чуқур ҳис этиши бош мезонга айланди.** Бу ёндашув бутун бошқарув тизимида халқчиллик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини кучайтирди.

2016-2026 йиллар давомида давлатимиз раҳбари мамлакатнинг турли ҳудудларида жойлашган 150 га яқин маҳаллага ташриф буюриб, уларнинг ривожланиш жараёнлари билан бевосита танишди. Бу ташрифлар орқали юзлаб муҳим ижтимоий ва иқтисодий лойиҳаларга старт берилди, минглаб аҳоли мурожаатлари жойида ҳал этилди ҳамда маҳаллаларни комплекс ривожлантириш бўйича янги дастурлар ишлаб чиқилди.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳаллаларга мунтазам ташрифлари оддий хизмат сафари эмас, балки халқ билан давлат ўртасидаги масофани қисқартирган, “инсон қадри учун” ғоясини амалий бошқарув мезонига айлантирган ва маҳаллани давлат сиёсатининг энг асосий таянч бўғини сифатида қарор топтирган тарихий тажриба бўлди.

“РАҚАМЛИ МАҲАЛЛА”: ҚОҒОЗДАН — ПЛАТФОРМАГА, ҲИСОБОТДАН — НАТИЖАГА

*Илгари маҳаллаларда фуқароларга оид маълумотлар қоғоз ҳужжатларда сақланар, турли дафтарлар алоҳида юритилар, бир маълумотни бир неча марта йиғиш ва текширишга вақт сарфланар эди. Кейинги йилларда **“Рақамли маҳалла” платформаси босқичма-босқич жорий қилиниб,** маҳаллалар фаолияти ягона электрон муҳитга ўтказилди.*

Энди ҳар бир маҳаллада аҳоли таркиби, оилалар ҳолати, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, бандлик, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда бошқа ижтимоий тоифалар ҳақидаги маълумотлар ягона электрон база орқали шакллантирила бошлади.

Энг муҳим ўзгаришлардан бири — давлат органлари ўртасида маълумот алмашинувининг рақамли шаклга ўтганидир. Илгари фуқародан турли ташкилотлар бир хил маълумот ва ҳужжатларни қайта-қайта талаб қилган бўлса, эндиликда идоралараро электрон интеграция ҳисобидан кўплаб маълумотлар автоматик тасдиқланадиган бўлди.

Рақамлаштириш ижтимоий ҳимоя соҳасида ҳам янги босқични бошлаб берди. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва бошқа ижтимоий рўйхатлардаги маълумотларни рақамли платформа орқали юритиш эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш ва уларга кўмак чораларини тезкор белгилаш имконини яратди.

2026 йилда қабул қилинган **“Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори** рақамли ислоҳотларни янада юқори босқичга олиб чиқди. Унга мувофиқ, “маҳалла еттилиги” фаолияти, маҳаллаларнинг “яшил”, “сариқ” ва “қизил” тоифалар бўйича баҳоланиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни мониторинг қилиш ишлари рақамли платформалар орқали ташкил этилиши белгиланди.

“Ақлли маҳалла” ва **“Mahalla AI”** рақамли платформалари ишга туширилди.

“Ақлли маҳалла” тамойили Урганч шаҳридаги “Олимпия” маҳалласида ҳаётга татбиқ этилди. Бугунги кунда мазкур тизимга 405 та сервис интеграция қилинган. Сунъий интеллект маркази, “ақлли устун” ва бошқа рақамли ечимлар орқали аҳолига хизмат кўрсатиш, мурожаатларни таҳлил қилиш, ижрони назорат қилиш ҳамда ҳудудлардаги ҳолатни мониторинг қилиш имкониятлари яратилган. Тизим аҳолига мингдан ортиқ давлат хизматларини таклиф этади.

“Mahalla AI” рақамли бошқарув платформаси мамлакатимиздаги 8 992 та маҳалла ҳақидаги маълумотларни ягона рақамли муҳитда бирлаштиради. Фойдаланувчи керакли маълумотни мураккаб қидирувларсиз, оддий ўзбек тилида савол тарзида киритиб, тезкор жавоб олиши мумкин. Айни пайтда платформада 7 786 нафар маҳалла раиси рўйхатдан ўтган бўлиб, тизимда фойдаланувчиларнинг вазифа ва ваколатидан келиб чиқиб, 12 та турли роль шакллантирилган.



Бугун маҳалладаги ўзгаришларнинг энг катта мезони — қабул қилинган қарорлар ёки яратилган тизимлар эмас, балки уларнинг оддий инсон ҳаётида қандай акс этаётганидир. Кеча иш излаб юрган йигитнинг бугун ўз ишига эга бўлиши, ёрдамга муҳтож оиланинг ўзини тиклаб олиши, муаммоси эшикма-эшик юрмасдан маҳалланинг ўзида ҳал бўлиши — ислоҳотларнинг маҳалладаги ҳақиқий кўринишидир. Шу маънода, сўнгги йилларда маҳаллада рўй берган ўзгаришлар, аввало, одамнинг маҳаллага, маҳалланинг эса одамга бўлган муносабатини ўзгартирди. Энди олдимизда турган вазифа — яратилган имкониятларни ҳар бир хонадон тақдирида намоён қилиш. Чунки маҳалла ўзгарса, бу ўзгаришни биринчи бўлиб кўча, хонадон ва инсон ҳаёти ҳис қилади.



ВАТАНИМИЗНИНГ ОЛТИН ДАВРИНИ, ЯНГИ БУЮК ТАРИХИНИ АЛБАТТА БАРЧАМИЗ БИРГАЛИКДА ЯРАТАМИЗ!



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Изчил саъй-ҳаракатлар туфайли камбағаллик даражаси 2017 йилдаги 35 фоиздан 4 фоизга туширилди. Бу рақамлар замирида рўзғорига барака кириб, турмуш сифати яхшиланган 10 миллион инсоннинг қувончи ва шукроналик туйғулари мужассам экани таъкидланди. Шу тариқа ижтимоий сиёсатнинг асосий ўлчови рақамлар эмас, инсон ва оила ҳаётидаги аниқ ўзгариш бўлиши мустаҳкам қарор топди.

Президентимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш учун билимли, келажак касбларини пухта эгаллаган ва мустақил фикрлайдиган янги авлод мутахассислари зарурлигини таъкидлади. Шу боис, таълимга сифат ва мазмун олиб кирилиб, муаллимнинг обрў-эътибори тикланмоқда, даромади ошириб борилмоқда.

Ўтган ўн йилда аҳоли 8 миллионга кўпайган шароитда ҳам мактабгача таълим қамрови 78 фоизга етказилди, мактабларда 1,5 миллион қўшимча ўқувчи ўрни яратилди. Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар, шунингдек, хорижий тиллар ва касб-ҳунар ўрганиш учун яратилган имкониятлар таълим тизимига янги мазмун олиб кирди.

Олийгоҳлардаги талабалар сони 1 миллион 600 минг нафарга етди. Ота-оналар учун фарзандини олий маълумотли қилиш фақат орзу эмас, эришса бўладиган мақсадга айланди.

Таълим билан бир қаторда илм-фан, замонавий технология ва инновациялар тараққиётимизнинг ҳал қилувчи омили сифатида белгиланди. IT, сунъий интеллект ва креатив иқтисодиёт ривожига янги руҳ берилиб, 10 миллион ёшни рақамли индустрия ва келажак касбларига олиб кириш мақсад қилинди.

Президентимиз Ўзбекистон технология соҳаларида жаҳонга илғор ташаббусларни таклиф этадиган марказга айланиши, ўзбек тили эса рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган тил бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ажратилаётган маблағ сўнгги йилларда 8 каррадан зиёд оширилди. Сифатли тиббий хизмат олиш имконияти марказда ҳам, ҳудудларда ҳам кенгайиб, 652 та янги тиббиёт муассасаси барпо этилди ва хусусий секторга кенг имконият берилди.

Натижада тиббий хизматлар ҳажми 3 карра ошди, илгари хорижда бажарилган 100 дан зиёд мураккаб диагностика ва даволаш усуллари юртимизда йўлга қўйилди. Аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 1991 йилдаги 66,4 ёшдан 2025 йилда 75,4 ёшга етди, гўдаклар ва оналар ўлими 4 баробар камайди.

Халқимизнинг бебаҳо маънавий меросига муносиб равишда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуалари каби бетакрор илмий-маърифий даргоҳлар барпо этилди. Ушбу масканлар юртимиз ва ислом оламида, бутун жаҳонда катта эътирофга сазовор бўлаётгани қайд этилди. Улуғ аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш ва дунёга кенг тарғиб этишга қаратилган бундай бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон ёшларини мамлакатимизнинг энг катта бойлиги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи деб атади.

Токио ва Париж Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинларидаги тарихий ютуқлар, футболчиларимизнинг илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этгани, ёшларнинг халқаро фан олимпиадалари, танлов ва фестивалларидаги ғалабалари халқимизга катта ифтихор бағишламоқда. Самарқандда ўтадиган Жаҳон шахмат олимпиадаси ва гроссмейстер Жавоҳир Синдоровнинг жаҳон шахмат тожи учун кураши олдидан ёшларимизга улкан зафарлар тилаб қолинди. Ўғил-қизларимиз олдинга интилиш ва доимий изланишдан ҳеч қачон тўхтамасликка даъват этилди.

Президентимиз мамлакатимиз тараққиётнинг мутлақо янги даврига қадам қўяётганини таъкидлади. “Келгуси ўн йиллик биз учун миллий юксалиш даври бўлади”, деди давлатимиз раҳбари ва бу мақсадга халқимизнинг ақл-заковати, меҳнати ҳамда бирдамлиги орқали эришилишини қайд этди.

Шу мақсадда келгуси йилларда инсон қадрини янада юксалтирадиган еттита миллий дастур амалга оширилади. Улар таълим ва тиббиётдан тортиб, юқори технологияли иқтисодиёт, экология, адолат, маҳалла ва ташқи сиёсатгача бўлган устувор йўналишларни ягона мақсад атрофида бирлаштиради.

Биринчи миллий дастур билим ва малакани тараққиётимизнинг асосий капиталига айлантиришга қаратилган.

Иккинчи миллий дастур халқимизнинг соғлом бўлиши ва узоқ умр кўришини таъминлашга хизмат қилади.

Учинчи миллий дастур иқтисодиётни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказишга қаратилган.

Тўртинчи миллий дастур сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришга йўналтирилади.

Бешинчи миллий дастур суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини умумий қадриятга айлантиришга қаратилади.

Олтинчи миллий дастур маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантиради.

Еттинчи миллий дастур Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри, бағрикенг ўлка сифатидаги нуфузини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган.

Юртимизнинг очиқ, прагматик ва тинчликпарвар сиёсати узоқ муддатли тараққиётни таъминлашга хизмат қилмоқда. Марказий Осиёда аҳил қўшничилик, стратегик шериклик ва дўстлик алоқаларини кенгайтиришда тарихий ютуқларга эришилиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Америка, Осиё-Тинч океани минтақаси ва араб-мусулмон дунёси давлатлари билан муносабатлар мустаҳкамланди.





Шарқий Европа, Африка ва Лотин Америкасида янги ҳамкорлик йўналишлари очилди, Ўзбекистон билан дипломатик муносабат ўрнатган давлатлар сони қарийб 170 тага етди. Кўп қиррали, вазмин ва мувозанатли ташқи сиёсат ҳамда иқтисодий дипломатия изчил давом эттирилади.

Мамлакатимиз 2027-2029 йилларда Қўшилмаслик ҳаракатига илк маротаба раислик қилади ва 120 дан ортиқ давлатни бирлаштирган ушбу глобал тузилма самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббусларни илгари суради. Афғонистон бўйича конструктив сиёсат қатъий давом эттирилиши қайд этилди.

Президентимиз тантанада иштирок этган дипломатик корпус вакиллари, хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда АҚШ, Туркия ва Сингапурдан келган юқори мартабали меҳмонларга самарали ҳамкорлик учун миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимиз етакчиси нутқининг якунида халқимизга ишонч билан мурожаат қилди: “Биз бугун кечагидан кучлимиз. Насиб этса, эртага бундан ҳам кучли бўламиз. Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўли бир ҳақиқатни кўрсатди: халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, забт этиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ”.

Президентимиз ягона Ватан ва ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва буюк келажакни биргаликда барпо этишга чақирди. Ватанимизнинг олтин даври ва янги буюк тарихи халқимизнинг матонати, меҳнати ва бирдамлиги билан яратилишига қатъий ишонч билдирилди.

Давлатимиз раҳбари бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги билан яна бир бор табриклаб, юртимиз тинч, хонадонларимиз обод ва фаровон бўлишини тилади. Истиқлолимиз ижодкори ва ҳақиқий бунёдкори бўлган халқимизга шон-шарафлар тилаб, **“Яшасин Ўзбекистон Республикаси! Яшасин Ўзбекистон халқи!”** дея мурожаатини якунлади.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги тантаналари мамлакатимизнинг шаҳару қишлоқларида давом этмоқда.

ТАҚДИМОТ

“МУСТАҚИЛЛИК ЗАФАРНОМАСИ” — МИЛЛАТИМИЗНИНГ ЖОНЛИ СОЛНОМАСИ

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасида Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан чоп этилган “Мустақиллик зафарномаси” китоб-альбомининг тақдимоти бўлиб ўтди.



Давлатимиз раҳбарининг **“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги** қарорига асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг натижалари ва эришилган ютуқларга бағишланган **“Мустақиллик зафарномаси” махсус китоб-альбоми**ни тайёрлаш белгиланган.

Ушбу китоб саҳифаларида **халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган машаққатли, аммо шарафли йўли, юртимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар ва Янги Ўзбекистон шароитида эришилаётган ютуқ ҳамда марралар** кенг ёритилган.

Китоб-альбомда, шунингдек, **маҳалла — Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг остонаси экани, уни одамлар учун ишонч, таянч ва имкониятлар марказига айлантириш бугунги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири эканига** алоҳида эътибор қаратилган.

Бу каби нашрлар мустақиллик йилларидаги тарихий жараёнларни, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ва Ватанимиз тараққиётини келгуси авлодларга етказишда муҳим маънавий манба бўлиб хизмат қилади.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Кения пойтахти — Найроби шаҳрида БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) билан ҳамкорликда халқаро конференция ташкил этилди.

Маҳалла тажрибаси халқаро майдонда

Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси вакиллари ҳам иштирок этиб, мамлакатимизда маҳалла институтининг шаклланган ўзига хос тажрибаси ҳақида маълумот берди. Хусусан, аҳолининг муаммо ва эҳтиёжларини маҳалланинг ўзида аниқлаш, “маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар масалалари, профилактика ва жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларга эътибор қаратилди.



Анжуман давомида маҳалла каби аҳолига энг яқин бўлган институтларнинг жамиятда ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, хавф-хатарларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олишдаги аҳамияти алоҳида таъкидланди. Бу борада Ўзбекистонда “маҳалла еттилиги” асосида йўлга қўйилган тизимли фаолият иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

Маҳалла тажрибасининг халқаро майдонларда тақдим этилиши унинг имкониятларини кенг намоён этиш, илғор хорижий тажрибалар билан ўзаро фикр алмашиш ва Ўзбекистоннинг ушбу ноёб институтини дунёга танитиш йўлидаги муҳим қадам бўлмоқда.



Камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоя, эҳтиёжманд оилалар билан ишлашда мутлақо янги тартиблар кучга кирди, ногиронликни белгилаш соддалаштирилди, тазйиқ ва зўравонликка қарши мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

КЎМАК

НОГИРОНЛИККА ТИББИЙ ЭМАС, ҲАЁТГА МОС ЁНДАШУВ



Жамият тараққиёти инсонга муносабат, хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган шароитлар билан белгиланади. Сўнгги уч йилда бу йўналишда тиббий ёндашувдан инсоннинг имкониятларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимига ўтилди.

Энг муҳим янгиликлардан бири — ногиронликни белгилаш тизимининг тубдан янгиланишидир. Синов тариқасида фуқароларнинг кундалик ҳаракатланиши, муло қот ва меҳнат фаолияти каби функционал имкониятлари баҳолана бошлади. Бугунга қадар қарийб **230 минг** нафар кишининг ҳолати шу асосда кўриб чиқилди.

Илгари вилоят марказларига қатнашга мажбур бўлган фуқаролар учун комиссиялар туман ва шаҳар даражасига туширилди. Натижада ҳар йили **150 мингдан зиёд** инсоннинг оворагарчилиги бартараф этилди. Шунингдек, сиртдан ногиронлик белгиланадиган касалликлар рўйхати кенгайтирилиб, юзлаб инсонларнинг уйидан чиқмасдан ҳуқуқларини расмийлаштиришига шароит яратилди. Республика тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг ташкил этилиши эса тизимда шаффофликни таъминлади.



Соҳадаги барча жараёнлар тўлиқ рақамлаштирилди. Натижада протез тайёрлаш муддати қарийб 3 баравар қисқарди. Давлат таклиф қилаётган реабилитация воситалари тури 18 тадан 38 тага етди.

Агар 2023 йилда **45 минг** нафар шахс бундай воситалар билан таъминланган бўлса, кейинги йилларда қамров **икки баробардан ортди.** Шунингдек, Қашқадарёдаги марказ модернизация қилиниб, Жанубий Корея мутахассислари кўмагида маҳаллий кадрлар малакаси оширилди.

Энг катта ютуқлардан бири — ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлашдир. Иш берувчиларга субсидиялар бериш, сурдотаржимон ва психолог хизматларини молиялаштириш ҳамда махсус электрон платформанинг ишга туширилиши ўз натижасини берди. Агар 2023 йилда расмий иш билан таъминланганлар **72 минг** атрофида бўлса, бугунги кунда уларнинг сони **234 минг нафарга** етди.

Бу ўзгаришлар минглаб инсонларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, мустақил ва фаол ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ: ИНСОН ҲАЁТИНИНГ БАРЧА БОСҚИЧЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛУВЧИ ЯХЛИТ ТИЗИМ

Ижтимоий ҳимоя ҳақида гап кетганда, кўпчиликнинг кўз олдига нафақа, моддий ёрдам ёки имтиёзлар келади. Ваҳоланки, замонавий давлатларда ушбу тушунча анча кенг маъно касб этади. У инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши, меҳнат қилиши, фарзанд тарбиялаши, таълим олиши, соғлиғини тиклаши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун яратиладиган барча ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий кафолатларни ўз ичига олади. Ана шундай ёндашув сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.



Фарид НАЗАРОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Юридик бўлим бошлиғи.

И слоҳотларга назар ташласак, ўзгаришлар алоҳида қарорлар ёки янги хизматлар билан чекланмаганини кўриш мумкин. Амалда бутун тизим қайта қурилди. Янги институтлар ташкил этилди, рақамли платформалар ишга туширилди, маҳалла даражасида ижтимоий хизматлар ташкил қилинди, давлат ва нодавлат сектор ҳамкорлиги кенгайди. Энг муҳими, ижтимоий ҳимоя биринчи марта инсон ҳаётининг барча босқичларини қамраб олувчи яхлит тизимга айланди.

Бугун ижтимоий ҳимоя ҳақида сўз юритилганда, рақамлар кўп тилга олинади. Миллионлаб хизматлар, триллионлаб маблағлар, юз минглаб фуқаролар... Бироқ ҳар бир рақам ортида инсон тақдири, бир оиланинг умиди, бир гўдакнинг келажаги, ногиронлиги бўлган шахснинг мустақил ҳаётга қайтиш имконияти, оғир вазиятга тушган аёлнинг хавфсизлиги, етим боланинг оила бағрига қайтиши каби ҳаётий воқеалар мужассам. Шу боис бу ислоҳотларни рақамлар йиғиндиси сифатида баҳолаш тўлиқ тасаввур бермайди. Улар мамлакатда ижтимоий адолатнинг янги мезонларини шакллантирган ўзгаришлар сифатида аҳамият касб этади.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ИДОРАДАН МАҲАЛЛАГА ТУШДИ

Ҳар қандай давлат тизимининг ҳақиқий самараси инсонга қанчалик яқин экани билан ўлчанади. Аввалларига ижтимоий хизмат олиш учун фуқаро турли идораларга бориши, ҳужжат тўплаши, бир нечта ташкилот эшигини қоқишига тўғри келарди. Бугун эса давлатнинг ўзи фуқаролар олдига келяпти.

Айнан шу мақсадда республика бўйлаб “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди. Дастлаб **28 та марказ** фаолият бошлаган бўлса, қисқа вақт ичида улар мамлакатнинг барча туман ва шаҳарларини қамраб олди. Бир вақтнинг ўзида маҳаллаларда минглаб ижтимоий ходимлар фаолияти йўлга қўйилди. Улар давлат хизматчиси сифатида аҳоли билан ҳар куни юзма-юз ишлайдиган, оилаларнинг ҳақиқий эҳтиёжини баҳолайдиган, турли идоралар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайдиган янги институтга айланди.

Бу ўзгаришнинг аҳамиятини оддий мисол билан тушунтириш мумкин. Илгари инсон ёрдам сўраб, давлат идорасига келарди. Ҳозир эса ижтимоий ходим хонадонларга ўзи кириб боряпти. У фақат ариза қабул қилмайди. Оиланинг яшаш шароити, даромади, соғлиги, фарзандларининг таълими, меҳнат имкониятлари, руҳий ҳолатигача ўрганиб, комплекс баҳолаш ўтказади. Кейин эса ҳар бир эҳтиёж бўйича алоҳида хизмат режаси шакллантирилади.

Замонавий ижтимоий фаолиятда **“кейс менежмент”** деб аталувчи ёндашув айнан шу мақсадга хизмат қилади. Ўзбекистонда мазкур амалиётнинг жорий қилиниши натижасида оғир ижтимоий вазиятдаги **549 мингта оила** учун индивидуал режалар ишлаб чиқилди. Фақат **2026 йилнинг ўзида 117 минг** оиланинг эҳтиёжи комплекс баҳоланиб, улар учун **303 мингдан ортиқ** хизмат ва ёрдам режалаштирилди. Энг аҳамиятлиси, бир масала билан мурожаат қилган оилага кўп ҳолларда яна тўрт-олтита қўшимча хизмат таклиф қилинмоқда. Бу муаммонинг оқибати билан эмас, сабаби билан ишлаш тамойили қарор топаётганини англатади.

Маҳаллаларда амалга оширилган 3,5 мингдан зиёд ташаббус лойиҳалари ҳам янги ёндашувнинг амалий ифодаси бўлди. Улар орқали ижтимоий ҳимоя нафақат давлат хизмати, балки маҳалланинг ўзида фуқаролар иштирокида шаклланадиган ҳамжиҳатлик муҳитига айланмоқда.

Шу тариқа, ижтимоий ҳимоянинг янги модели фуқарони давлатга яқинлаштириш билан чекланмади. Унинг ўзи инсон ҳаётига яқинлашди. Бу эса келгуси йилларда мамлакатда ижтимоий давлат тамойилларини янада мустаҳкамлайдиган энг муҳим пойдеворлардан бири сифатида тарихга кириши шубҳасиз.

ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

ҲЕЧ КИМ ХАВФЛИ ВАЗИЯТДА ЁЛҒИЗ ҚОЛМАЙДИ



Жамият тараққий этган сари инсоннинг хавфсизлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлатнинг устувор вазифасига айланмоқда. Хусусан, тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар ҳамда болалар билан ишлашда тизимли ёндашув жорий этилди.

Сўнгги йилларда ҳимоя ордери расмийлаштирилган шахслар ҳақидаги маълумотларни реал вақт тартибида қабул қилувчи ягона электрон модуль ишга туширилди. Мурожаатлар сонининг ортиши аёлларнинг давлат тизимига ишончи ошганини ва яширин муаммолар очиқ муҳокама қилинаётганини кўрсатади.

Республика бўйлаб тиббиёт муассасаларида ташкил этилган 194 та “Бирламчи кўмак хонаси”да аёлларнинг тиббий, ҳуқуқий, психологик ҳолати ва фарзандларининг хавфсизлиги бир вақтнинг ўзида баҳоланмоқда. Бу орқали ўн минглаб хотин-қизлар ва минглаб болалар зарур ёрдам билан қамраб олинди.

Вақтинча бошпана вазифасини бажарган реабилитация марказлари янги босқичга кўтарилиб, психолог, юрист ва ижтимоий ходимлар ҳамкорлигида **ўндан зиёд янги хизматлар** йўлга қўйилди. Натижада кейинги йилларда **21 мингдан зиёд** психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий хизматлар кўрсатилди.

Энг муҳими, “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилган аёл ҳимоя ордерини кутиб ўтирмайди — зарур хизматлар дастлабки **24 соат ичидаёқ** кўрсатилиб, кўплаб оғир вазиятларнинг олди олинмоқда.

Реабилитация марказларида компьютер саводхонлиги, пазандачилик, тикувчилик, болалар массажи ва сартарошлик каби касбга ўқитиш курслари ташкил этилди. Инсон ўз меҳнати билан даромад топа бошлаши унинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайдиган энг катта натижадир.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



ФАРОВОНЛИК САРИ

БИР МАРТАЛИК ЁРДАМДАН БАРҚАРОР КЕЛАЖАККА ҚАДАМ



Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим натижаларидан бири — камбағалликни қисқартириш борасидаги сезиларли ўзгаришлардир.

Бир неча йил аввал мамлакат аҳолисининг қарийб ҳар тўрт нафаридан бири камбағаллик шароитида яшаган бўлса, амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида мазкур кўрсаткич изчил пасайиб борди. 2025 йил якунига келиб камбағаллик даражаси 5,8 фоизни ташкил этди. Бу рақам ортида юз минглаб оилаларнинг турмуш даражаси яхшиланган, янги иш ўринлари яратилгани ва барқарор даромад манбалари шаклангани мужассам.

Эътиборли жиҳати шундаки, давлат ёрдами бир марталик тўловлар билан чекланиб қолмаяпти. Кам таъминланган оилаларнинг меҳнат қилиш имконияти бўлмаган аъзолари учун қўёш панеллари ўрнатилди, савдо дўконлари қуриб берилди, фоизсиз кредитлар ажратилди. Бу ташаббуслар нафақат кундалик эҳтиёжларни қоплашга, балки келажакда доимий пассив даромад шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг яна бир муҳим самараси фарзандлар тақдирида намоён бўлди. Юз минглаб болалар мактабгача таълим муассасаларига жойлаштирилди, минглаб ёшлар олий таълим муассасаларига грант асосида қабул қилинди, иқтидорли талабаларга қўшимча давлат грантлари ажратилди, болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун рақамлаштирилган тўгарак тизими йўлга қўйилди. Ижтимоий сиёсатнинг авлодлар келажагига хизмат қилаётгани айнан шу мисолларда яққол намоён бўлади.

Бугун мамлакатда камбағалликка қарши кураш фақат иқтисодий вазифа сифатида қаралмаяпти. У инсон капиталига сармоя киритиш, оила барқарорлигини мустаҳкамлаш, фарзандларнинг таълим олиш шароитларини кенгайтириш ва жамиятда тенг имкониятлар муҳитини шакллантиришнинг ажралмас қисмига айланди.



ИСТИҚБОЛ

“ПРЕЗИДЕНТ ИҚТИДОРЛИ ФАРЗАНДЛАРИ” МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Сўнгги йилларда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар орасида “Президент иқтидорли фарзандлари” Миллий дастури алоҳида ўрин тутади. Дастур мамлакатнинг барча ҳудудларидаги иқтидорли ўқувчиларни ягона тизим асосида аниқлаш, саралаш, замонавий билим ва халқаро стандартлар асосида тайёрлашни мақсад қилган.

Дастур доирасида муҳандислик, “IT”, бизнес, менежмент, хорижий тиллар, таҳлилий фикрлаш ҳамда халқаро имтиҳонларга тайёргарлик йўналишлари йўлга қўйилди. Иштирокчиларнинг билим даражаси махсус электрон платформа орқали аниқ вақт тартибида мониторинг қилиниши эса тизимнинг энг муҳим янгиликларидан бири бўлди.

Миллий дастур қисқа вақт ичида бутун республика миқёсида катта қамровга эга бўлди. Расмий маълумотларга кўра, 2025 йилда дастурга 27 789 нафар ўқувчи ариза топширди. Энг юқори фаоллик Самарқанд, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Наманган ҳудудларида кузатилди. Саралаш тизимида билим билан бир қаторда ижтимоий адолат тамойили ҳам инобатга олинди. Халқаро ва республика фан олимпиадалари ғолиблари учун қўшимча баллар, Ижтимоий реестрга киритилган оилалар фарзандларига эса қўшимча 10 балл бериш тартиби жорий этилди.



Мазкур дастур Янги Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати билан узвий боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек: “Бугунги глобал рақобатда давлатларнинг устунлиги, аввало, билим, технология ва инсон капитали билан белгиланади”. Айнан шу тамойил асосида ёшлар билан ишлашнинг янги модели шакллантирилмоқда.

Сўнгги йилларда “Ёшлар дафтари” орқали 1,5 миллион нафар ёшнинг муаммолари ҳал этилди, ёш тадбиркорлар сони 287 минг нафардан ошди, хорижий тилларни ўрганаётган ёшлар 3,5 миллион нафарга етди, ўзбекистонлик ўқувчилар халқаро фан олимпиадаларида 434 та медални қўлга киритди. “Президент иқтидорли фарзандлари” Миллий дастури ана шу кенг кўламли сиёсатнинг энг муҳим бўғинига айланиб, илм-фан, инновация ва юқори технологиялар учун миллий кадрлар захирасини шакллантириш вазифасини бажармоқда.

ИМКОНИЯТГА ОЧИЛГАН ЭШИКЛАР ОРТИДА ЯНГИ АВЛОД КАМОЛ ТОПМОҚДА

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”



Таълим тизими мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиётига хизмат қиладиган стратегик йўналиш сифатида белгиланди. Айниқса, математика, табиий фанлар, ахборот технологиялари, хорижий тиллар ҳамда ижодий йўналишларда юқори салоҳиятга эга ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича мутлақо янги механизмлар яратилди.

Ана шу сиёсатнинг амалий ифодаси сифатида **2019 йил 9 сентябрда Президентнинг тегишли Фармони билан Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги** ташкил этилди. Агентликка Президент мактаблари, ижод мактаблари ва ихтисослаштирилган мактабларда истеъдодли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ҳамда улар учун ягона давлат сиёсатини амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарор оддий ташкилий ўзгариш эмас эди. У мамлакатда иқтидорли ёшлар билан ишлашни бир марказдан мувофиқлаштириш имконини берди. Дастлаб Агентлик таркибида **16 та** таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, қисқа муддат ичида тизим кенгайди. Бугунги кунда Агентлик **14 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби, 200 дан ортиқ ихтисослаштирилган мактаб** ва бошқа таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирмоқда. Бу эса Ўзбекистон тарихида иқтидорли ёшлар учун яратилган энг йирик таълим экотизимидир.

2016 йилдан бошлаб таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Шу даврда ривожланган давлатларнинг тажрибаси чуқур ўрганилди. **Сингапур, Жанубий Корея, Буюк Британия, Финляндия** каби мамлакатларнинг иқтидорли ёшлар билан ишлаш моделлари таҳлил қилинди. Ўрганишлар шуни кўрсатдики, иқтисодий тараққиётнинг асосий омили табиий ресурслар эмас, балки юқори малакали инсон капиталидир.

Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, **2019 йилдан** бошлаб **Президент мактаблари** ташкил этилди ва илк бор **Тошкент, Нукус, Наманган ва Хива** шаҳарларида ўз фаолиятини бошлади. **2020 йилда** Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, **2021 йилда** эса Андижон, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида Президент мактаблари ташкил этилди. Натижада бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларда жами **14 та Президент мактаби** фаолият юритмоқда.

Президент мактабларининг энг муҳим хусусиятларидан бири — халқаро таълим дастурларининг жорий этилганидир. Ўқув жараёнида **“Cambridge Assessment International Education”** дастурларидан фойдаланилиши таълим сифатини халқаро мезонларга яқинлаштирди. Мазкур дастур ўқувчини тайёр билимни ёд олишга эмас, балки уни таҳлил қилишга, мустақил фикрлашга, илмий изланишга ва муаммонинг ечимини топишга ўргатади. Шу сабабли дарсларда ўқитувчи маълумот берувчи эмас, балки йўналтирувчи вазифасини бажаради.

Президент мактабларида STEAM (Science, Technology, Engineering, Arts, Mathematics) таълим ҳам кенг жорий этилди. Бу ёндашув фанларни алоҳида эмас, балки ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганишга асосланади. Масалан, робот яратиш жараёнида ўқувчи математика, физика, дастурлаш, муҳандислик ва дизайн бўйича олган билимларини биргаликда қўллайди. Натижада назарий билим амалий кўникмага айланади.

ИЖОД МАКТАБЛАРИ — МИЛЛИЙ ТАФАККУР ВА ИЖОДКОРЛИК ТАРБИЯСИНИНГ ЯНГИ МАКТАБИ

Бугунги кунда Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида **9 та ижод мактаби** фаолият юритмоқда. Булар — **Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Абдулла Қодирий, Муҳаммад Ризо Огоҳий, Исҳоқхон Ибрат, Ҳалима Худойбердиева ҳамда Иброҳим Юсупов номидаги ижод мактабларидир.**

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб ижод мактаблари фаолияти янада такомиллаштирилиб, таълим мазмуни замонавий ёндашувлар билан бойитилди. Жумладан, таниқли адиблар ва жамоат арбоблари иштирокида маҳорат дарслари ташкил этилди, “Ёш таржимонлар” клублари ва “Матншунослик” дарслари жорий қилинди, 7—9-синфларда робототехника асослари ўқитила бошланди. Шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида бадиий адабиёт ва санъат соҳасида иқтидорли ёшларни саралашга қаратилган танловлар йўлга қўйилди. Ҳар йили “Менинг биринчи китобим” лойиҳаси доирасида ҳар бир ижод мактабидан камида икки нафар ўқувчининг ижодий тўплами нашр этилиши, “Зомин семинари”да камида беш нафар ижодкор ўқувчининг иштирок этиши таъминланмоқда. Бундан ташқари, барча ижод мактаблари “Туркий адабиёт дурдоналари”нинг 100 жилдлик тўплами билан таъминланиб, ўқувчиларнинг адабий ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди.

ЯНГИ АВЛОД ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

Янги Ўзбекистон тараққиётида таълим тизимини замонавий талаблар асосида ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шу мақсадда 2021-2026 йиллар давомида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни замонавий касбларга йўналтиришга хизмат қиладиган янги авлод таълим муассасалари ташкил этилди.

Жумладан, “Жасорат” мактаблари, Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернати ҳамда Хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати таълим тизимига мутлақо янги ёндашувларни олиб кирди. Мазкур мактаблар умумий ўрта таълимни халқаро мезонлар, педагогик технологиялар ва замонавий бошқарув усули билан уйғунлаштиришга хизмат қилмоқда.

“Жасорат” мактаблари 2021 йилдан бошлаб ташкил этилди. Уларнинг фаолияти ижтимоий ҳимояга муҳтож, тарбиясида алоҳида ёндашув зарур бўлган ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик руҳида камол топаётган ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилди.

2025 йил 15 майда Президент Фармони асосида **Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб-интернати** ташкил этилди. Мактаб фаолияти 2025-2026-ўқув йилидан бошланди. Унинг умумий сиғими 180 нафар ўқувчи этиб белгиланган бўлиб, ўқувчилар давлат бюджети ҳисобидан таълим олади. Битирувчиларга давлат намунасидаги шаҳодатнома билан бир қаторда **“International Baccalaureate” (IB Diploma Programme)** дипломи ҳам берилади. Ҳар бир ўқувчи инглиз тилидан ташқари камида яна битта хорижий тилни ўрганади ҳамда илмий-тадқиқот ёки замонавий технологияларга асосланган стартап лойиҳалари бўйича шахсий портфолио юритади. 2025 йил якунида мактаб Марказий Осиёда давлат тасарруфидаги **“IB Diploma Programme”** дастурини жорий этган биринчи мактаб сифатида эътироф этилди.

РАҚАМЛАШУВ

“IT PARK” — РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЁШЛАР БИЗНЕСИНИНГ ЯНГИ МАРКАЗИ

2019 йил Ўзбекистон рақамли иқтисодиёти тараққиётида муҳим бурилиш нуқтаси бўлди. Шу йилда мамлакатда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш, ёш дастурчилар ва технологик тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “IT Park Uzbekistan” ташкил этилди.



Унинг асосий вазифаси Ўзбекистонда IT-компаниялар учун қулай бизнес муҳити яратиш, рақамли хизматлар экспортини ошириш, “Startup”ларни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни замонавий касбларга тайёрлашдан иборат бўлди.

2019 йилда “IT Park” фаолияти бошланган пайтда асосий эътибор “IT” компанияларни бирлаштириш ва ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, кейинги йилларда унинг вазифалари анча кенгайди. Бугун “IT Park” оддий технологик ҳудуд эмас, балки **“Startup”, “Venture”, “Incubator”, “Accelerator”** ва таълим дастурларини бирлаштирган тўлиқ рақамли экотизимга айланди.

2024 йилда “IT Park”нинг ривожланишида муҳим йўналишлардан бири — экспорт салоҳиятини ошириш ва халқаро бозорларга чиқиш бўлди. Бу мақсадда хорижий компанияларни жалб қилиш, “IT” хизматлар экспортини кўпайтириш ва Ўзбекистонни минтақавий технологик марказ сифатида танитиш ишлари кучайтирилди.

2025 йилда “IT Park” ривожида яна бир муҳим қадам — **“Enterprise Uzbekistan”** ташаббусининг илгари сурилиши бўлди. Ушбу йўналиш мамлакатни йирик технологик компаниялар учун минтақавий марказга айлантириш, халқаро корпорацияларни жалб қилиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган. Бу ташаббус доирасида **рақамли технологиялар, сунъий интеллект, “Big Data”, киберхавфсизлик** ва бошқа истиқболли соҳаларда янги имкониятлар яратилмоқда.



Бугун “IT” соҳаси фақат дастурчилар учун эмас, балки дизайнерлар, муҳандислар, маркетологлар, тадқиқотчилар ва бизнес мутахассислари учун ҳам катта имкониятлар майдонига айланмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг ўсиши натижасида ёшлар учун янги касблар пайдо бўлиб, уларнинг халқаро меҳнат бозорида рақобатбардошлиги ошмоқда.

САЛОҲИЯТ

БИЛИМ ВА КЎНИКМА ҚАДР ТОПСА, ЮРТНИНГ ЭРТАСИ ЮКСАЛАДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги қарори асосида ташкил этилган бўлиб, мамлакатда математика, информатика ва ахборот-коммуникация технологиялари йўналишларида иқтидорли ёшларни тайёрлашга ихтисослашган етакчи таълим муассасаларидан бири ҳисобланади.

Мактаб фаолияти STEM таълими, замонавий дастурлаш, сунъий интеллект, робототехника ҳамда халқаро стандартларга мос таълим дастурларини жорий этишга қаратилган. Сўнгги йилларда мактаб негизида ҳудудий филиаллар ташкил этилиб, таълим қамрови **Тошкент шаҳри** билан чекланмай, **Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Жиззах ва Сирдарё** вилоятларига кенгайтирилди.



Мактабнинг энг муҳим ютуқларидан бири унинг **халқаро таълим майдонидаги мавқеининг сезиларли мустаҳкамланганидир.** Муассаса **“International Baccalaureate” (IB) “Middle Years Programme” (MYP)** аккредитациясини муваффақиятли қўлга киритиб, Ўзбекистонда ушбу мақомга эга бўлган **биринчи давлат мактабига** айланди.

Мактаб ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларида юқори натижаларни қайд этиб келмоқда. Хусусан, **“International Olympiad in Informatics” (IOI), “International Mathematical Olympiad” (IMO), “International Zhautykov Olympiad” (IZhO), Умар Хайём номидаги халқаро олимпиада** каби нуфузли мусобақаларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.





Гендер тенглик таъминланди, хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги, давлат бошқаруви ва парламентдаги роли оширилди. раҳбар аёллар салмоғи ортди, қизлар таълимига эътибор кучайди, аёллар тадбиркорлиги рвиожлантирилди.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

АЁЛЛАР САЛОҲИЯТИ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ КУЧИ

Гендер тенглиги ҳақида сўз кетганда, масалани фақат хотин-қизлар ҳуқуқлари ёки аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш доирасида тушуниш етарли эмас. Аслида, гендер тенглиги, бу — инсон қадрини юксалтириш, ҳар бир фуқаронинг қобилияти ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар яратишга қаратилган тараққиёт фалсафасидир.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.



Жамият тараққиётининг суръати ҳам, давлат бошқарувининг самарадорлиги ҳам, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ҳам инсон капитали қай даражада тўлиқ ишга солингани билан белгиланади. Бу нуқтаи назардан қараганда, гендер тенглиги нафақат ижтимоий адолат масаласи, балки мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминловчи стратегик омил ҳамдир.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг марказига инсон қадри ва унинг қонуний манфаатларини қўйиш асосий тамойилга айланди. Бу ёндашув гендер тенглиги соҳасида ҳам мутлақо янги босқични бошлаб берди. Агар аввалги даврларда асосий эътибор хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган бўлса, кейинги йилларда тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятларни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, давлат бошқарувида, таълимда, иқтисодиётда ва жамоат ҳаётида аёллар иштирокини кенгайтиришга қаратилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилди. **Шу тариқа гендер тенглиги алоҳида ижтимоий дастур эмас, балки давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.**

2019 йил 2 сентябрда **“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги** қонун қабул қилинди. Бу гендер тенглигини таъминлаш бўйича асосий ҳуқуқий пойдеворни яратди. **2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси** ишлаб чиқилди.

ТАЪЛИМ ВА ИЖТИМОИЙ КЎМАК УЙҒУНЛИГИ

Таълим соҳасида амалга оширилган тизимли ислоҳотлар хотин-қизлар учун янги имкониятлар эшигини очди. Хотин-қизлар учун **давлат грантлари ва махсус квоталар ажратиш, имтиёзли таълим кредитларини жорий этиш, иккинчи мутахассислик бўйича таҳсил олиш имкониятларини кенгайтириш, магистратура ва илмий тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимлар** изчил такомиллаштирилди.

*Рақамларга юзланамиз: бугун олийгоҳда ўқиётган қизлар сони **904 минг нафардан** ошиб, жами талабаларнинг **54 фоизини** ташкил этмоқда. Ўтган йили **60 нафар қиз** дунёдаги энг нуфузли олийгоҳларга ўқишга кирди. Стажёр-тадқиқотчилар ва докторантурада таҳсил олаётганларнинг **8,5 минг нафари,** яъни **61 фоизини** хотин-қизлар ташкил этаётир.*

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун молиявий кўмак бериш, уй-жой, соғлиқни сақлаш, таълим, ҳуқуқий ҳимоя ва психологик қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларни комплекс ҳал этиш бўйича мутлақо янги амалиёт — **“Аёллар дафтари” тизими** йўлга қўйилди. Айниқса, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, ишсиз, ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган ёки тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизлар билан тизимли ишлаш имконияти кенгайди.

2021 йилдан бери “Аёллар дафтари” тизимининг 6 та босқичи орқали шу пайтгача Республика бўйича жами 4 миллион 538 минг нафардан зиёд эҳтиёжманд хотин-қизга амалий ёрдамлар берилди. Биргина 2025 йил давомида “Аёллар дафтари” тизимининг 6-босқичида жами 1 миллион 22 минг нафарга яқин хотин-қизга ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

СИЁСИЙ МАЙДОНДА ҲАМ АЁЛЛАР ОВОЗИ БОР...

*Яқин ўтмишга назар ташласак, **раҳбарлик лавозимлари, асосан, эркаклар фаолият соҳаси сифатида қаралар, аёллар эса кўпроқ ижтимоий соҳалар билан чекланиб қолар эди.** Бугун эса вазият мутлақо бошқача.*

Ислоҳотларнинг самараси бугун рақамларда ҳам яққол намоён бўляпти. Хусусан, хотин-қизларнинг **давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 45 фоизга, сиёсий партиялар аъзолари таркибида эса 49 фоизга** етди. Давлат бошқарувининг юқори бўғинида ҳам ижобий юксалишлар кузатилмоқда. Жумладан, **вазир ва вазирга тенглаштирилган лавозимларда** фаолият юритаётган аёллар улуши 2018 йилда атиги 3 фоизни ташкил этган бўлса, 2026 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб **уч баробарга ошди.** Бу раҳбар кадрларни танлашда билим, тажриба, касбий маҳорат ва бошқарув салоҳияти ҳал қилувчи мезонга айланаётганини кўрсатади.



Сайлов қонунчилиги ҳам аёллар ҳуқуқлари билан боғлиқ янги меъёрлар билан тўлдирилди. Сиёсий партияларнинг **Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига кўрсатадиган номзодларининг камида 40 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши** белгиланган аёлларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши учун муҳим ҳуқуқий асос яратди. 2024 йил 27 октябрда бўлиб ўтган сайлов якунларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг **57 нафари ёки 38 фоизини,** Сенат аъзоларининг **16 нафари ёки 27 фоизини** аёллар ташкил этди.

***Бу рақамлар бир ҳақиқатни англатади:** хотин-қизларнинг раҳбарлик ва бошқарувдаги иштироки ортиши фақат статистик ўсиш эмас. Бу давлат бошқаруви сифатининг юксалиши, қарор қабул қилиш жараёнларининг янада инклюзив тус олиши ва жамият тараққиётида хотин-қизларнинг интеллектуал ҳамда бошқарув салоҳияти тобора муҳим ўрин эгаллаётганининг ёрқин ифодасидир.*

МАҲАЛЛАДА АЁЛЛАР ЕТАКЧИЛИГИ: ИШОНЧ, МЕҲР ВА МАСЪУЛИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Яқин йилларгача маҳалла раҳбарлиги, асосан, эркаклар фаолият юритадиган соҳа сифатида қаралар, аёллар эса кўпроқ хотин-қизлар билан ишлаш ёки ижтимоий йўналишларда фаолият олиб бориш билан чекланар эди. Бироқ маҳалла тизимидаги ислоҳотлар натижасида бу қараш тубдан ўзгарди.

Бугун аёллар маҳалла раиси сифатида ҳам ҳудудни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, мурожаатлар билан ишлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш каби кенг қамровли вазифаларни муваффақиятли бажаряпти.



*Бу ўзгаришлар маҳалла раислари сайловлари натижаларида ҳам ўз ифодасини топди. 2025 йилда бўлиб ўтган сайлов натижаларига кўра, ёпиқ овоз бериш йўли билан 8 852 нафар маҳалла раиси сайланди. Улардан 3 962 нафари янги сайланган раислар бўлса, **1 196 нафарини хотин-қизлар** ташкил этди. Бу рақамлар маҳалла аҳли томонидан аёлларнинг раҳбарлик салоҳиятига бўлган ишонч тобора ортиб бораётганини кўрсатади.*

Хотин-қизларнинг маҳалла бошқарувидаги иштироки фақат маҳалла раиси лавозими билан чекланиб қолмаяпти. Бугун маҳалла тизимида қарор қабул қилиш, аҳоли билан мулоқот ва давлат дастурларини амалга оширишда уларнинг иштироки тобора кенгайиб боряпти. Айни пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган **54 минг нафардан зиёд** “маҳалла етакчилиги” аъзоларининг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Шунингдек, маҳаллаларда **5 мингга яқин хотин-қизлар фаоллари** самарали фаолият юритмоқда.

Сирасини айтганда, бугун хотин-қизларнинг давлат бошқаруви, парламент, маҳалла ва жамият ҳаётидаги фаоллиги ортиб бораётганини мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар ҳаётда ўз самарасини бераётганини кўрсатмоқда. Энг муҳими, бу жараён фақат аёллар учун янги имкониятлар яратиш билан чекланмаяпти. Хотин-қизларнинг билим, тажриба ва ташаббусидан тўлиқ фойдаланиш орқали давлат бошқаруви сифати, қарорлар самарадорлиги ва жамият тараққиётининг янги имкониятлари кенгаймоқда.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

ЮКСАЛИШ

РАҲБАРЛИКДА ҚОЛИПЛАР ЭМАС, ҚОБИЛИЯТ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Хотин-қизларнинг интеллектуал, касбий ва бошқарув салоҳиятини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан **“Аёллар энциклопедияси”**нинг нашр этилиши хотин-қизларнинг илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларига оид билимларини бойитиш, уларнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш йўлидаги муҳим ташаббуслардан бири бўлди.

Шунингдек, АҚШнинг халқаро ноҳукумат ташкилоти билан ҳамкорликда **“Гендер статистикаси”** амалий қўлланмасининг ишлаб чиқилиши гендер соҳасидаги таҳлиллар сифати ва маълумотлардан самарали фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтирди.

Хотин-қизларни раҳбарликка мақсадли тайёрлаш борасида ҳам амалий натижалар кузатилмоқда. Хусусан, 2023-2025 йилларда **“Раҳбар аёллар мактаби”**да таҳсил олган **150 нафар номзоднинг 55 нафари, яъни 37 фоизи** турли раҳбарлик лавозимларига тайинланди.

Бугунги ўзбек аёли нафақат оила таянчи ва фарзанд тарбиячиси, балки давлат ва жамият тараққиёти учун масъул қарорлар қабул қиладиган раҳбар сифатида ҳам ўз салоҳиятини намоён этмоқда. Айни пайтда Қарши, Каттақўрғон ва Ширин шаҳарлари, шунингдек, Бўстон, Олот, Тўрақўрғон ҳамда Яккасарой туманларига аёл ҳокимлар раҳбарлик қилаётгани бугун мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган ишонч тобора мустаҳкамланаётганининг амалий ифодасидир.



Бу тажриба раҳбарлик лавозимларини эгаллашда жинс эмас, балки билим, салоҳият, ташаббускорлик ва бошқарув маҳорати ҳал қилувчи мезонга айланаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

ИҚТИДОР

Авваллари кўплаб хотин-қизлар тадбиркорликни ўз имкониятларини тўлиқ намоён этадиган соҳа эмас, балки қўшимча даромад манбаи сифатида қабул қилар эди. Бизнес бошлаш учун кредит олиш, зарур билим ва кўникмаларга эга бўлиш, маҳсулотини бозорга олиб чиқиш ёки ўз ишини кенгайтириш имкониятлари чекланган эди.

Янги шароит иқтисодий мустақилликка йўл очди

Сўнгги йилларда бу соҳада мутлақо янги манзара шаклланди. Кенг имконият ва шароитлар натижасида мамлакатимизда **230 мингга яқин тадбиркор аёллар синфи** вужудга келди. Қишлоқ хўжалигида ҳам хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллиги сезиларли даражада ошди ва **миришкор фермер аёллар сони 12 минг нафарга етди.**

Хотин-қизларни ишли ва даромадли қилиш бугун ҳам давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, ўтган йили уларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш мақсадида **23,5 триллион сўм кредит маблағлари** ажратилди. Бунинг ҳисобидан **425 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз** тадбиркорлик фаолиятига жалб этилди.



Маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари фаолияти йўлга қўйилди. **“Даромадли аёл” дастури** доирасида лидер тадбиркорлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда касаначилик, ҳунармандчилик, паррандачилик, асаларичилик ва томорқачилик каби даромадли йўналишларда шу йилнинг ўзида **50 минг нафар хотин-қизнинг** бандлиги таъминланади.

Хотин-қизларнинг истиқболли бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ҳамроҳ” дастури жорий этилди. Унинг доирасида 2026 йил давомида 3 мингта хотин-қизлар лойиҳаси учун жами 1 триллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Бу рақамлар хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш эндиликда алоҳида ижтимоий дастур эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий ўсиши, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган стратегик давлат сиёсатига айланганини кўрсатади.

Таълимга эътибор кучайди, болалар боғчаси қамрови ортди, мактабларда кенг ислоҳотлар амалга оширилди, касб-ҳунар марказлари фаолияти кучайтирилди, олий ва ундан кейинги ўқиш босқичлари такомиллаштирилди.



“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

Илм йўлидаги ҳар қадам эзгуликка элтади

Илм олиш ва касб-ҳунар эгаллаш инсон ҳаётида ҳамиша муҳим аҳамият касб этган. Бугун юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни тарбиялашга қаратилмоқда.

Назокат АБДУҚУНДУЗОВА,
Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги матбуот котиби.



Сўнгги йилларда мактаб таълимида ёндашув тубдан ўзгарди. Илгариги каби фақат матн ва қоидаларни ёдлаш эмас, балки ўқувчининг мустақил фикрлаши, маълумотни таҳлил қилиши, муаммога ечим топиши ва олган билимини амалиётда қўллай олишига асосий эътибор қаратилмоқда. Мунозара, лойиҳа ва жамоавий ишлар таълим жараёнининг муҳим қисмига айланмоқда.

Сўнгги етти йилда мактабгача ва мактаб таълимига ажратилаётган маблағ 7 карра оширилиб, мактабларда 1 миллионга яқин янги ўқув ўрни яратилди. Педагогларни рағбатлантириш мақсадида малакаси, тил билиши, сертификат ва янги баҳолаш тизимидаги натижалари асосида ўндан ортиқ устама жорий этилди. Айни пайтда ушбу имкониятлардан самарали фойдаланаётган **60 минг нафар ўқитувчи 8-12 миллион сўм** миқдорида маош олмоқда.

Таълим мазмунини янгилашга ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Ўқув дастурлари халқаро мезонлар, жумладан, PISA ва TIMSS талабларига мослаштирилиб, танқидий фикрлаш ва STEAM ёндашувига асосланган дарсликлар яратилмоқда. Ўқувчилар билимини холис баҳолашга қаратилган критериал баҳолаш тизими босқичма-босқич жорий этилади.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида **ихтисослаштирилган мактаблар** тармоғи кенгайтирилмоқда. Бу муассасалардаги илғор тажрибаларни умумтаълим мактабларига татбиқ этишга ҳам эътибор қаратиляпти.

Ўқитувчиларнинг мавқеи ва касбий маҳоратини ошириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Сертификатга эга педагогларни рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ва малака ошириш тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш шулар жумласидандир.

Таълимнинг яна бир муҳим йўналиши — ёшларни касб-ҳунарга ва замонавий меҳнат бозорига тайёрлаш. Мактаб битирувчиларининг камида битта замонавий касб ёки хорижий тилни эгаллаши учун шароит яратилмоқда. Хорижий тиллар, “IT” ва рақамли саводхонликка эътибор кучайтирилиб, компьютер синфлари ҳамда интернет инфратузилмаси такомиллаштириляпти.

Энг муҳими, таълимдаги бу ўзгаришлар фақат моддий базани яхшилаш ёки янги дастурларни жорий этишдан иборат эмас. Бош мақсад — билимли, замонавий тафаккурга эга, мустақил қарор қабул қила оладиган ва ўз келажагини барпо этишга қодир авлодни вояга етказишдир.

ТАРАҚҚИЁТ

Мактабгача таълим: КЕЛАЖАККА МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОР

Мактабгача таълим боланинг ақлий, ижтимоий ва маънавий камолоти учун муҳим босқич ҳисобланади. Бугунги кунда бу тизимда болага шунчаки қараб туриш эмас, балки унинг қобилияти, қизиқиши ва истеъдодини эрта аниқлаш, мустақил фикрлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Замонавий мактабгача таълим ташкилотларида болалар билим ва кўникмаларни, асосан, ўйин орқали эгалламоқда. Бу жараёнда улар жамоада ишлаш, тенгдошлари билан мулоқот қилиш, муаммоларга ижодий ёндашишни ўрганяпти. Мактабга тайёргарлик жараёнида хорижий тилларни ўрганиш учун ҳам кенг имкониятлар яратилаётир.

Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида мактабгача таълим билан қамров даражаси 78 фоизга етди. Бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларини мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида жорий этиш орқали болалар мактаб таълимига пухта тайёрланади ва таълим босқичлари ўртасидаги узвийлик таъминланади.

Таълим-тарбия жараёнига ўйинга асосланган ёндашувнинг киритилиши ҳам муҳим янгиликлардан. Бунда боланинг табиий қобилияти ва қизиқишлари инобатга олиниб, илғор хорижий тажрибалар асосида ривожлантирувчи муҳит яратилмоқда.

Тизимни янада такомиллаштириш мақсадида 2026-2028 йилларда ҳудудларда 120 ўринли **“Янги авлод” давлат мактабгача таълим ташкилотлари** ҳамда улар таркибида **Болаларни ривожлантириш инновацион марказларини** ташкил этиш режалаштирилган. Уларда педагоглар меҳнатини рағбатлантириш мақсадида тариф ставкасига нисбатан 20 фоизлик ҳар ойлик устама тўланиши белгиланмоқда.

Нодавлат таълим ташкилотларининг бу жараёндаги иштироки ҳам кенгайтирилмоқда. Уларга бир йиллик мактабга тайёрлов гуруҳларини ташкил этишга рухсат берилиши таълим хизматлари бозорида соғлом рақобатни кучайтириш ва қамровни оширишга хизмат қилади. 2027-2028 ўқув йилидан бошлаб тайёрлов гуруҳларида таълим олган болаларга давлат намунасидаги электрон сертификат бериш кўзда тутилган.

Қамров даражаси паст бўлган ҳудудларда **давлат-хусусий шериклик** асосида боғчалар ташкил этаётган тадбиркорларга ижара, субсидия ва имтиёзли кредитлар бўйича қатор имкониятлар яратилмоқда. Бу эса янги боғчалар ташкил этиш, мавжуд қувватларни кенгайтириш ва болалар қамровини оширишга замин яратади.

Бугунги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти бир мақсадга — ҳар бир бола учун сифатли таълим-тарбия олиш имкониятини яратиш, унинг қобилиятини эрта ривожлантириш ва мактаб таълимига муносиб тайёрлашга қаратилган. Зеро, **мустаҳкам келажак пойдевори болаликдан бошланади.**



МЕҲНАТ БОЗОРИГА ЙЎЛ

Ҳунарда ҳикмат кўп, касбда каромат

Ҳар қандай таълимнинг пировард мақсади — меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, рақобатбардош ва малакали кадрларни тайёрлаш. Бунда назарий билим билан амалий кўникманинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади. Бугунги касб-ҳунар таълими марказлари ҳам ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Илгари касб-ҳунар таълими муассасалари фақат диплом бериш билан чекланиб қолгани ҳақида танқидлар айтиларди. Энди эса таълим жараёнида амалий машғулотларга устувор аҳамият берилмоқда. Ўқувчилар ўз мутахассислиги бўйича бевосита иш жараёнида иштирок этиб, касбий кўникмаларини мустаҳкамламоқда.

Айни пайтда касб-ҳунар марказлари ўқувчиларини йирик саноат корхоналари ва иш берувчи ташкилотларга бириктириш, дарсдан сўнг уларда амалиёт ўташини таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти. Бу эса ёшларнинг назарий билимларини амалиёт билан бойитиш ва келгусида иш билан таъминланишига замин яратмоқда.

Касб-ҳунар марказлари, аввало, ёшлар ва ишсиз фуқароларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларга, хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишга мўлжалланган. Ўзбекистонда бундай муассасалар “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш марказлари шаклида фаолият юритмоқда.

Марказларда ўқиш, одатда, **бир ойдан олти ойгача** давом этади. Таълим йўналишлари техник ва хизмат кўрсатиш, қурилиш, ижтимоий-маиший хизматлар, “IT” ва рақамли кўникмалар, хорижий тилларни қамраб олади.

Ўқишни муваффақиятли тамомлаганларга давлат намунасидаги сертификат берилади. Битирувчиларга иш топиш, зарур ҳолларда имтиёзли кредит олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишда ҳам кўмак кўрсатилади. Бандлик марказларида ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган фуқаролар учун таълим бепул ташкил этилиб, айрим ҳолларда стипендия ҳам тўланади.

Эътиборлиси, машғулотларнинг **70-80 фоизи амалий дарслардан** иборат бўлиб, замонавий ускуналарда олиб борилади. Бу эса касб эгаллаётган инсоннинг нафақат диплом, балки ҳақиқий меҳнат кўникмасига эга бўлишини таъминлайди. Зеро, **касбли инсон — меҳнат бозорида талабгор, ҳунарли инсон эса ҳаётда доимо ўз ўрнига эга.**

БИЛИМ — ЭНГ КАТТА САРМОЯ

ҚАМРОВДАН СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИК САРИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим қамровини кенгайтириш, таълим сифатини ошириш, илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.



Сўнгги саккиз йилда олий таълим билан қамров **9 фоиздан 44 фоизга,** талабалар сони эса **270 минг нафардан 1,7 миллион нафарга** етди. Касбий таълим тизимида ҳам халқаро тажрибалар кенг жорий этилмоқда. Жорий йилда 643 та техникумнинг 100 тасида Германия, Буюк Британия, Швейцария, Хитой ва Кореянинг илғор таълим дастурлари татбиқ этилмоқда.

Миллий олийгоҳларнинг халқаро нуфузи ҳам ошиб боряпти. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университети **жаҳоннинг энг яхши 1000 та олий таълим муассасаси қаторига** кирди. Олийгоҳлардаги 157 та таълим дастури халқаро аккредитациядан ўтказилди.

2030 йилга қадар камида 5 та олийгоҳни умумий рейтинг бўйича, яна 10 тасини фан йўналишлари кесимида **дунёнинг энг яхши 500 та университети қаторига киритиш** мақсад қилинган. Шунингдек, 100 та олийгоҳ дастурини халқаро аккредитациядан ўтказиш ва камида 150 та техникумда халқаро таълим дастурларини жорий этиш режалаштирилган.

Илмий тадқиқотларни молиялаштириш тизими ҳам янгиланмоқда. Давлат илмий дастурлари маблағларининг камида 50 фоизини устувор йўналишларга йўналтириш, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш ва университетларнинг **“spin-off”** корхоналарини ташкил этиш орқали илм-фан натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш кўзда тутилмоқда.

2027 йилдан олий таълим ташкилотларини миллий рейтингдаги натижаларига кўра, молиявий рағбатлантириш тизими жорий этилиши режалаштирилган. Шунингдек, ҳар йили 500 нафаргача иқтидорли хорижий фуқарога грант ажратишни назарда тутувчи **“Янги Ўзбекистон стипендияси”** дастури амалга оширилади.

Умуман, бу ислоҳотлар олий таълимни замонавий, сифатли ва рақобатбардош тизимга айлантириш, илм-фанни амалиёт билан боғлаш ҳамда Ўзбекистонни минтақадаги етакчи таълим марказларидан бирига айлантиришга хизмат қилади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



Тиббиётда тарихий инқилоб даври бошланди, бирламчи тиббий бўғинга эътибор кучайди, оилавий поликлиникалар тармоғи ривожланди, ихтисослаштирилган тиббий марказлар фаолияти йўлга қўйилди, тиббиёт олис ҳудудларга қадар етиб борди.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”



ТИББИЁТДАГИ ЯНГИ НАФАС

ОДАМЛАР ҲАЁТИДА НЕЧОҒЛИ СЕЗИЛЯПТИ?

Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Кейинги йилларда Президентимиз қўйган талаблар асосида тиббиётни трансформация қилиш, уни жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. “Инсон қадри учун”, деган эзгу тамойилни ўзида мужассам этган ана шу янгиланишлар жараёнида соҳани халққа янада яқинлаштириш, малакали тиббий хизматни хонадонларгача олиб кириш бош мезон сифатида белгиланган.

Муҳими, юз бераётган ўзгаришларнинг амалий натижасини одамларимиз ўз ҳаётида сезмоқда. Давлатимиз халқни рози қилишга қаратилган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар салмоғини изчил ошириб боряпти. Хусусан, **2016 йилда тиббиётга бюджетдан ажратилган йиллик маблағ ҳажми 5 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб, бу рақам 42 триллион сўмга етди.**

Бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг халқаро тажрибага асосланган янги моделини жорий этишга киришилди. Ҳозир ўн бешта ҳудудда бошланган тажриба-синов лойиҳаси асосида бажарилаётган ишлар айни шу мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда. Келгуси йилдан бу тажриба Самарқанд вилоятининг барча туман ва шаҳарларида татбиқ этилади.

Илк бор давлат тиббиёт муассасаларига робот технологиялари кириб келди. Сунъий интеллект асосида бажарилаётган текширув ва муолажа турлари 50 тага яқинлашди. Қатор юқори технологик амалиётларни вилоят ва туманлар даражасида бажариш ўзлаштирилди.

Тез тиббий ёрдам хизматида чақириқларни электрон бошқариш тизими ишга туширилиши натижасида мурожаатчилар манзилига етиб бориш вақти сезиларли даражада қисқарди.

Бундан бир неча йил аввал беморлар кичик бир шикоят билан ҳам тўғридан-тўғри тор соҳа вакилига мурожаат қилар ва поликлиникаларда сунъий навбатлар юзага келарди. Бугун шифокор тиббий муаммоларнинг 80 фоизгача бўлган қисмини поликлиниканинг ўзида ҳал қилиш кўникмасига эга. Тор соҳа мутахассисига фақат оилавий шифокор йўлланмаси билан чиқилади.

Беморнинг касаллик тарихи ва рецептлар қўлда ёзилар, йўқолган тиббий карталар сабабли таҳлилларни қайта топширишга тўғри келарди. Энди марказлашган рақамли базалар орқали беморнинг касаллик тарихи онлайн сақланади. Электрон рецепт тизими орқали бепул ёки имтиёзли дори-дармонларни олиш йўлга қўйилмоқда.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА — қулай ва янгича тизим

Соғлиқ — инсон ҳаётидаги энг қимматли бойлик. Уни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш учун сифатли, қулай ва ишончли тиббий хизмат зарур. Бу йўналишда оилавий поликлиникалар алоҳида ўрин тутади. Улар нафақат беморликда даволаш, балки соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олишда ҳам муҳим вазифани бажаради.



Қайд этиш лозимки, ўтган даврларда маҳаллалардаги оилавий поликлиникаларда бир қанча камчиликлар кузатилган. Хусусан, аксарият муассасаларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти, дори-дармон ва тиббий буюмлар таъминоти ҳамда патронаж хизмати ислоҳотга муҳтож бўлган. Бу каби муаммолар узоқ йиллар давомида аҳоли орасида норозилик келтириб чиқарган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва тавсиялари билан бугун поликлиникалар фаолияти тубдан яхшиланди. Жойлардаги муассасалар қайта таъмирдан чиқди, баъзи ҳудудлардаги тиббий хизмат бўлимлари янги бинода янгича мезонда иш бошлади.

Бирламчи бўғин муассасасаларида 18-40 ёшли 12 миллион нафардан зиёд фуқаро профилактикадан, 40 ёшдан катта 7 миллион нафар аҳоли юрак-қон томир касалликлари ва қандли диабет, 800 мингдан ортиғи сил касаллиги бўйича скринингдан ўтказилди.

Бу соҳадаги сифат ўзгаришлари шаҳардан то чекка ҳудудларгача, болажонлардан тортиб кексаларгача — ҳамманинг ҳаётида акс этяпти. Шу боис унга ажратилаётган бюджет маблағлари ҳар йили кўпайтириб борилмоқда. Барча ижтимоий хизматлар қатори тиббиёт ҳам халқимизга яқинлаштирилмоқда. Бирламчи бўғинда 18 мингдан зиёд тиббий бригада ташкил қилинган.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш мақсадида тиббиётга йўналтириладиган маблағлар ҳажмини 2 баробарга ошириш, тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг 70 фоиз мурожаатини бирламчи бўғиннинг ўзида ҳал этишга эришиш ҳамда рақамлаштиришни 100 фоизга етказиш каби вазифалар белгилаб берилган.

ДАҚИҚА ҚАДРИ

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ: БИРИНЧИ ВА ЎТА МУҲИМ КЎМАК

Тез тиббий ёрдам хизмати — инсон ҳаёти ва соғлиғини сақлаб қолишда энг биринчи ва ўта муҳим бўғин ҳисобланади. Бу соҳа йиллар давомида оддий “ташиш улови” вазифасидан юқори технологияларга асосланган, шифохонадан ташқаридаги интенсив терапия марказигача бўлган улкан ривожланиш йўлини босиб ўтди.



Яқин ўтмишда *(XX аср ўрталари ва охиригача)* тез тиббий ёрдам хизматида имкониятлар анча чекланган эди. Тез ёрдам машиналари, асосан, беморни шифохонага тезроқ етказиш учунгина хизмат қилган. Тиббий жиҳозлар жуда содда *(кислород ёстиқчаси, замбил ва бирламчи дори-дармонлар қутиси)* бўлган.

Радиоалоқа ва телефон тизимлари мукаммал бўлмагани сабабли, диспетчер билан шифокор ўртасидаги боғланиш қийин эди. Тез ёрдам бригадаси чақирувга кетганидан сўнг, улар билан алоқа узилиб қоларди.

Навигация тизимлари *(GPS)* бўлмаган даврда ҳайдовчи ва шифокорлар қоғоз хариталар ёки аҳолидан йўл сўраш орқали манзилни излашга мажбур бўлишган. Бу эса тирбандликлар ва ноаниқ манзиллар туфайли қимматли дақиқаларни йўқотишга олиб келарди.

Кўп ҳолларда чақирувга умумий соҳа шифокорлари ёки фақат ҳамшираларгина борган, шифохонагача бўлган даврда юқори технологик реанимацион ёрдам кўрсатиш имконияти деярли бўлмаган.

Бугунги кунда тез тиббий ёрдам хизмати рақамли технологиялар ва тиббиётнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган. Замонавий тез ёрдам машиналари ичида сунъий нафас олдириш ускуналари *(ИВЛ)*, дефибрилляторлар, ЭКГ мониторлари ва зарур дори-дармонларнинг тўлиқ турлари мавжуд.

Йўлда кетаётган шифокор беморнинг ЭКГ ва бошқа ҳаётий кўрсаткичларини рақамли тарзда қабул қилувчи шифохонадаги кардиолог ёки реаниматологга онлайн юбориши ва у ердан зудлик билан консилиум олиб, даволаш режасини бошлаши мумкин.

Эндиликда чақирувнинг характерига қараб кардиологик, педиатрик, реанимацион ва умумий соҳа бригадалари сафарбар этилади. Оғир геологик шароитларда, тоғли ҳудудларда ёки узоқ масофаларда беморларни эвакуация қилиш ва зудлик билан ёрдам кўрсатиш учун тиббий вертолётлар фаол қўлланилмоқда.

Тез тиббий ёрдамнинг кечаги куни фақат фидойи шифокорларнинг жисмоний меҳнатига суянган бўлса, бугунги тизим кучли инсон омили, рақамли технологиялар ва юқори муҳандислик ютуқларининг уйғунлигидир. Сўнгги йилларда соҳага киритилаётган рақамлаштириш, янги уловлар билан таъминлаш ва логистикани тубдан ислоҳ қилиш ишлари ҳар бир сония инсон ҳаётини қутқаришда қанчалик қимматли эканини яна бир бор исботламоқда.

Соҳада амалга оширилаётган трансформация жараёнлари доирасида Республика тез тиббий ёрдам маркази ва унинг 14 та ҳудудий филиали ташкил этилди. Натижада юртимизда 66 минг нафардан зиёд ходим, 2 872 та тиббий бригада, 1 500 га яқин тез тиббий ёрдам таянч пунктини бирлаштирган тез тиббий ёрдам хизматининг ягона вертикал интеграциялашган модели шакллантирилди.


Айтиш лозимки, бугунга келиб, пойтахт тажрибаси асосида муассасанинг барча ҳудудий бўлимларида ягона “Call-марказ”лар ташкил этилди. Натижада чақириқларни қабул қилиш ва бригадаларга узатиш, мониторинг қилиш, ходимлар иш юкламасини тенг тақсимлаш, шунингдек, чақирувлар ва беморлар ҳолати бўйича тўлиқ электрон маълумотларни олиш имконияти яратилди.

Бугунги кунда ушбу “Call-марказ”лар орқали республика бўйича қунига ўртача 35-40 мингта, пойтахт бўйлаб эса 3,5 мингта чақириқ қабул қилинмоқда.

Қолаверса, “103” хизматига бўлаётган мурожаатларни тўлиқ таҳлил қилиш тизими жорий қилинди. Бу эса 2025 йил январь ойидаги 36 мингдан зиёд сурункали чақириқлар сонини йил охирида 54 фоизгача камайтирди.

Ҳар бир ислоҳот ва янгилик инсон саломатлигини сақлаш, касалликларни тез ва ўз вақтида даволашга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик.

Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ...

САРАТОН — ОХИРГИ ҲУКМ ЭМАС!

Онкологик касалликлар инсоният олдидаги энг мураккаб тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири. Бироқ бугун тиббиёт саратонга қарши курашда катта тараққиётга эришиб, оддий жарроҳлик ва кимётерапиядан аниқ, йўналтирилган даволаш усуллари, ген муҳандислиги ва сунъий интеллектгача бўлган босқични босиб ўтди.



Аввалари саратонга қарши асосий чора зарарланган тўқимани жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш бўлган. Касаллик тарқалган ҳолатларда эса кимётерапия қўлланилган. Аммо бу усул соғлом ҳужайраларга ҳам таъсир қилиб, беморда турли ножўя таъсирларни келтириб чиқарган. Бугунги замонавий тиббиёт эса кўплаб онкологик касалликларни назорат қилиш ва самарали даволаш имкониятларини кенгайтирмоқда.

2027 йилдан саратонолди ва онкологик касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш учун зарур дори воситалари, тиббий жиҳозлар ва сарфлов материалларини харид қилиш тизими такомиллаштирилади. Бу жараёнда беморлар сони, даволаш давомийлиги ва ҳудудларнинг эҳтиёжи ҳисобга олинади.

Шунингдек, 2027 йилдан давлат тиббий суғуртаси доирасида саратон касалликларини эрта аниқлаш, ташхислаш ва босқичини белгилаш, жарроҳлик амалиётлари, дори ва нур терапияси, паллиатив ёрдам, реабилитация ҳамда диспансер кузатуви билан боғлиқ қатор харажатлар қоплаб берилади.

Бундай чора-тадбирларнинг бош мақсади — касалликни эрта аниқлаш, беморга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, даволаш самарадорлигини оширишдир. Зеро, онкологияда эрта ташхис нафақат даволаш имкониятини, балки инсоннинг ҳаёт сифатини ҳам белгилайди.



Ўзбекистон Республикаси Конституция янги таҳрирда қабул қилинди, конституциявий ҳуқуқлар мустаҳкамланди, фуқаролик жамиятлари институтларининг роли оширилди, бош қомусимизда маҳалланинг аҳамияти кучайтирилди.



НИГОҲ

Янгиланган Конституцияда илк маротаба “ижтимоий бирдамлик” тушунчаси белгиланди. Бу нима дегани?

“ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК” ТУШУНЧАСИ қандай ўзгаришларга сабаб бўлади?

Дарҳақиқат, 14-моддага киритилган ўзгартиришга кўра, “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”, деб белгилаб қўйилди.

Бу ижтимоий давлатнинг муҳим белгиси сифатида жамиятни бирлаштирадиган ва мустаҳкамлайдиган, инсонларни умумий мақсад йўлида сафарбар қилувчи, улар ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлашга қаратилган муносабатлар, жамиятни биргаликда ривожлантириш тамойилидир.

Мазкур янгилик жамият ҳаётида тинчлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини мустаҳкамлашга, умумхалқ манфаатларини юзага чиқаришга, пировардида, одамлар ўртасида ижтимоий бирдамликни ривожлантиришга хизмат қилади.



Бу вазифани амалга оширишда молиявий-иқтисодий жиҳатлар ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, ҳудудлараро мутаносиб ижтимоий- иқтисодий ривожланишни таъминлаш ва эҳтиёжманд аҳолини иқтисодий қўллаб-қувватлашда бюджетдан молиялаштиришнинг татбиқ этилишида ҳам намоён бўлади.

Энг муҳими, ижтимоий бирдамлик тамойилининг Конституциямизга киритилиши Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларни Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида, уларнинг миллати, тили, дини, жинси, ижтимоий келиб чиқиши ҳамда жамиятдаги мавқеидан қатъий назар, ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиради.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

Янги Конституциявий фалсафа: ИНСОН ҚАДРИ, ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ДАВЛАТ МАСЪУЛИЯТИ УЙҒУНЛИГИ

Янгиланган Конституция Ўзбекистон тарихида мафкуравий мақсадлардан инсон қадрини улуғлашга ўтишнинг бош ҳуқуқий пойдевори бўлди. 2016 йилгача амалда бўлган Бош қомусимизда давлат ва умумий манфаатлар устуворлик қилган бўлса, янги таҳрирдаги Конституция давлатни инсонга хизмат қилдириш тамойилини бош мезон этиб белгилади.

Камола ҲАМИДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суд ахборот хизмати раҳбари.



Аввалларидан ижтимоий ҳимоя, уй-жой билан таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари Конституцияда умумий мажбуриятлар сифатида кўрсатилган эди, бироқ уларнинг аниқ кафолатлари ва минимал стандартлари мавжуд эмасди. Давлат бу соҳаларда ўз масъулиятидан осонгина чекиниши мумкин эди.

Бош тамойил “Давлат — жамият — инсон”дан “Инсон — жамият — давлат”га ўзгарди. Конституциянинг 19-моддасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амалда бўлиши, қонунларнинг мазмун-моҳиятини фақат инсон манфаатлари белгилаши қатъий муҳрланди.

Моддалар сони аввалги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди. Яъни, Асосий қонунимиз матни халқимиз таклифлари асосида қарийб 65 фоизга ортди ва янгиланди. Бош қомусда Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон илк бор қатъий равишда “Ижтимоий давлат” деб белгиланди. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари қарийб 3 бараварга ошди. Олий таълимда бепул грантлар олиш ҳуқуқи, уй-жой қурилиши устидан давлат назорати, камбағалликни қисқартириш ва ишсизликдан ҳимояланиш кафолатлари конституциявий даражада мустаҳкамланди.

Ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади, албатта.

Кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш, умуман, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар оширилганининг ўзи, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

2016 йилгача ишсиз қолган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими шаффоф эмас эди. Нафақалар жуда кам миқдорда бўлиб, уни расмийлаштиришдаги тўсиқлар туфайли кўпчилик мурожаат ҳам қилмасди. Ишсизларни қайта касбга ўқитишнинг замонавий тизими мавжуд эмасди.

Энг кам иш ҳақи миқдори белгиланади, бироқ бу миқдор инсоннинг кундалик ейиш-ичиши, кийиниши ва яшаши учун етарлими-йўқми — ҳисоблаб чиқилмасди. Истеъмол савати ва яшаш минимуми тушунчалари ҳуқуқий асосга эга эмас эди.

2016 йилдан кейин Конституциянинг 42-моддасига жуда муҳим инсонпарвар меъёр — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб яшашини таъминлаш учун зарур бўлган миқдордан кам бўлиши мумкин эмаслиги киритилди. Бу давлатнинг иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини белгилашда тўғридан-тўғри ҳаётий эҳтиёжлардан (яшаш минимумидан) келиб чиқиши шартлигини англатувчи қатъий чекловдир.

Янгиланган Бош қомусимиз давлат зиммасига фуқароларни ишсизликдан ҳимоя қилиш ва камбағалликни йўқотиш бўйича аниқ мажбуриятлар юклади. Давлат ишсизларни аниқлаш, уларга нафақа тўлаш билан чекланиб қолмай, балки бепул касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини ташкил этишга мажбур қилиб қўйилди.

Жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари — аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бор шахсларни иш билан таъминлаш умумий бандлик дастурлари ичида қолиб кетарди. Иш берувчилар ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олишдан қочар, аёллар эса фарзандли бўлганидан кейин кўпинча ишсиз қолиб кетарди.

Бош қомусимизда “ёшлар” атамаси алоҳида йўналиш сифатида ажратилмаган, уларнинг ҳуқуқлари умумий инсон ҳуқуқлари ичида қолиб кетган эди. Ёшларнинг таълим олиши, уй-жой билан таъминланиши ёки ишга жойлашиши давлатнинг мажбурияти эмас, балки ихтиёрий ижтимоий дастурлар доирасидагина кўриб чиқиларди. Бу эса ёш авлоднинг ижтимоий ҳимоясиз қолишига олиб келган.

Янги таҳрирдаги Конституцияга илк бор ёшлар ҳуқуқларига бағишланган алоҳида йўналиш ва нормалар киритилди. Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаши қатъий белгиланди. Уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун шароитлар яратиш давлат бурчи ҳисобланади. Уларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан танлов асосида бепул ўқиши қонун билан кафолатланди.

Шунингдек, хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Давлат ногиронлиги бор шахсларнинг ишга жойлашиши учун корхоналарга квоталар белгилаши ва субсидиялар ажратиши мажбурий этиб қўйилди. Хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун имтиёзли кредит ва грантлар ажратишнинг конституциявий пойдевори яратилди.


ҲУҚУҚ

Ёпилган суд эшиклари барча учун очилди

Яқин тарихда Конституциявий суд оддий одамлар учун ёпиқ ва совуқ бир идора эди. Қонун ҳужжатларининг Бош қомусга мос келиш-келмаслигини текширадиган бу тузилма фақат юқори доирадаги амалдорлар, депутатлар ёки давлат идораларининг сўрови билангина ишларди.

2025 йилда Президент иродаси билан бу борада янги даврга қадам қўйилди. “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятини янада такомиллаштириш ва замонавий рақамли технологияларни жорий этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони соҳада тарихий ўзгаришга сабаб бўлди.

Эски чекловлар ва бюрократик тўсиқлар ортда қолди. Фармоннинг энг инқилобий жиҳати — фуқаролар ва юридик шахсларнинг Конституциявий судга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилгани бўлди. Эндиликда “Конституциявий шикоят” институти тўлиқ куч билан ишламоқда. Агар бирор-бир қонун ёки қарор фуқаронинг ҳуқуқларини бузаётган бўлса, ўша оддий инсон ўз ҳаққини ҳимоя қилиб, тўғридан-тўғри давлатнинг энг олий судига арз қила олади.



Яна бир улкан фарқ — тизим рақамлашди. Мурожаат йўллаш, ҳужжатларни текшириш ва конституциявий одил судловга эришиш жараёни шаффофлашиб, инсон тақдири учун тезкор хизмат қилмоқда.

Бу ўзгаришлар “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган устувор мақсадларга тўлиқ мос келади. Конституциявий суд энди шунчаки назоратчи эмас, балки ҳар бир фуқаронинг давлат қонунлари қаршисида ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишини таъминлайдиган муҳим воситага айланди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

ТАҚҚОС

Сўз эркинлиги ва ТАШАББУСЛАР КАФОЛАТИ

Яқин ўтмишда матбуот ва оммавий ахборот воситалари қатъий назорат ва цензура остида “нафас” оларди. Нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва ҳатто маҳаллалар ҳам мустақил фуқаролик институти эмас, балки юқоридан берилган буйруқларни қуйи бўғинда шунчаки ижро этувчи қўшимча идораларга ўхшаб қолганди.

Давлат раҳбарининг сиёсий иродаси билан қабул қилинган Янги таҳрирдаги Конституцияда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг мақоми тубдан кучайтирилди. Уларга илк бор алоҳида конституциявий мақом ва кафолатлар берилди. Миллий қонунчилик тарихида Конституцияга янги “Фуқаролик жамияти институтлари” боби киритилди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ОАВ фуқаролик жамиятининг асоси эканлиги мустаҳкамланди. Жумладан, давлат фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги иштирокини таъминлаши шарт қилиб қўйилди. Фуқаролик жамияти институтларига давлат бюджетининг шаклланиши ва ижро этилиши, шунингдек, атроф-муҳит муҳофазаси (экологик ҳуқуқлар) устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш ваколати берилди.



Оммавий ахборот воситалари фаолият эркинлиги таъминланиб, цензура тақиқи олиб ташланди. Журналист фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди. Давлат ижро ҳокимияти органлари ўз ишида очиқлик ва шаффофликни таъминлаши, жамият ва ОАВ олдида ҳисобдор бўлиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.



Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари кучайтирилди, мажбурий меҳнатга чек қўйилди, эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига ўтилди, қонунчиликка “миранда қоидаси” ва “энтони ҳуқуқи” қатъий киритилди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Бир неча йил олдин оддий бир инсон туҳмат ёки тасодиф сабаб тергов хонасига тушиб қолса, оқибати аянчли бўларди. Тўрт девор, совуқ нигоҳлар ва руҳий босим...

Қоғоздаги битиклар ҳаётдаги адолатга айланди

Уйтларда на адвокатга, на яқинларига қўнғироқ қилишга имкон бериларди. Энг ачинарлиси, ўша совуқ хоналарда жисмоний тазйиқ ва қийноқлар остида мажбурлаб ёздирилган, инсоннинг ўз тақдирига ўзи имзо чеккан “иқрорлик қўрсатмалари” судда энг асосий далил ҳисобланарди.

Қонунлар гўёки бор эди, лекин улар фақат қоғозда, чиройли декларацияларда яшарди. Амалиётда эса инсон тақдири эмас, давлат идораларининг назорати ва режани тўлдириш устувор эди.

2016 йилдан кейин вазият ўзгарди. Янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқлари шунчаки шиор эмас, давлат сиёсатининг мақсадига айланди. Биз энди ўзгаришларни кутиб ўтирмадик, балки инсонни ҳимоя қиладиган тўғридан-тўғри ишлайдиган тизимни яратдик.



Энг катта инқилобий қадамлардан бири — қийноқлар остида, босим билан ёки адвокат иштирокисиз олинган ҳар қандай кўрсатма, агар у олтинга тенг бўлса ҳам, судда далил сифатида ўз кучини мутлақо йўқотади! Судлар энди кўрсатманинг қандай йўл билан олинганини суриштиришга мажбур.

Бундан ташқари, санкциясиз ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга қисқартирилди. Энг муҳими, миллий қонунчилигимизга дунё тан олган “Миранда қоидаси” ва “Энтони ҳуқуқи” қатъий киритилди. Энди ҳар бир фуқаро ушланган илк сонияданоқ ўз ҳуқуқларини билиш ва зудлик билан яқинларига қаердалиги ҳақида хабар бериш ҳуқуқига эга. Бу — қоғоздаги эмас, инсоннинг яшаши, нафас олиши ва адолатга ишониши учун яратилган тизимдир.

ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ЗАНЖИРИ ҚАНДАЙ УЗИЛДИ?



Йиллар давомида қурилиш майдонлари, йирик хизмат кўрсатиш объектлари ва қишлоқ хўжалиги ҳужжатларида қизиқ бир манзара кузатиларди. Рўйхатда юзлаб одамлар расман ишлаётгандек ва ойлик олаётгандек кўринарди. Аммо ҳаётда уларнинг кўпи “ўлик жонлар” эди. Ёки бунинг тескариси бўларди. Кимдир ўз хоҳиши билан эмас, балки аллақандай босимлар остида, мажбурий меҳнат қурбони сифатида тер тўкишга ундаларди.

Бу занжир ҳалол ишчининг ҳаққини ейишга, давлат маблағларини эса ҳавога совуришга хизмат қилиб келди. Бугун бундай айёр ўйинлар тугади.

“Меҳнат муносабатлари ва касбга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони меҳнат бозори шаффофлигини таъминлашда инқилобий қадам бўлди.


Энди энг кўп яширин иқтисодиёт айланадиган учта асосий соҳада — хизмат кўрсатиш, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида электрон меҳнат шартномаларини тузиш мутлақо янги босқичга чиқди. Иш берувчи шунчаки рўйхат тўлдириб, сохта ходимларни ёзиб қўя олмайди. Шартнома имзоланаётган сонияда тизим ходимни Face-ID орқали биометрик идентификация қилади. Экран қаршисида аниқ тирик инсон тургани ва у ўз хоҳиши билан меҳнат муносабатига киришаётгани рақамли муҳрланади.

Янги тартибга кўра, Давлат меҳнат инспекторларининг текширув ўтказиш тизими ҳам эркинлаштирилди. Энди инспекция тадбиркорнинг оёғига тушов бўлмайди, балки қонуний ва адолатли меҳнат муҳитини яратишда кўмакчига айланади. Бундан ташқари, Меҳнат кодекси, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилган сўнгги қўшимчалар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни халқаро даражага кўтарди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистонда ҳар бир оддий ишчи ходимнинг ўз ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини эркин ҳимоя қилиши ва мажбурий меҳнатдан тўлиқ муҳофазаланишининг қонуний кафолатини таъминлаб бермоқда.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

ТАҚИҚЛАРДАН КАСБИЙ ҚАДР-ҚИММАТГАЧА...

Тасаввур қилинг, сиз шифокорсиз, лекин беморларни даволаш ўрнига кузнинг совуқ кунларида лой далада пахта теришга мажбурсиз. Ёки ўз юртингиз пойтахтида уй сотиб олмоқчисиз, лекин қонун сизга буни тақиқлайди. Булар узоқ тарих эмас, балки 2016 йилгача бўлган кундалик ҳаётимиз эди.





Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Шароф ЎРОЛОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати бошлиғи, полковник.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар бундай тўсиқларни бутунлай йўқ қилди. Мажбурий меҳнатга чек қўйилиши ва рўйхатга олишдаги тақиқнинг бекор қилиниши мамлакат ҳаётини “2016 йилгача” ва “2016 йилдан кейин”, деган икки тубдан фарқ қилувчи даврга ажратди.

Ҳар йили куз келиши билан миллионлаб бюджет ходимлари — ўқитувчилар, шифокорлар, талабалар ва ҳатто, мактаб ўқувчилари оммавий равишда пахта далаларига сафарбар қилинарди. Касбий мажбуриятлар четда қолиб, режани бажармаганлар ишдан ёки ўқишдан ҳайдалиш таҳдиди остида қолар эди. Халқаро ҳамжамият ўзбек пахтасига бойкот эълон қилган, мамлакат иқтисодий ва маънавий босим остида эди.

2016 йилдан кейинги даврда давлат раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси билан мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай шакли қонунан тақиқланди. Шифокор шифохонага, ўқитувчи мактабга қайтди. Натижада Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва “Cotton Campaign” коалицияси Ўзбекистон пахтачилигида тизимли мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилганини тан олди ва бойкотни бекор қилди.

2016 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтиш оддий фуқаро учун деярли имконсиз эди. Бундай имконияти бўлмаган шахслар пойтахтда қонуний ишлай олмас, тиббий хизматдан фойдаланишда қийналар ва энг ачинарлиси, ўз номига уй сотиб ололмас эди. Бу тизим фуқароларни ўз юртида “бегона” қилиб қўйган эди.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий тартибда фуқароликка қабул қилиниши учун Ўзбекистон ҳудудида узлуксиз 5 йил доимий яшаган бўлиши керак эди. Бироқ амалиётда ушбу 5 йиллик муддат тугагандан кейин ҳам ҳужжатларни кўриб чиқиш маъмурий тўсиқлар туфайли йиллаб чўзилиб кетар ва якуний қарор деярли чиқмас эди.

Умид билан топширилган аризалар Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ваколатли идораларда йиллар давомида ҳеч қандай қонуний муддат чекловларисиз туриб қолиши мумкин эди. Ариза берувчи ўз ҳужжатлари қайси босқичда эканини билиш ҳуқуқига эга эмасди.

2016 йилдан кейин инсон ҳуқуқларини чекловчи ушбу эскирган тизим тўлиқ ислоҳ қилинди. “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони қабул қилиниб, рўйхатга олиш тизимидаги чеклов бутунлай тугатилди. Бу тушунча ўрнига оддий хабардор қилиш хусусиятига эга рўйхатдан ўтиш тизими жорий этилди. Вилоятлик фуқароларнинг Тошкентдан уй сотиб олишига қўйилган тақиқлар ва қўшимча давлат божлари бекор қилинди.

Ҳар бир Ўзбекистон фуқароси конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, мамлакатнинг исталган ҳудудида эркин яшаш, ишлаш ва мулкдор бўлиш имкониятига эга бўлди.

ҚУЛАЙЛИК

“Рўйхатга олиш” тизими янада соддалашяпти

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига фуқароларни яшаш жойи ва турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасига кўра, рўйхатга олиш тизими янада соддалашяпти.

Унга кўра, “квадратура” чеклови олиб ташланмоқда.

Тасаввур қилинг, ўз уйингиз бўла туриб, майдон етмаётгани ёки уйга ипотека, тақиқ қўйилгани учун яқинларингизни рўйхатга қўя олмас эдингиз. Фарзандни мактаб ёки боғчага бериш пайтида ана шу майда бюрократия деб, қанча асаб бузилгани барчамизга яхши таниш.

Ниҳоят, шу сунъий тўсиқлар ва ортиқча сарсонгарчиликларга барҳам берилади! Эндиликда бундай чекловлар бекор қилиняпти. Бу орқали эр-хотин, ота-она, фарзанд, бува-буви, невара, шунингдек, ака-ука ва опа-сингиллар бир-бирининг уйига рўйхатдан ўтаётганда уй майдони белгиланган меъёрдан кам бўлса, бу энди ҳеч қандай тўсқинлик қилмайди.



Ётоқхоналарда яшайдиган ёшларимизни ҳисобга қўйишда ҳам уй-жой майдонининг ижтимоий талаби қўлланилмаслиги қатъий белгиланяпти.

Ипотека кредити ёки бошқа сабаблар билан уйга тақиқ (хатлов) қўйилган бўлса, мулкдор ва унинг яқин қариндошларини ўз уйида рўйхатдан ўтказиш учун банк ёки бошқа ваколатли органларнинг розилигини олиш талаби бекор қилинмоқда.



ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон — Халқаро судьялар ҳамжамияти билан бир сафда

Судьялик — машаққатли касб. Шунинг учун аёл судьяларга икки ҳисса оғир бўлади. Лекин бу машаққат ортида адолатни қарор топтиришга бўлган чексиз фидойилик, нозик қалб ва улкан масъулият яширин. Бугун ўзбек аёлининг овози ва тажрибаси дунё миқёсида жаранглай бошлади.

Мамлакатимиз аёл судьялари халқаро майдонда мутлақо янги ва тарихий қадамни қўйди. Ўзбекистон аёл судьялари ассоциацияси дунё тан олган нуфузли ташкилот — БМТ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ECOSOC) ҳузурида махсус маслаҳатчи мақомига эга Халқаро аёл судьялар ассоциациясининг (IAWJ) расмий миллий бўлими сифатида қабул қилинди.

Бу шунчаки рўйхатдан ўтиш ёки оддий аъзолик эмас. IAWJ — бутун дунё бўйлаб, 6 500 дан зиёд энг тажрибали ва кучли судьяларни бирлаштирувчи глобал профессионал тармоқдир. Энди бизнинг аёл судьяларимиз мана шу улкан ҳамжамиятнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.



Бу тарихий эътироф оддий ўзбек аёл судьяси учун нима беради? Энди улар халқаро тажриба алмашиш, дунёнинг энг илғор суд тизимлари билан тўғридан-тўғри профессионал ҳамкорлик қилиш имкониятига эга. Энг муҳими, Ўзбекистоннинг миллий суд амалиётини, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ислоҳотларни жаҳон саҳнасида намоён этадилар. Дунё адолат тарозисини ривожлантиришда ўзбек аёлларининг ҳам ўз сўзи, ўз ўрни бўлади.

Бу — ўзбек аёлининг ақл-заковати, ҳуқуқий маҳорати ва адолат йўлидаги меҳнати жаҳон миқёсида тан олинганининг яққол исботидир.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

Барча ўзгаришлар замирида ИНСОН ҚАДРИ ВА МАНФААТИ МУЖАССАМ

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мамлакат тараққиётининг энг муҳим стратегик йўналишларидан бирига айланди.

Шерзод ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти бош илмий ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).



ДАХЛДОРЛИК

“Судларда комплаенс назорат тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони суд тизимида коррупцияга қарши курашишни янги сифат босқичига олиб чиқувчи муҳим ҳужжат бўлди.

СУДЬЯЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ БОШЛАНАДИ

Унга кўра, Олий судда суд аппарати ходимлари орасида коррупциянинг олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувини аниқлаш учун комплаенс назорат хизмати ташкил этилмоқда.

Йўлга қўйилаётган комплаенс модели халқаро амалиётда шаклланган “коррупция содир бўлгандан кейин аниқлаш” эмас, “коррупцияга олиб келувчи шароитни олдиндан бартараф этиш” тамойилининг бевосита амалий ифодасидир.

Энг муҳим янгилик — судьялар ҳамда суд аппарати ходимлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш, маълумотларни интеграциялашган тизим орқали текшириш амалиётини жорий этиш ҳам белгиланган.



Бундай электрон тизим 2026 йил 1 сентябрга қадар, суд аппарати ходимлари бўйича эса 2027 йил 1 майга қадар жорий этилади. 2026 йил якунига қадар “vacancy.sud.uz ” портали ва “SudHR” электрон платформаси ишга туширилади. Бунда сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан вакансияларни эълон қилиш, номзодларни саралаш ва ишга қабул қилиш жараёнларида фойдаланилади.

2016 йилга қадар мамлакатда икки олий суд тизими – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Олий хўжалик суди алоҳида фаолият юритар эди, холос. 2016 йилдан кейин Ягона олий суд органи ташкил этилди.

Мустақил конституциявий тузилма – Судьялар олий кенгашининг ташкил этилиши судьяларни танлаш, тайинлаш ва уларнинг мустақиллигини таъминлаш соҳасида мутлақо янги институционал ёндашувни қарор топтирди. Судьялик фаолиятининг муддатсиз босқичи жорий қилиниши орқали уларнинг мустақил қарор қабул қилиши учун ҳуқуқий кафолатлар янада мустаҳкамланди.

Суд назоратининг қамрови кенгайди

Жараёнда “Хабеас корпус” институтини кенгайтиришга қаратилган ҳуқуқий ечимлар изчил амалга оширилди. Яқингача амалда тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ва бошқа айрим процессуал ҳаракатларга санкция бериш ваколатини асосан, прокурор амалга оширар, судлар эса, қамоққа олиш ва уй қамоғи билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқар эди.

2016 йилдан кейинги ҳуқуқий ислоҳотлар “Хабеас корпус” институтини мазмунан янги босқичга олиб чиқди. Тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш каби инсон ҳуқуқларига дахл қилувчи муҳим процессуал ҳаракатларга санкция бериш ваколати судларга ўтказилди.

Шу тариқа, суд назоратининг амалий қамрови кенгайиб, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳамда конституциявий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг процессуал кафолатлари янада мустаҳкамланди.

Оқлов ҳукмларида суд мустақиллигининг амалий ифодаси

2016 йилгача оқлов ҳукмларини амалиётда кенг қўллаш ҳамда айбсизлик презумпцияси тамойилини янада самарали таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тизимларни ривожлантириш зарурати мавжуд эди. Амалда оқлов ҳукмлари жуда кам қўлланилиб, жиноят ишларининг асосий қисми айблов ҳукми билан якунланар эди. Шунингдек, жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш институти ҳам суд муҳокамаларининг якунийлиги ва самарадорлигини янада такомиллаштириш эҳтиёжини юзага келтирар эди.

ИСЛОҲОТ НАФАСИ

“Одил судлов – 2030”: Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегияси тўғрисида”ги Президент фармони “ҳеч шубҳасиз” суд тизимидаги энг муҳим янгиликлардан бўлди.

СУД ТИЗИМИ ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

Фармонга мувофиқ, 2027 йил 1 июлдан бошлаб **“асосли гумон”** (Prima Facie) халқаро стандартига мувофиқ, тергов судьясига тегишли процессуал мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан илтимосномаларни кўриб чиқишда шахсни ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилигини, гумон қилиш ёки айблов эълон қилиш учун асослар етарлилигини текшириш ваколатлари берилади. Шунингдек, 2027 йил 1 августдан бошлаб, ягона суд амалиётини шакллантирувчи Олий суд Раёсати қарорларини очиқ эълон қилиб бориш амалиёти – **“Прецедентлар” реестри** жорий этилади. Шу билан бирга, суд бинолари “ягона дарча” тамойили асосида замонавий хизмат кўрсатиш офисларининг фаолияти йўлга қўйилади. Қолаверса, судлар мустақиллигини таъминлашнинг энг муҳим шарти сифатида 2028 йил 1 январдан бошлаб, халқаро талабга жавоб берувчи **суд маъмурчилиги институти** жорий этилиши белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, “Одил судлов – 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, қонун устуворлигини сўзсиз таъминлаш ҳамда конституциявий қадриятларни ҳимоя қилишнинг яна бир тарихий амалий ифодасидир.



2016 йилдан кейин суд мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий ўзгаришлар оқлов ҳукмлари институтининг амалдаги аҳамиятини тубдан оширди. Хусусан, жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилиниб, иш бўйича тўпланган барча далилларга мустақил ҳуқуқий баҳо бериш ва қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда якуний қарор қабул қилиши учун мустаҳкам ҳуқуқий тизимлар яратилди.

Шунингдек, айбсизлик презумпцияси тамойилининг амалий таъсири сезиларли даражада кучайди. Бунинг натижасида 2017-2026 йиллар мобайнида судлар томонидан 5,5 мингдан ортиқ шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Бугунги кунда мазкур институт суд амалиётининг барқарор қисмига айланиб, ҳар йили ўртача 800-1000 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд тартибида тиклашга хизмат қилмоқда.

Мустақил адвокатура одил судловнинг муҳим кафолати

Янги Ўзбекистонда адвокатура институтини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий ўзгаришлар суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган энг муҳим янгиланишлардан бири бўлди.

2016 йилгача адвокатура институтининг мустақиллигини янада кучайтириш, унинг давлат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини замонавий ҳуқуқий талаблар асосида такомиллаштириш ҳамда адвокатнинг процессуал мақомини мустаҳкамлаш зарурати сақланиб қолган эди.

2016 йилдан кейинги янги давр ҳуқуқий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида адвокатура институтининг мустақиллиги сезиларли даражада мустаҳкамланди. Хусусан, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш масалаларини ҳал этиш суд ваколатига ўтказилди. Шунингдек, адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш Адвокатлар палатаси қошидаги ҳудудий малака комиссияларига берилди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.



Шаҳарсозлик ва инфратузилма ривожида янги босқич бошланди, эски типдаги уйлардан “Янги Ўзбекистон” массивларига ўтилди, уй-жой сектори ривожланди, ипотека ва субсидия имкониятлари кенгайтирилди.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

БУНЁДКОРЛИКДА ЯНГИ ДАВР:

ҲАР БИР УЙ ОРТИДА — ЯНГИ МАҲАЛЛА, ҲАР БИР ЛОЙИҲАДА — ЯНГИ ҚИЁФА

Бундан ўн йиллар олдин айрим ҳовлиларда тўрттагача, кўп қаватли уйларда эса икки-учтагача оилалар бирга яшаган ҳолатларини кўпчилик яхши эслайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентлик вазифасига киришган дастлабки ойларданоқ, одамларни қийнаб келаётган ана шу масалага алоҳида эътибор қаратди.



Тоир АЛИМАТОВ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари.

2016 йил 21 октябрдаги “2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарори билан қишлоқларда, 22 ноябрдаги “2017–2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида шаҳарларда арзон уй-жойлар қуриш дастурлари қабул қилинди. Шу тариқа мустақиллик тарихимизда кўп қаватли уйларнинг оммавий ва кенг кўламли қурилиши бошланди.

Албатта, бошида уй қурилишидаги бундай катта сакраш ҳеч кимга осон бўлмади. Чунки ўша вақтда етарли даражада қурилиш ташкилотлари, кранлар, заводлар бўлмаган. Шундай бўлса-да, Сергели туманида бошланган дастлабки йирик лойиҳалар бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиб, уч йилда 440 та кўп қаватли уй қурилди, унга 18 500 аҳоли кўчиб ўтди. Президентимизнинг тадбиркорларга кўрсатган кўмаги туфайли ушбу ҳудудда кейинчалик ҳам кўп қаватли уйлар қурилиши давом эттирилиб, яна минглаб оилалар янги уй билан таъминланди.



Янги ислоҳотлар даврида нафақат уй-жой, балки бутун инфратузилмани янгилашга эътибор қаратиляпти. Ҳар бир қурилиш лойиҳасида сув, ер ости сув қувури, иссиқлик, газ, электр тармоқлари ва йўллар, ҳатто мактаб, боғча, поликлиникалар ҳам қурилиши аниқ белгилаб берилди.

Илгари қурилиш корхоналари рухсат олиш учун турли идораларга қатнаб, ойлаб сарсон бўларди. Эндиликда қурилиш соҳасида рухсат бериш босқичлари 3 карра, муддатлар 4 карра қисқартирилди. 420 та шаҳарсозлик меъёр ва қоидалари бирлаштирилиб, эскилари бекор қилинди ва 140 та янги меъёр ва қоида тасдиқланди. Биргина “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими асосида 24 та замонавий электрон платформа ишга туширилиб, асосий бошқарув жараёнлари рақамлаштирилди. Барча назорат жараёнлари рақамли форматга ўтказилди. Давлат харидлари тизимида электрон тендер платформаси йўлга қўйилгани ҳам шаффофликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Тармоқда сунъий интеллект технологиялари фаол жорий этилмоқда. Буларнинг барчаси соҳада инсон омилини қисқартириш, коррупция билан боғлиқ хавф-хатарларни бартараф этиш ва қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигини оширишга хизмат қилаётгани билан эътиборлидир.

Натижада Ўзбекистонда қурилиш соҳаси янги босқичга кўтарилиб, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Сўнгги 9 йилда республика бўйлаб йирик лойиҳалар амалга оширилиб, умумий майдони 210 миллион квадрат метрдан зиёд бино ва иншоотлар, жумладан, 647 мингта, ўтган йилнинг ўзида эса 135 мингта квартирага эга бўлган уй-жойлар барпо этилди. Жорий йилда яна 140 мингта янги квартира фойдаланишга топширилади. 2040 йилгача мамлакатимизда қуриладиган уй-жойлар сонини йилига 280 мингтага етказиш, “Янги Ўзбекистон” массивларини 61 тадан 120 тага кўпайтириш режалаштирилган. Қурилиш ишларининг ҳажми **2016 йилда 30 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2025 йил якунига кўра ушбу кўрсаткич 314 триллион сўмга етди.** Бу эса соҳада ўн баравардан ортиқ ўсиш таъминланганини англатади.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ва Бурҳониддин Марғиноний туризм маркази каби ноёб маданий-маърифий иншоотлардаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, пойтахтимиздаги Янги Тошкент, Тошкент вилоятидаги Нурафшон, Андижон вилоятидаги Бобур, Самарқанддаги Ширин, Хоразмдаги Ал-Хоразмий шаҳарлари каби йирик лойиҳалар мутлақо янги муҳандислик ечимлари, “яшил” қурилиш тамойиллари билан мамлакатимизнинг бунёдкорлик тарихида ёрқин саҳифа очмоқда.

Бугунги кунда қурилиш, қурилиш материаллари саноати ва уларга ёндош соҳаларда 3,5 миллион нафардан ортиқ аҳоли меҳнат қиляпти. Бу эса мазкур соҳа нафақат иқтисодий ўсишнинг муҳим “ўсиш нуқтаси”, балки аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам стратегик аҳамиятга эга эканини тасдиқлайди.

ЯНГИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

Ўзбекистонда 2016 йилгача кўп қаватли уйларга, асосан, Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУЖМШ) хизмат кўрсатган, лекин ушбу тизим кўпинча аҳолининг норозилигига сабаб бўлган. Чунки бу соҳада жиддий муаммолар ва эътиборсизликлар мавжуд эди.

Бошқарув тизими РАҚАМЛАШТИРИЛГАЧ, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯХШИЛАНДИ

Ширкатларнинг аксарияти молиявий жиҳатдан заиф, таъмирлаш техникалари ва мутахассислари етишмовчилиги сабабли уйларга сифатли хизмат кўрсатолмасди. Уйларнинг томлари, ертўлалари ва кириш йўлакларини таъмирлашда маблағлар етишмаган ёки мақсадсиз сарфланган. Натижада коммунал хизмат кўрсатиш сифати талабга жавоб бермаган.

Ислоҳотлар даврида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини кескин яхшилаш мақсадида, 2017 йилда алоҳида вазирлик ташкил этилди. “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги қонуни билан соҳа тубдан ислоҳ қилинди. Аввалги ширкатларнинг ўрнини профессионал бошқарув компаниялари ва сервис ташкилотлари эгаллади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 45 мингдан зиёд кўп қаватли уй бўлиб, уларга 900 дан ортиқ бошқарув сервис компаниялари ва 200 дан ортиқ ширкатлар хизмат қилади. Шунингдек, 856 та уйда ўзини-ўзи бошқариш тизими жорий этилган.



Сўнгги 9 йилда 3 триллион 700 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 51 мингга яқин уйлар таъмирланиб, 3 минг 500 та лифт янгисига алмаштирилди. Соҳада рақамлаштириш жараёнлари жадал олиб борилаётгани туфайли салкам 42 мингта кўп қаватли уй ва 1 миллион 500 минг нафардан ортиқ мулкдорлар “Менинг уйим” биллинг тизимида рўйхатга олинди. Бу эса бошқарув ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини бевосита кузатиб, уларнинг фаолиятини баҳолаб бориш имконини бермоқда.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

Бундан ташқари, 3 минг 400 та ичимлик ва оқова сув иншооти ва 42 минг километрдан зиёд сув тармоқлари барпо этилиб, таъмирланди. Натижада юртимизда аҳолини ичимлик сув билан марказлашган тизим орқали таъминлаш даражаси **2017 йилдаги 63 фоиздан ҳозирги вақтда қарийб 83 фоизга етди.** Иссиқлик таъминоти соҳасидаги кенг кўламли ишлар ҳисобидан қарийб 100 та марказий ва маҳаллий қозонхона, 1276 километр иссиқлик тармоқлари таъмирланди ва модернизация қилинди.

2030 йилгача аҳолини ичимлик суви билан марказлашган тармоқлар орқали таъминлаш даражасини 90 фоизга етказишни режалаштирган. Шунингдек, 103 та қозонхона, 1 минг 600 километр иссиқлик тармоқлари барпо этилади ва таъмирланади. Натижада марказлашган иссиқлик таъминоти қамрови ҳозирги 37 фоиздан 58 фоизга етказилади. Кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 6 мингдан ортиқ уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилади, 750 та лифт ускунаси янгиланади ҳамда 405 та кўп қаватли уй фасади энергия тежамкор материаллар билан қопланади.

ЯНГИ ҚИЁФА

Яқин йилгача мамлакат миқёсида барча инфратузилмага эга бирор комплекс массив қурилмаган эди.

“Янги Ўзбекистон” массивлари — ОРЗУЛАР РЎЁБИ

Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини барқарор қондириш мақсадида “Президентнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида юртимизнинг турли ҳудудларида “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этиляпти.

Бугунги кунда 61 та массив ташкил этилган бўлиб, уларда 69 минг хонадон иборат 1 минг 639 та уй қурилди. Жорий йил мазкур массивларда яна 34 минг хонадон қуриб битказилади. 2030 йилгача “Янги Ўзбекистон” массивлари сони 100 тага етказилади.



Юқоридагилар шунчаки оддий рақамлар эмас. Чунки ҳар бирининг ортида одамлар тақдири ётибди. “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш давлат сиёсатининг муҳим бир қисми бўлиб, ундан кўзланган мақсад шунчаки шаҳарни кўркамлаштириш эмас, балки инсонларнинг бахтли яшаши учун шароит яратишдир. Ушбу массивларда ижтимоий, маданий ва инфратузилма объектлари ҳам қурилаётгани аҳолининг фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Янги Ўзбекистон” массивлари бу оддийгина турар жой эмас. Ҳар бир қурилган уй – кимнингдир орзуси, йиллар давомида кутган хонадони. Бир пайтлар бўш ётган майдонларда бугун осмонўпар бинолар қад ростлади. Бу ерда замонавий уй-жойлар, мактаблар, боғчалар, поликлиникалар барпо этилмоқда. Буларнинг барчаси аҳоли фаровон ҳаёт кечириши учун хизмат қилади.

ТАРАҚҚИЁТ

Шаҳарсозлик: РЕЖАЛИ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Урбанизация даражаси 1991 йилдаги 40,3 фоиздан 51 фоизга етди. Республика бўйича ҳар йили 200 мингтага яқин янги оила ташкил топмоқда. Бу янги уйлар, йўллар ва ижтимоий инфратузилмага талаб янада ортади дегани.



Қолаверса, ҳозирда аҳолининг бир киши бошига ўртача 18,9 квадрат метр турар жой майдони тўғри келмоқда. Бу кўрсаткични камида 23 квадрат метрга етказиш учун 2040 йилгача янги уй-жой қурилиши суръатини 280 мингтага ошириш лозим.

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида 2026 йилда 140 минг, 2027 йилда 150 минг ва 2028 йилда 160 минг хонадонли уй-жойлар қуриш режалаштирилган. Шу мақсадда **урбанизация соҳасида бошқарув янги тизим асосида йўлга қўйилиб, алоҳида қўмита тузилди.**

Урбанизация ва уй-жой қурилиши жараёнларини тўғри ва самарали режалаштириш учун рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш керак. Шу боис бош ва мастер-режаларнинг ягона маълумотлар базаси, қурилишга тайёр ер майдонлари базаси – “Ер банки”, кўп квартирали уйларнинг ягона геоахборот базаси, “эскроу” тизими, қурувчилар рейтинги ва бошқалардан иборат “Уй-жой” ахборот тизими ишлаб чиқилди. Бугунги кунга қадар 20 та шаҳар, 22 та шаҳарча, 843 та туман аҳоли пунктларининг рақамли бош режалари ишлаб чиқилиб, геопорталга жойлаштирилди. Жорий йилнинг ўзида яна 6 та шаҳар ва 44 та шаҳарча бўйича бош режалар, 104 та қишлоқ бўйича мастер-режалар якунланади. Бундан ташқари, ташаббускор тадбиркорлар билан бирга яна 50 та аҳоли пункти учун шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, аҳоли пунктлари тартибсиз кенгайиб бориши айрим ҳудудларда келгусида экин ерларининг танқислигига олиб келиши мумкин. Шу боис эскирган уй-жой фонди янгиланиб, уй-жой қурилишида реновация улуши ошириляпти. Бу жараёнда реновация ҳиссасини ҳозирги 15 фоиздан 2040 йилга қадар 60 фоизга, “Янги Ўзбекистон” массивларини 120 тага етказиш режалаштирилган.

Янги Тошкентда ҳам кенг кўламли уй-жой қурилиши бошлаб юборилган. Биринчи босқичда 600 минг аҳоли учун замонавий инфратузилма барпо этилиши белгиланган. Лойиҳа тўлиқ якунланганда эса Янги Тошкент 2 миллион нафар одам яшайдиган улкан мегаполисга айланади. Уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасидаги биринчи қадам “Шарқ баҳори” турар жой мажмуасидир. Мажмуа минтақамиздаги энг йирик уй-жой лойиҳаларидан бири ҳисобланади. 95 гектар ҳудудда 15 мингга яқин хонадондан иборат кўп қаватли уйлар қуриляпти.

Йўл ва транспорт коммуникацияси тармоғи ривожлантирилди, тошкент метрополитени кенгайди, ҳудудларда тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилди, пулли йўллар очилди, жамоат транспорти имкониятлари кенгайтирилди.




“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

СИФАТЛИ ЙЎЛ — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Сифатли йўллар мамлакат тараққиёти ва аҳоли фаровонлигининг муҳим омилларидан биридир. Йўл инфратузилмаси қанчалик ривожланган бўлса, иқтисодий алоқалар, савдо-сотиқ, туризм ва ишбилармонлик фаолияти шунчалик самарали бўлади.

Раҳматилло БОБОЕВ,
Транспорт вазирлиги бошқарма бошлиғи.



Янги Ўзбекистонда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, махсус фармон, қарор ва қонунлар қабул қилиниб, йўл хўжалиги тизими такомиллаштирилди.

Бироқ республикамизнинг асосий “қон томири” бўлган халқаро автомобиль йўлларнинг инфратузилмасига узоқ йиллар етарли даражада эътибор қаратилмади. Маҳалла ва қишлоқлардаги ички кўчаларнинг ўйдим-чуқурлари, ёзда чанг, қишда лой йўллари аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Натижада туризм, савдо-сотиқ, ишбилармонлик фаолиятига, энг муҳими, одамларнинг яшаш шароитига салбий таъсир кўрсатди.

Бугун-чи?! Янги Ўзбекистон даврида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида тамомила ўзгача манзара – республикамизнинг деярли барча маҳаллаларининг ички кўчалари асфальтланди, ҳатто олис тоғли қишлоқларда ҳам равон йўллар пайдо бўлди. Аҳолининг узоғини яқин қилиш учун мамлакатнинг барча ҳудудларига, маҳаллаю қишлоқларига ҳам борадиган йўналишли транспортлар, автобус ва тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилди. Қувонарлиси, ислоҳотлар натижалари Фарғона водийсидан Оролбўйигача, Зарафшон воҳасидан Қашқадарё ва Сурхондарёгача, Тошкентдан тортиб, Жиззах ва Сирдарёгача – юртимизнинг барча ҳудудида бўй кўрсатмоқда.

2009-2016 йилларда 9 триллион сўм эвазига минг километрдан кўпроқ йўл қурилиб, 20 минг километрдан ортиғи таъмирланган бўлса, **сўнгги тўққиз йилда бу кўрсаткичлар 6 баробаргача ўсди.** Йўлларни қуриш ва таъмирлашга **ажратилаётган маблағлар 8 карра ошди.** Ўтган даврда Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхоналарга 2 мингдан зиёд янги махсус техникалар харид қилинди. Бунинг ҳисобига 65 минг километр йўллар қурилди ва таъмирланди.

Лойиҳалаш, қуриш, фойдаланишга топшириш учун масъул ташкилотлар белгилаб қўйилди, буюртмачи ва пудратчининг вазифалари бир-биридан ажратилди. Йўлларни илмга асосланиб, замонавий ёндашувлар асосида қуришга эътибор кучайди. Масалан, лойиҳа ҳужжатларининг намунавий андозаларидан воз кечилиб, ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятидан келиб чиқиш усулига ўтилди. Йўл ишларида “ресурс усули”дан воз кечилиб, сифат ва ҳажм кўрсаткичларини назарда тутувчи “ҳажм усули”га ўтилди.

Автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотлар базасини ўз ичига олган “Shaffof yo‘l” платформаси ишга туширилди. Мазкур платформанинг алоҳида саҳифаси орқали аҳолининг йўллар носозлиги, шунингдек, йўлларда ва йўл бўйида хавфсиз ҳаракатланиш учун юзага келган фавқулодда техник муаммолар ҳақида фото- ва видеомурожаатлар – жамоатчилик фикри асосида шакллантириляпти.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таҳлилига кўра, сифатли йўллар Ўзбекистон иқтисодиётининг камида 2 фоиз ўсишига туртки беради. Шу боис ҳудудларда йўл бўйи инфратузилмаси ривожлантирилиб, савдо ва хизматлар ташкил қилинмоқда. Биргина 2024 йилда 260 километр, 2025 йилда 860 километр автомобиль йўлларни фойдаланишга топшириш чоралари аутсорсинг асосида тадбиркорларга берилди. “Осиё тараққиёт банки” лойиҳаси доирасида 841 километр йўл қурилишида илк бор тўлиқ маҳаллий пудратчилар қатнашди.

Ўзбекистоннинг географик жойлашувини эътиборга олсак, ташқи савдода халқаро йўлларнинг аҳамияти катта. Ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам Андижон билан Қўнғиротни, Термиз билан Тошкентни боғлайдиган жами 4 минг километрлик халқаро йўлларимизни энг юқори талабларга жавоб беришга эришишдир.

ЭКОЛОГИК ТОЗА ТРАНСПОРТ

Президентимизнинг ташаббуси билан аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари, пойтахтимизнинг келгуси ривожланиши инобатга олиниб, Ўзбекистон тарихида ягона бўлган ер усти ҳалқа метро йўли – “Мустақилликнинг 30 йиллиги” лойиҳаси амалга оширилди.

ҚУЛАЙ, ХАВФСИЗ ВА ТЕЗКОР

Қисқа фурсатларда “Олмазор – Сергели” йўналишида 5 та, “Дўстлик – Қипчоқ” йўналишида 14 та бекатдан иборат замонавий ер усти метро ҳалқаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тошкент метрополитенининг тўртинчи йўналиши ҳисобланган ушбу линия пойтахт транспорт инфратузилмасини ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб, шаҳарнинг турли туманларини ўзаро боғлаб, йўловчиларга қулай ва тезкор ҳаракатланиш имкониятини яратмоқда.



Яна бир муҳим йўналиш – “Мингўрик – Чилонзор буюм бозори” метрополитен линиясини қуриш режалаштириляпти. Биринчи босқичда “Мингўрик – Жанубий вокзал” йўналиши, иккинчи босқичда эса “Жанубий вокзал – Чилонзор буюм бозори” йўналиши қурилади.

Олдин Тошкент метрополитенидан бир кунда 240-320 минг йўловчи фойдаланган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 1 миллиондан ошди. Бунинг эвазига шахсий транспортларга эҳтиёж камайиб, тирбандлик бартараф этилди. 2030 йилгача метрополитенда кунлик йўловчилар сонини 1,8 миллион нафарга етказиш, метро бекатлари сонини 79 тага, линиялар узунлигини 103 километргача ошириш мақсад қилинган. Шунингдек, поездлар ҳаракати интервалини босқичма-босқич 1,5-3 дақиқагача қисқартириш кўзда тутилган.

ИМКОНИЯТ

Ҳар бир ислоҳот “инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган Янги Ўзбекистонда йўловчиларнинг талаб ва истаклари инобатга олиниб, муқобил – пулли йўллар қуриш режаси ишлаб чиқилди.

МУҚОБИЛ ЙЎЛ – ОЛИС МАНЗИЛЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРДИ

Бу борада дастлабки қадам ташланди – “Урганч — Хива” йўналиши бўйлаб халқаро стандартларга мос пулли автомобиль йўл фойдаланишга топширилди.

Лойиҳа доирасида 35 километр автомобиль йўли, 1 та ер ости йўли, 8 та йўл ўтказгич, 15 та кўприк ва 106 та сув ўтказиш иншооти барпо этилди. Мавжуд йўл орқали Урганчдан Хивага етиб боришга 45-50 дақиқа вақт сарфланса, янги тўрт тасмали магистралда бу вақт 15-17 дақиқагача қисқарди. Йўл суткасига 30 мингдан ортиқ транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга. Ушбу йўлда транспорт оқими ва тўловларни бошқариш сунъий интеллектга асосланган рақамли тизимлар орқали амалга оширилади. Енгил ва юк автомобиллари, шунингдек, автобуслардан тўлов транспорт воситасини тўхтатмаган ҳолда электрон шаклда ундирилади.

Янги магистраль Урганч ва Хива ўртасидаги қатновларни янада тезлаштириш ва қулайлаштириш, сайёҳлар учун транспорт имкониятларини кенгайтириш ҳамда ҳудуднинг йўл инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилади. Йўл бўйида халқаро стандартларга мос хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари ташкил этилади.



Эндлиликда “Тошкент – Самарқанд”, “Тошкент – Андижон”, “Тошкент – Чорвоқ” йўналишида янги замонавий автомагистрал қуриш лойиҳаси бошланади. Режага кўра, “Тошкент – Самарқанд” йўлининг умумий узунлиги 282 километрни ташкил этади.

ТАРАҚҚИЁТ

Шу вақтга қадар Тошкент ва Хива ўртасидаги 1 022 километрлик масофани темир йўл орқали босиб ўтиш 14-15 соат вақт талаб этар эди. Эндиликда пойтахт ва қадимий шаҳар ўртасидаги масофани 7 соатда босиб ўтиш мумкин.

ЭЛЕКТРОПОЕЗД: МАСОФАЛАР ҚИСҚАРДИ

Айни шундаки, жорий йилнинг 5 май куни “Жалолиддин Мангуберди” номли юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоезд “Тошкент – Хива” йўналишида илк қатновини амалга оширди. Мазкур замонавий поезд таркиби 7 вагондан иборат бўлиб, у 390 нафар йўловчи сиғимига эга. Поезддаги шароитлар жуда қулай, хизмат кўрсатиш ҳам юксак даражада. Эътиборлиси, бу поезд фақат транспорт воситаси эмас, балки мамлакатнинг муҳандислик салоҳияти ва туристик имкониятларини намоён этувчи муҳим инфратузилма лойиҳасидир.

Тошкент атрофида ҳам электрлашган йўл қурилиб, поездларни ўтказиш имконияти 30 фоизга ошди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Тошкент – Хўжакент” йўналишида замонавий, вагонлари шинам ва ёруғ, йўловчилар учун барча қулайликларга эга бўлган 586 та юмшоқ ўриндиқли электр поезд олиб келинди.



Бу борадаги муҳим лойиҳалардан бири — “Байтқўрғон – Паркент” электрлаштирилган темир йўлидир. Қарийб 24 километрлик бу йўл фойдаланишга топширилгач, Паркентдан пойтахтимизга бориш учун катта қулайлик яратилади, туманнинг хушманзара гўшаларига саёҳатга келиш осонлашади. Унда кунига 275 минг нафаргача йўловчи ташилиши ҳисоб-китоб қилинган.

Яқинда 192 километрлик “Тошкент – Бекобод” темир йўл қатнови йўлга қўйилди. Олти вагондан иборат, 586 нафар йўловчига мўлжалланган ушбу электропоезд соатига 120 километргача тезликда ҳаракатланади. Бу, айниқса, ҳар куни иш ва ўқишга қатнайдиган фуқаролар учун қўшимча қулайлик яратди. Ушбу йўналишда кунига қарийб минг нафар, йилига эса 300 минг нафар йўловчига хизмат кўрсатиши режалаштирилган.

Эътиборлиси, бундай тезкор электропоездларнинг қатновга қўйилиши автомобиль йўлларидаги транспорт юкламасини камайтириш ва экологик тоза транспорт улушини оширишга хизмат қиляпти.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ

Кунлик қатновлар 45 мингдан, йўловчилар оқими 2 миллиондан ошди

Охирги уч йилда пойтахт ва вилоят марказларига 2 минг 650 та замонавий электробус ва автобуслар олиб келинди. Брутто-шартнома асосида 279 та мунтазам йўналиш йўлга қўйилди. Натижада ҳар куни йўналишга чиқаётган автобуслар сони 3 минг 150 тага етди.

Баҳодир ҚОРАБОЕВ,
Транспорт вазирлиги бўлим бошлиғи.

Кунлик қатновлар сони 2022 йилдаги 18 мингтадан 45,2 мингтага, йўловчилар оқими эса 900 минг нафардан 2,3 миллион нафарга ошди. Энг муҳими, 4,8 мингта янги иш ўрни яратилди.

Урбанизация жараёнлари тезлашаётгани, пойтахт ва вилоят марказларига туташ ҳудудларда аҳоли ҳаракати кескин кўпайгани сабабли шаҳарлар атрофидаги 12 километргача бўлган ҳудудларга қатнайдиган автобус йўналишлари ҳам брутто-шартнома тизими билан қамраб олиняпти. Пойтахтда 19 та, вилоят марказларида 79 та шундай йўналиш ташкил этиляпти. Пойтахт жамоат транспорти ва шаҳар атрофи темир йўл қатновларини ўзаро боғлаш мақсадида **“электропоезд – автобус”, “электропоезд – метро” каби қулай тарифлар жорий этилмоқда.**

Энг муҳими, йўловчиларнинг йўл ҳақини “Атто”, шахсий карта рақами ҳамда мобил иловалар ёдамида амалга оширилиши ҳайдовчи ва чиптачиларнинг коррупциявий ҳолатларига чек қўйиб, давлат бюджетига тўғридан-тўғри тушишини таъминлаяпти.

Эндиликда жамоат транспортини ривожлантиришда аҳоли сони кўп шаҳарлар билан бирга, туризм марказларини ҳам қамраб олишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон, Қўқон каби йирик туризм масканларида жамоат транспортини ривожлантириш дастури бошланди. Қолаверса, аҳолиси бир миллионлик шаҳарга айланаётган Самарқанд ва Наманганда аҳоли ва сайёҳлар учун замонавий “яшил транспорт” йўналишларини кўпайтириш бўйича аниқ мастер-режалар ишлаб чиқилди.



Энди ушбу тизимларга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали йўловчилар оқимига мос равишда автобуслар ҳаракатини ташкил этилади. Бу, ўз навбатида, бир йўловчини ташиш таннархини 10-15 фоизга қисқартириш имконини беради.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



Энергетика тармоғи ривожланди, қуёш ва шамол электр станциялари қурилди, “яшил энергия” имкониятлари оширилди, аҳолига электр энергияси ва табиий газ бўйича компенсация тўлаш тартиби кучга кирди.

ИНСОН ҚАДРИ

Инсон қадри улуғланган Янги Ўзбекистонда кам таъминланган оилаларга электр ва газ тўловларида давлат компенсацияси тақдим этилмоқда. Мазкур компенсациялар электр энергияси ва газ тарифлари оширилган 2024 йилдан бошлаб жорий этилган бўлиб, истеъмолнинг ижтимоий меъёридан ортиқ фойдаланган кам таъминланган хўжаликларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА

КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАНМОҚДА

2025 йил 1 майдан 2027 йил 1 апрелга қадар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи ҳамда Камбағал оилалар реестрига киритилган, шунингдек, Реестрларга киритилмаган, бироқ моддий аҳволи бўйича кам таъминланган оилалар мезонларига тўғри келувчи, оиладаги жон бошига даромади минимал истеъмол харажатларининг 1,5 баробаридан ошмайдиган оилаларга: электр энергияси истеъмоли бўйича – ойига базавий меъёрдан 150 кВт. соатгача; табиий газ истеъмоли бўйича – иситиш мавсумида ойига базавий меъёрдан 250 куб метргача, бошқа даврларда ойига базавий меъёрдан 150 куб метргача ортиқ фойдаланилган қисми учун базавий меъёр доирасидаги ҳамда базавий меъёрдан ошган нархлар ўртасидаги фарқ компенсация қилинади.

Иситиш мавсумида эҳтиёжманд оилаларга 1 миллион сўм миқдорида бир марталик ёрдам кўрсатиляпти.

Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” қўшимча рўйхат шакллантирилишида, биринчи навбатда, боқувчисини йўқотган оилалар, аъзолари I ёки II гуруҳ ногирони бўлган шахслардан иборат бўлган оилалар, ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилалар, узоқ муддатли даволанишни талаб этадиган касалликлар билан касалланган шахслар яшовчи оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи шахслар ҳамда ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, уч ва ундан ортиқ оила яшайдиган хонадонларда ҳамда газ таъминоти бўлмаган ва марказлаштирилган тартибда иситилмайдиган кўп қаватли уйларда яшовчи оилаларни инобатга олади.



2026 йилдан бошлаб, кам таъминланган оилаларга электр ва газ учун компенсациясини олиш учун онлайн тарзда мурожаат қилиш имконияти яратилди. Бу фуқаролар учун қулайлик яратиш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва ортиқча қоғозбозликни камайтиришга хизмат қилмоқда.

Компенсация маблағлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги шакллантирган рўйхатлар асосида АТ “Халқ банки” орқали фуқароларнинг ижтимоий ёки банк карталарига ўтказиб берилади. Тўловлар ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 27-санасига қадар амалга оширилади.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

УЗЛУКСИЗ ЭНЕРГИЯ – ФАРОВОНЛИК ВА ИҚТИСОДИЁТ ГАРОВИ



Умаржон ЭГАМБЕРДИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири ўринбосари.

2016 йилга қадар электр энергияси ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ягона тизимда жамланган бўлиб, инфратузилманинг эскиргани ва бозор тамойиллари йўқлиги сабабли тармоқда тизимли узилишлар, трансформаторларнинг носоз ҳолати ва чекловлари кўп кузатилган.



Халқаро экспертларнинг хулосаларига кўра, Ўзбекистон энг кўп энергия сарфлайдиган мамлакатлар қаторига киради. Чунки мамлакатимиздаги биноларнинг катта қисми ўтган асрнинг 60-70-йилларида қурилган. Шу боис, ўтган йилда энергия самарадорлик соҳасидаги ислоҳотларни тизимли йўлга қўйиш мақсадида алоҳида – Энергия самарадорлиги миллий агентлиги ташкил этилди. Ушбу тузилмага 2030 йилга қадар иқтисодиётда энергия сарфини камида 20 фоизга, давлат идоралари ва ижтимоий объектларда эса энергия истеъмолини 15 фоизга қисқартириш вазифаси юклатилган.

Электр узатиш тармоқлари ва подстанцияларнинг аксарияти совет даврида ўрнатилган бўлиб, тўлиқ таъмирланмади. Оқибатда электр энергиясининг йўлларидаги йўқотилиши юқори бўлди. Ҳудудларда – айниқса, вилоятлар ва чекка туманларда доимий кучланиш пасайиши ва қиш мавсумида оммавий электр энергияси ўчиш ҳолатлари кузатилди.

Тўғри, электр энергияси нархи жуда арзон эди, лекин бу соҳанинг молиявий зарар қўришига ва инвестицияларнинг етишмаслигига олиб келди. Хусусий сектор ва муқобил энергия манбалари (қуёш, шамол) улуши деярли мавжуд эмасди, генерация фақат иссиқлик, қисман гидроэлектр станцияларига таянилган. Шу боис юртимизда ишлаб чиқарилган электр энергия иқтисодиёт ва аҳоли талабини тўлиқ қондиролмаган.

Тасаввур қилинг, 2016 йилдаги 59 миллиард киловатт-соат генерация даражасида қолиб кетганимизда, ҳозир иқтисодиётимиз ҳажмини 2 карра ошира олармидик? Ишлаб чиқаришнинг ўсиб бораётган талабини, 39 миллион аҳоли эҳтиёжини қоплаб бўлармиди? Асло. Энергетика соҳасида туб бурилиш бўлгани ҳисобига электр ишлаб чиқариш ҳажми 86,7 миллиард киловатт-соатга етди. Бу вақт ичида тизимда жами 7 415 МВт. замонавий ва энерготежамкор иссиқлик электр станциялари ҳамда когенерация марказлари ишга туширилди. **Бу шунчаки рақам эмас, балки иқтисодиётимизнинг жадал ўсишини таъминловчи улкан “энергетик қон томири”дир.**

2017-2025 йиллар давомида 13 603,9 мегаватт, энергия сақлаш тизимлари билан ҳисоблаганда эса жами 15 148,9 мегаватт янги қувват яратилди. Бу аввалги 25 йилдагига нисбатан *(1991-2016 йилларда 3 300* мегаватт *қувват ишга тушган)* қарийб 4 баробар кўпни ташкил қилади. Шу тариқа 2025 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми **2016 йилдагига нисбатан 27,7 миллиард киловатт соат ёки 46 фоиз кўпни ташкил этди.** Истеъмолчиларга эса 2025 йил 2016 йилдагига нисбатан 25,3 миллиард киловатт соат ёки 55 фоиз кўп электр энергияси етказиб берилди.

Сўнгги 8 йилда янгидан қурилган электр узатиш тармоқлари ҳажми 1991-2016 йилларга нисбатан 8,5 баробарга кўпайди. Хусусан, 2017-2025 йилларда 77 минг километр электр узатиш тармоқлари *(1991-2016 йилларда 9 300 километр электр узатиш тармоқлари янгиланган)* янгиланди, мукаммал ва жорий таъмирланди.

Истеъмолчиларга узлуксиз электр энергия таъминотини етказишда трансформаторларнинг ўрни алоҳида. Шу боис ислоҳотлар даврида, яъни **2017-2025 йиллар давомида 24 мингта трансформатор пункти янгиланди.**

Таққослаш учун: *1991-2016 йилларда умумий ҳисобда 4 800 та трансформатор пункти янгиланган.*

Ишлаб чиқарилган электр энергиясини истеъмолчиларга сифатли ва барқарор етказиш мақсадида сўнгги 2017-2025 йилларда 2 минг 123 километр электр узатиш тармоқлари қурилиб, юқори кучланишли подстанцияларнинг қуввати 12 608 МВА *(мегавольт ампер)*га оширилди. Шунингдек, 77 минг километр *(1991-2016 йилларда эса атиги 9300 километр)* электр узатиш тармоқлари янгиланди. Бунинг натижасида **8 мингдан ортиқ маҳалланинг электр таъминоти яхшиланди.** Бу ҳам Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган натижа ҳисобланади

Лекин бу ишлар етарли эмас. Чунки истеъмол даражаси кундан-кунга сезиларли ортиб бораётган бир пайтда эскирган электр хўжалик объектлари ҳамон мавжуд. Ушбу объектларни янгилаш бўйича йил якунига қадар яна 10 та подстанция, 6 330 километр тармоқ ҳамда 1 756 та трансформатор пункти янги қурилади ва модернизация қилинади. Натижада авариявий ўчишлар 35-40 фоизга, электр узатишдаги йўқотишлар 0,5 фоизга камайтирилади ва **5 мингга яқин маҳаллардаги 3,5 миллион истеъмолчиларнинг электр таъминоти яхшиланади.**

ЯШИЛ ЭНЕРГИЯ

Йилига 60 миллиард киловатт соат

“ЯШИЛ” ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

2016 йилгача электр энергетика соҳасига хорижий инвесторлар киритилмаган. Хусусий сектор ва муқобил энергия манбалари *(қуёш, шамол)* умуман йўлга қўйилмаган. Сўнгги етти йилда эса Ўзбекистонда иссиқлик, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича хорижий инвесторлар билан умумий қиймати 30 миллиард долларига тенг 52 та битим имзоланди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

Яъни, 2030 йилга бориб умумий қуввати 27 687 мегаватт бўлган 52 та электр станция *(40 та қуёш ва шамол, 12 та иссиқлик электр станцияси)* ишга туширилади.

Бугунги кунгача битим доирасида 28 та электр станцияси ишга туширилган бўлиб, шундан 15 таси қуёш *(3930 мегаватт)*, 6 таси шамол *(1672 мегаватт)*, 8 таси иссиқлик электр станциясидир. Шунингдек, “яшил” энергия ишлаб чиқариш учун биноларнинг том қисмида ўрнатилган кичик қувватли қуёш панелларининг *(Rooftop)* қуввати 2 500 мегавваттга етди. Бундан ташқари, умумий қуввати 1 545 мегаватт бўлган 12 та энергия сақлаш тизими *(батарея)* ишга туширилди.

Бу лойиҳалар Ўзбекистон энергетика тармоғида янги лойиҳалар ҳисобланиб, соҳада унинг аҳамияти ниҳоятда катта. Масалан, ушбу электр энергиясини сақлаш тизимларидан истеъмолнинг юқори вақтларида тармоқни барқарорлаштириш ва қўшимча захира қувватларини яратиш учун фойдаланилади.

2022 йилда юртимиздаги йирик қувватли “яшил” – қуёш ва шамол электр станциялари томонидан жами 434 миллион киловатт.соат энергия ишлаб чиқарилган бўлса, 2026 йилнинг январь-июль ойларида 7,5 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 25 фоизга кўп демакдир.

Энергия балансини диверсификация қилиш мақсадида **гидроэнергетика соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.** Натижада янги қурилган ва модернизация қилинган ГЭСлар ҳисобига тизимга қўшимча 510 мегаватт тоза энергия манбалари қўшилди.

Юртимизда бундай “яшил” электр станцияларининг ишга туширилиши натижасида **2030 йилга бориб, йилига йилига 60 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади.** Бунинг натижасида **йилига қарийб 18 миллиард 200 миллион куб метр табиий газ тежалишига эришилади.** Бундан ташқари, атмосферага **25 миллион 200 минг тонна зарарли газлар чиқарилишининг олди олинади.** Бу 2030 йилга бориб, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 54 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига тўғри келади, дегани.



Соҳада яна бир тарихий қадам ташланди: 2021 йилдан бошлаб, Ўзбекистон тарихида биринчи марта аҳоли хонадонида ўрнатилган қуёш панеллари ёрдамида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат томонидан сотиб олиш амалиёти йўлга қўйилди. 2023-2025 йилларда жисмоний ва юридик шахсларга тармоққа узатилган электр энергияси учун жами 462,1 миллиард сўм тўлаб берилди. Шундан “Қуёшли хонадон” дастури доирасида аҳолига 222,9 миллиард сўм, юридик шахсларга эса 239,3 миллиард сўм тўланди. 2026 йил январь-июль ойларида эса тўловлар ҳажми кескин ошди — жами 632,7 миллиард сўм. Шундан аҳолига 436,7 миллиард сўм, юридик шахсларга 196 миллиард сўм тўланди.



ЮКСАЛИШ

Ўзбекистон Олимпия ҳаракатидаги энг муҳим инфратузилмавий лойиҳалардан бири Олимпия шаҳарчасининг барпо этилиши бўлди.

Олимпия шаҳарчаси — ЯНГИ ТАЙЁРГАРЛИК ТИЗИМИНИНГ МАРКАЗИ

2022 йил 9 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида ушбу мажмуага тамал тоши қўйилди. Қурилиш жараёни замонавий халқаро талаблар асосида амалга оширилиб, мажмуа 2025 йилда фойдаланишга топширилди. Олимпия шаҳарчаси 100 гектар майдонда барпо этилди ва унинг қурилишига 290 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ йўналтирилди.

Мажмуа таркибида 12 минг ўринли марказий стадион, 2 200 ўринли ёпиқ велотрек, сув спорти саройи, жанг санъатлари ва жамоавий спорт турлари комплекслари, 15 та очиқ спорт майдони, Паралимпия маркази, замонавий ётоқхоналар, спорт тиббиёти ва илмий-тадқиқот марказлари жойлаштирилди.



Шунингдек, Спорт вазирлиги, Давлат спорт академияси, Антидопинг агентлиги ва Жисмоний тарбия илмий-тадқиқот институти каби муассасаларнинг бир ҳудудда жойлаштирилиши спортчи, мураббий, олим ва шифокорлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди.

2024-2025 йилларда қабул қилинган қарорлар билан Олимпия шаҳарчаси нафақат спорт иншоотлари мажмуаси, балки олимпиячиларни тайёрлашнинг ягона илмий-амалий, таълим ва машғулот маркази сифатида шакллантирилди. Унда спорт тиббиёти, фармакология, реабилитация, диетология, спорт психологияси ва муҳандислик йўналишлари бўйича хорижий мутахассисларни жалб қилиш, ҳар бир спорт тури учун замонавий тайёргарлик дастурларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди.

Шу билан бирга, мамлакатнинг 15 та Олимпия ва Паралимпия тайёргарлик маркази, 6 та Республика олий спорт маҳорати мактаби ва 56 та ихтисослаштирилган спорт мактаби миллий терма жамоалар учун ягона тизим асосида фаолият юритиши йўлга қўйилди.

“ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!”

ХАЛҚАРО АРЕНАЛАРДАГИ ҒАЛАБАЛАР:

Меҳнат ва матонат самараси дунё майдонларида

2016 йил Ўзбекистоннинг спорт ва интеллектуал салоҳиятини халқаро майдонда янада юксалтириш йўлида янги даврни бошлаб берди. Кейинги ўн йил мобайнида мамлакатда нафақат Олимпия ўйинларига, балки халқаро фан олимпиадаларига тайёргарлик тизими ҳам тубдан ислоҳ қилинди.



Давлат сиёсатида инсон капиталига инвестиция киритиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг халқаро майдонларда муносиб иштирокини таъминлаш устувор вазифалардан бирига айланди.

2017-2025 йилларда қабул қилинган қатор Президент қарорлари ва фармонлари олимпиячиларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилди. Олимпия захиралари коллежлари қайта ташкил этилди, ҳудудларда ихтисослашган спорт мактаблари фаолияти кучайтирилди, ёшларни эрта саралаш амалиёти жорий қилинди. Маҳаллалардан бошланадиган саралаш тизими, спорт мактаблари ва миллий терма жамоалар ўртасида узлуксиз тайёргарлик занжири яратилди.

Фан олимпиадалари соҳасида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда халқаро таълим дастурлари асосида тайёргарлик кўрувчи ўқувчилар сони ортиб борди. Математика, физика, кимё, биология ва информатика каби йўналишларда халқаро олимпиадалар учун алоҳида миллий тайёргарлик тизими шакллантирилди.

ОЛИМПИАДАЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЯНГИ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

Президентнинг 2024 йил 5 декабрдаги “Жамоавий спорт турларини ривожлантириш ва иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”гиқарори асосида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича ягона селекция тизими йўлга қўйилди. Унга мувофиқ, мамлакатдаги 56 та ихтисослаштирилган спорт мактаби, 15 та Республика олимпия ва паралимпия тайёргарлик маркази ҳамда 6 та Республика олий спорт маҳорати мактаби миллий терма жамоалар учун спортчилар захирасини тайёрлашнинг узлуксиз занжирига бирлаштирилди. Ҳар бир истиқболли спортчи электрон маълумотлар базасига киритилиб, унинг жисмоний кўрсаткичлари, мусобақалардаги натижалари ва ўсиш динамикаси мунтазам мониторинг қилинади. Бу эса иқтидорли ёшларни эрта аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш самарадорлигини сезиларли даражада оширди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси халқаро спорт федерациялари билан ҳамкорликни кенгайтириб, бокс, дзюдо, таэквондо, оғир атлетика, қиличбозлик ва спорт гимнастикаси каби олимпия спорт турлари бўйича хорижлик мураббий ва экспертларни жалб этди. 2024 йил якунига келиб, миллий терма жамоаларнинг ўқув-машғулот йиғинларининг катта қисми Япония, Жанубий Корея, Туркия, Италия ва Франция каби мамлакатларда ташкил этилди. Бу спортчиларга Олимпия ўйинлари олдидан дунёнинг энг кучли рақиблари билан тайёргарлик ўтиш имконини берди. Спортчиларнинг халқаро мусобақаларга тайёргарлиги учун молиявий таъминот ҳам кенгайтирилди. Миллий терма жамоаларнинг ўқув-машғулот йиғинлари сони кўпайтирилди, хорижда тажриба алмашиш ва халқаро рейтинг мусобақаларида мунтазам иштирок этиш учун қўшимча маблағлар ажратилди.

Бу ўзгаришлар Ўзбекистон тарихида ўзининг илк самарасини кўрсатди. Яъни 2016 йилнинг 5-21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари Ўзбекистон спорти тарихида энг муҳим воқеалардан бири сифатида қайд этилди. Мазкур мусобақада Ўзбекистондан 70 нафар спортчи 13 та спорт тури бўйича иштирок этди. Миллий терма жамоа Олимпия ўйинларини 4 та олтин, 2 та кумуш ва 7 та бронза, жами 13 та медаль билан якунлади. Бу натижа Ўзбекистонга медаллар жамғариш бўйича 207 давлат орасида 21-ўрин, Осиё мамлакатлари орасида эса 6-ўринни эгаллаш имконини берди. Шу билан бирга, мустақиллик йилларидаги энг яхши Олимпия натижаси қайд этилди ва мамлакат спорт тизимида янги ривожланиш босқичи бошланганини кўрсатди.

Кейинги йиллар ҳам Ўзбек спортчилари учун омадли кела бошлади. 2020 йилда пандемия туфайли бир йилга кечиктирилган XXXII ёзги Олимпия ўйинлари 2021 йил 23 июль – 8 август кунлари Японияниинг Токио шаҳрида ўтказилди. Ўзбекистон Олимпия ўйинларида 67 нафар спортчи билан 15 та спорт турида иштирок этди. Терма жамоа 3 та олтин ва 2 та бронза медаль, жами 5 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 32-ўринни эгаллади.

ХАЛҚАРО ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИДА ТАРИХИЙ НАТИЖАЛАР

2026 йил Ўзбекистон учун халқаро фан олимпиадалари тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Мамлакат нафақат нуфузли олимпиадаларда юқори натижаларга эришди, балки жаҳон миқёсидаги йирик интеллектуал мусобақаларга мезбонлик ҳам қилди.

2026 йил июль ойида Тошкент шаҳрида 58-Халқаро кимё олимпиадаси (IChO) ўтказилди. Мазкур олимпиадада 90 дан ортиқ давлат вакиллари иштирок этди ва Марказий Осиё тарихида биринчи марта ушбу нуфузли мусобақа Ўзбекистонда ташкил этилди. Ўзбекистон терма жамоаси тарихий натижа қайд этиб, 1 та олтин ва 3 та кумуш медални қўлга киритди. Шу тариқа мамлакатнинг IChO тарихидаги умумий натижалари 9 та олтин, 18 та кумуш ва 21 та бронза медалга етди.

Шунингдек, 2026 йилда Буюк Британияда ўтказилган “Халқаро математика олимпиадаси (IMO)”да Ўзбекистон жамоаси 2 та кумуш ва 3 та бронза медальни қўлга киритиб, сўнгги йиллардаги барқарор ўсиш тенденциясини яна бир бор тасдиқлади. Бундан ташқари, Тошкентда IV Ал-Хоразмий халқаро математика ва информатика олимпиадаси (KhIMIO) ҳам юқори савияда ташкил этилди. Бу нуфузли тадбирлар Ўзбекистоннинг илм-фан ва таълим соҳасидаги халқаро обрўсини янада мустаҳкамлади.



ЗАКОВАТ МАЙДОНИ

Ўзбекистонда шахматни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шахмат мактаблари тармоғи кенгайтирилди, иқтидорли ёшларни саралаш ва тайёрлашнинг янги тизими йўлга қўйилди, халқаро гроссмейстерлар иштирокида ўқув йиғинлари ташкил этилди.

Дунё шахматида ЎЗБЕК МАКТАБИНИНГ ЯНГИ НАФАСИ



Бу ислоҳотлар натижасида мамлакатда жаҳон миқёсида рақобатлаша оладиган янги авлод шахматчилари шаклланди. 2022 йилда Ўзбекистон эркаклар терма жамоасининг Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган **44-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида** олтин медални қўлга киритиши мамлакат шахмати тарихидаги энг йирик ютуқлардан бири бўлди. Кейинги йилларда мазкур муваффақият янги авлод шахматчиларининг халқаро майдондаги барқарор натижалари билан мустаҳкамланди.

2026 йилда ўзбекистонлик ёш гроссмейстерлар халқаро турнирларда юқори натижаларни намоён этишда давом этдилар.

Жумладан, **Жавоҳир Синдаров** жаҳон шахматининг энг кучли гроссмейстерлари иштирок этган халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этиб, жонли (live) рейтингда 2700 Elo маррасига яқинлашган ва дунёнинг энг истиқболли ёш шахматчилари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаган шахматчилардан бири сифатида эътироф этилди.

Шунингдек, **Нодирбек Абдусатторов** жаҳоннинг энг кучли шахматчилари иштирокидаги нуфузли мусобақаларда мунтазам қатнашиб, жаҳон рейтингида етакчи гроссмейстерлар сафида ўз ўрнини сақлаб қолди. Унинг 2021 йилги жаҳон рапид чемпиони унвонидан кейинги барқарор иштироклари ва юқори рейтинги Ўзбекистон шахматининг халқаро нуфузини янада оширди.

Ёш гроссмейстерлар **Шамсиддин Воҳидов** ва **Нодирбек Ёқуббоев** ҳам халқаро очиқ турнирлар ва қитъа чемпионатларида муваффақиятли иштирок этиб, мамлакат терма жамоаси захирасининг тобора кучайиб бораётганини намоён этди.

Ўзбекистон шахматининг сўнгги йиллардаги ютуқлари алоҳида спортчиларнинг муваффақияти билан чекланиб қолмай, мамлакатда шаклланган замонавий шахмат мактабининг натижаси сифатида баҳоланмоқда. Бугунги кунда ўзбекистонлик гроссмейстерлар FIDE Circuit, Жаҳон кубоги, Гранд Свисс ва бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этмоқда.

ИФТИХОР

ХАЛҚАРО ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИДА:

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МАЙДОНДАГИ ЯНГИ ЮТУҚЛАР


Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамда Миллий терма жамоаларни тайёрлаш марказлари негизида янги тизим шакллантирилди.



Натижада Ўзбекистон ўқувчилари математика (IMO), физика (IPhO), кимё (IChO), биология (IBO) ва информатика (IOI) бўйича дунёнинг энг нуфузли олимпиадаларида мунтазам медаллар қўлга кирита бошлади. Агар 2016-2020 йилларда халқаро олимпиадалардаги натижалар асосан бронза ва фахрий ёрлиқлар билан чекланган бўлса, 2021 йилдан бошлаб кумуш ва олтин медаллар сони изчил ошиб борди.

Халқаро математика олимпиадасида (IMO) Ўзбекистон жамоаси сўнгги йилларда тарихий натижаларга эришди. 2024 йилда жамоа **2 та кумуш** ва **2 та бронза медали**ни қўлга киритди, бу мамлакат тарихидаги энг яхши натижалардан бири бўлди. 2025 йилда эса янада юқори кўрсаткич қайд этилиб, терма жамоанинг 6 нафар иштирокчисидан **4 нафари кумуш, 1 нафари бронза медали, 1 нафари фахрий ёрлиқ** билан тақдирланди. Жамоа умумий ҳисобда 27-ўринни эгаллаб, Ўзбекистоннинг IMO тарихидаги энг юқори натижасини қайд этди.

Кимё соҳасида ҳам Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи сезиларли даражада ошди. Халқаро кимё олимпиадаси (IChO)да мамлакат ўқувчилари 2024 йилда 1 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медаль қўлга киритган бўлса, 2025 йилда қўлга киритилди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Эътиқод эркинлиги таъминланди. масжидлар, черковлар ва синагогалар фаолияти учун тенг шароитлар яратилди, Ислом цивилацияси маркази, Имом бухорий ва Имом термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди.

ШУКУҲ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС:

БУЮК МЕРОС, ЯНГИ ТАФАККУР ВА ЮКСАК МАҚСАДЛАР ДАВРИ

Вақт оқар дарё, дейди доно халқимиз. Тарих олдида бир лаҳзадек туюлган, бироқ миллат тақдирида асрларга татигулик воқеа — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинганига ҳам роппа-роса 35 йил тўлди.

Ғайрат РАСУЛОВ,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси кафедраси мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

Ўттиз беш йил, бу — фақатгина рақам ёки тақвимдаги сана эмас, бу — бутун бошли бир авлоднинг шаклланиши, миллий давлатчилигимизнинг тикланиши ва жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топишининг мураккаб, аммо шарафли йўлидир. Бугун Янги Ўзбекистон шароитида мустақилликнинг мазмун-моҳияти янада теранроқ англанмоқда, унинг қадри ҳар қачонгидан ҳам юксакроқ эканини қалбдан ҳис этмоқдамиз.

Мустақиллик бизга тасодифан ёки осмондан тушган совға эмас. Унинг замирида не-не аждодларимизнинг армонлари, кўз ёшлари, муттасил курашлари ётибди. **Тарихга назар ташласак, ўзбек давлатчилиги уч минг йиллик улуғвор ўтмишга эга эканини кўрамиз.** Қадимги Турон заминида шаклланган илк давлатлардан тортиб, то Соҳибқирон Амир Темур асос солган буюк салтанатгача бўлган давр — бу миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган озодлик ва бунёдкорлик генининг намоёнидир.

Амир Темур бобомизнинг: **“Биз ким, мулки Турон, амири Туркистонмиз, биз ким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз”** деган ўтли сўзлари асрлар оша миллатнинг ўзлигини англашга хизмат қилиб келди. Мустақиллик айнан шу буюк тарихий пойдевор устида қад ростлади. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги мустамлакачилик зулми, айниқса, жадид боболаримизнинг миллатни уйғотиш йўлидаги фидокорона хизматлари ва уларнинг фожиали қисмати мустақилликнинг нақадар қимматли эканини кўрсатади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввархори, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Фитрат каби юзлаб маърифатпарварларнинг энг катта орзуси — **ҳур, озод ва билимли миллатни кўриш эди.** Уларнинг шу муқаддас ғоя йўлида жон фидо қилганлари бугунги озод кунларимизнинг ғоявий пойдеворидир.



Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан тарихий адолатни қарор топтириш, миллий мерос ва тарихий хотирани тиклаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Тарихни билиш, ундан сабоқ чиқариш ва буюк аждодлар меросини халққа қайтариш Янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тарихий обидаларни асраб-авайлаш, қадимий қўлёзмаларни ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш бўйича улкан саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида бунёд этилган ва ўзининг маҳобати, илмий-маънавий салоҳияти билан дунёда беқиёс бўлган **Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази** фикримизнинг яққол далилидир. Бу марказ нафақат музей ёки кутубхона, балки аждодларимизнинг дунё илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссасини бутун жаҳонга намойиш этувчи яхлит илмий-маърифий мажмуа бўлиб хизмат қилмоқда.

ҚАДРИЯТ

ИМОМ БУХОРИЙ — ЯНГИЛАНАЁТГАН ИЛМ ДУНЁСИНИНГ НОЁБ ГАВҲАРИ

Пайариқ туманидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ёнида ташкил этилган илмий-тадқиқот маркази ва унга ёндош жойлашган Ҳадис илми мактаби Имом Бухорий ва бошқа мусулмон дунёси буюк мутафаккирларининг бой меросини чуқур тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилишга хизмат қилади.



Марказда ташкил этилган музейга кирган киши асл илм манбаидан куч олиши табиий, ўзингизни руҳан поклангандек сезасиз. Музей марказига “Саҳиҳи Бухорий” китобининг қадимий қўлёзма нусхаси ва буюк муҳаддиснинг айни пайтда дунёнинг турли мамлакатларида сақланаётган ноёб асарларининг нусхалари қўйилган.

Имом Бухорий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш таклифини илк бор Президентимиз 2016 йили Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессияси очилиш маросимида илгари сурган эди.

Нафақат Марказий Осиёда, балки бутун мусулмон дунёсида ноёб бу марказ ислом динининг асл моҳиятини, унинг фалсафасини кенг тарғиб қилиш, илмий бойитишга салмоқли ҳисса қўшган алломаларнинг сўнмас мероси тимсолида ташкил этилди. Марказ биносини миллий меъморчилик анъаналари асосида бунёд этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Кириш қисмида улкан гумбаз қурилиб, унинг ички томонига Қуръони Каримнинг биринчи нозил бўлган оятлари ёзилди. Бу оятларнинг учтасида пайғамбаримиз Муҳаммад саллалоҳу алайҳи вассалламга “Ўқинг”, деб мурожаат қилинган. Бу ушбу даргоҳга кирганданоқ унинг мазмун-моҳиятини ифода этиб, марказнинг илму урфон, зиё маркази эканлигини намоён этади. Шунингдек, гумбазда Имом Бухорий ҳазратларининг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китобларида келтирилган биринчи — “Барча эзгу амаллар ниятга боғликдир”, деган ҳадиси битилдики, бу марказнинг ташкил этилиши бизнинг эзгу ниятларимиз билан боғлиқ, деган маънони ифодалайди.

Имом Бухорий ҳазратлари ўзларининг сафарлар чоғида Бағдодда ҳадис илми билан шуғулланиб, мукаммал ҳадислар тўпламини яратгани ва уларни ёд олганларига Бағдод уламолари шубҳа билан қарайди. Шу сабабли улар Имом Бухорийни таклиф этиб, у кишининг илмларини синовдан ўтказишади. Музей тўридаги деворда ишланган суратда ушбу жараён акс эттирилган бўлиб, бу мазкур масканга келган киши қалбида буюк муҳаддис бобомиз билан фахрланиш туйғусини жўш урдиради.

Марказда алломаларнинг бебаҳо меросини ўрганишда ўзига хос мактаб яратган буюк муҳаддислар Имом Бухорий, Имом Термизий, улуғ фақиҳлар Бурҳониддин Марғиноний, Абуллайс Самарқандий, калом илмининг буюк мутафаккирлари Абу Мансур Мотуридий, Абул Муин Насафий каби аждодлар бой меросини алоҳида-алоҳида ўрганиш ва илмнинг шу соҳалари бўйича мукаммал билимга эга бўлган етук мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш учун барча керакли шароитлар яратилган. Бу борада хориждаги нуфузли халқаро илмий марказлар, таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳар қандай таҳсинга сазовор. Ўзбекистон Республикаси Олий суди кўплаб жадид боболаримиз, хусусан, “босмачи”, деган тавқи лаънат билан ноҳақ қораланган миллий озодлик ҳаракати қатнашчиларини юридик жиҳатдан оқлагани — **бу миллат виждони олдидаги энг катта тарихий қарзнинг узилиши бўлди.** Бу — мустақиллик берган энг катта имконият: ўз тарихимизни ўзимиз, ҳеч қандай мафкуравий тазйиқларсиз, холис ва ҳаққоний ёзиш бахтидир.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон замини азалдан ислом илм-фани, маданияти ва маърифатининг йирик марказларидан бири бўлиб келган. Мустақилликнинг илк йилларидаёқ диний қадриятларимиз тиклана бошлаган бўлса-да, айнан кейинги йилларда бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар том маънода халқчил ва инсонпарвар характерга эга бўлди.

Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан **Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Сурхондарёда Имом Термизий, Қашқадарёда Абу Муин Насафий марказларининг ташкил этилиши, Тошкентда Ўзбекистон халқаро исломшунослик академиясининг фаолият юритиши** диний-маърифий ҳаётимиздаги янги даврни бошлаб берди. Энг муҳими, фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш борасидаги амалий қадамлар халқимизнинг қалбидан чуқур жой олди.

Муқаддас ҳажга бориш учун квоталарнинг бир неча баробар оширилиши, фуқароларимиз учун бу табаррук амалларни бажариш имкониятларининг кенгайтирилиши давлатнинг ўз халқи эътиқодига бўлган юксак ҳурмати ифодасидир. Масжидларнинг обод қилиниши, диний уламоларнинг жамият маънавий ҳаётидаги ўрнининг ортиши юртимизда соғлом эътиқод ва жаҳолатга қарши маърифат билан қуролланиш муҳитини яратди.

Ўтган йилларда давлат бошқаруви ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда амалга оширилган ўзгаришларни таҳлил қилар эканмиз, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган сиёсатнинг энг асосий марказида фақат ва фақат инсон турганини кўрамиз.

Очиқ ва прагматик ташқи сиёсат натижасида, айниқса, Марказий Осиё давлатлари билан муносабатлардаги музлар эриди. Чегаралар очилди, қариндош-уруғлар дийдор кўришди, савдо-сотиқ ривожланди. Бугунги Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг қатъий позициясига эга, ташаббускор ва ишончли ҳамкор сифатида намоён бўлмоқда. Президентимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан туриб ўзбек тилида сўзлаган нутқлари, илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббуслари ҳар бир юртдошимиз қалбида миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдирди.

Мустақиллик, бу — шунчаки давлатчилик мақоми ёки сиёсий атама эмас. Мустақиллик, бу — эркин нафас олиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, буюк ўтмиш билан фахрланиб, ёруғ келажакни ўз қўли билан қуриш демакдир. У бизга ўзлигимизни, муқаддас динимизни, бой тарихимизни ва миллий ғуруримизни қайтариб берган олий неъматдир.

Бугунги таҳликали ва мураккаб дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустақилликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг энг улуғ вазифамиздир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: **“Биз ўз кучимиз ва имкониятларимизга таяниб, халқимизнинг ақл-заковати ва фидокорона меҳнати билан Ўзбекистонда янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратмоқдамиз”.**

35 йиллик шонли йўлимиз шуни тасдиқлайдики, эркин ва озод халқни ҳеч қандай куч ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди. Буюк тарихий хотираси тикланган, миллий қадриятларини улуғлаган, дунёга очиқ ва бунёдкор халқимизнинг мустақиллиги абадий бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, миллий истиқлолимиз барқарор бўлсин!



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.

ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилаётгани ҳақида тўхталиб, муқаддас динимиз эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга, илм-маърифат йўлига даъват этишини, уни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганлар билан муроса қилиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган эди.

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ — маънавий мерос маскани

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ўзининг маҳобати, майдони ва қамровига кўра, дунёда ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияларини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган йирик мажмуалардан бири ҳисобланади.

У Тошкентнинг машҳур Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудидаги 10 гектар майдонда барпо этилган. Бино уч қаватдан иборат бўлиб, узунлиги 161 метр, эни 118 метрни ташкил этади. Гумбазининг баландлиги 65 метр, умумий фойдаланиш ҳудуди эса 42 минг квадрат метрдан зиёд. Бу каби ноёб кўрсаткичлар уни “Гиннесснинг рекордлар китоби”га киритиш учун ҳам асос бўлмоқда.

Марказ қадимий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қурилган бўлиб, унга тўрт томондан – тўрт асосий портал орқали кириш мумкин. Ушбу порталлар ва бинонинг ташқи равоқлари илм-маърифат, бағрикенглик, инсонийлик ва ота-онага ҳурмат мазмунидаги Қуръон оятлари ҳамда ҳадислар билан безатилган.

Қуйи қаватда болалар учун махсус платформа, реставрация ҳамда электрон нусха олиш лабораторияси, музей экспонатлари ва нодир қўлёзмаларни сақлаш фондлари, замонавий кафетерий ва музей вестибюллари жойлашган.

Биринчи қаватдан қарийб 8 минг 350 квадрат метрлик кўргазма залига эга музей ва 550 ўринли анжуманлар зали ўрин олган. Иккинчи қаватда эса қўлёзма ва тошбосма манбалар, босма ва электрон адабиётлар фондига эга кутубхона, ўқув заллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар учун шароит яратилган.



Гумбаз остида махсус мэппинг голограммаси яратилган бўлиб, унда аввал коинот тасвири намоён бўлади, осмондаги юлдузлар жилоланади. Эътиборлиси, гумбаз остидаги юлдузлар композицияси Тошкент осмонида тунда кўринадиган юлдузлар харитаси асосида шакллантирилган.

Кутубхона 3 минг 105 квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, унинг фондида 45 минг 150 тадан зиёд босма ва 350 мингта электрон адабиёт жамланган. Китоблар орасида 2 минг 609 та нодир нашр ҳам бор. Айниқса, имконияти чекланган фойдаланувчилар учун яратилган шароитлар эътиборга молик. Брайл ёзувидаги 1000 дан ортиқ адабиёт, махсус хоналар ва замонавий қурилмалар уларга қулайлик яратади. Ўзбекистонда илк бор жорий этилган овоздан холи кабиналар ва “Sonic chair” қурилмаси ҳам китобхонларга хизмат қилмоқда.

Бу ерда Усмон Мусҳафи билан бир қаторда юртимизга тегишли бўлган, турли сулолалар даврида яратилган 114 та нодир Қуръон қўлёзмаси жамланган. Улар орасида сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, темурийлар, шайбонийлар ва бошқа даврларга мансуб ноёб нусхалар бор.

Марказ тамал тоши қўйилганидан буён унинг фондидаги қадимий манбалар сони 2 мингдан ошди, нодир Қуръон қўлёзмалари эса 60 тадан зиёдга етди. Уларнинг барчаси халқимиздан жамланган ва халқаро аукционлар орқали харид қилинган. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар миллий ва диний меросимизни қайта тиклаш, тарқоқ ҳолда сақланаётган бебаҳо манбаларни Ватанга қайтариш, уларни илмий муомалага киритиш ва келажак авлод учун асраб қолиш йўлидаги теран ёндашувни яққол намоён этмоқда.

Мамлакатимизда айни пайтда 8 992 та мавжуд. жорий йилнинг ўтган даврида 1 724 та (19 фоиз) маҳалла ишсизликдан, 1 636 та (18 фоиз) маҳалла камбағалликдан, 5 778 та маҳалла жиноятчиликдан, 2 717 та маҳалла оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантирилди.



“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ЮРТ ОБОДЛИГИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Янгиқишлоқ энди номига эмас, қиёфасига ҳам мос

БМТ Тараққиёт дастури, Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси чекка ва инфратузилмаси эскирган қишлоқларнинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда.



Китоб туманидаги “Боғбон” маҳалласига қарашли Янгиқишлоқ ҳам ана шундай ҳудудлардан бири эди. Номи Янгиқишлоқ бўлса-да, бу ерда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар талай эди. Ёғингарчиликда лойга айланадиган йўллар, қуввати паст электр тармоқлари, синфхоналари етишмайдиган мактаб аҳолининг энг кўп тилга олинадиган муаммолари ҳисобланарди.

Бугун эса бу манзара ўзгаряпти. Қишлоққа кириб боришингиз биланоқ ўзгаришлар кўзга ташланади. Илгари чанг-тўзон ёки лойга ботган кўчалар ўрнида текис йўллар, янги бетон электр устунлари, тунги ёритиш тизимлари, пиёдалар йўлаклари барпо этилган. Бу ўзгаришларни, энг аввало, шу ерда яшовчи одамлар ҳис қилмоқда. Лойиҳанинг энг муҳим жиҳати шундаки, ишлар алоҳида объектлар эмас, балки бутун инфратузилмани яхлит ривожлантириш тамойили асосида амалга ошириляпти.

“Боғбон” маҳалласи раиси Абдурашид Азизовнинг маълум қилишича, Ислом тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан маҳаллада **17 миллиард сўмлик** қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

— 300 га яқин янги бетон устун ўрнатилди, ёпиқ электр тармоқлари тортилди, қўшимча бешта трансформатор ишга туширилди, — дейди А.Азизов. — Натижада электр таъминотидаги узилишлар ва кучланиш пастлиги бартараф этилди. Режага кўра, 13 километр йўл асфальтланиши белгиланган бўлса, бугунги кунга қадар 7 километрдан зиёд қисми якунланди. Ишлар давом этмоқда. Шунингдек, мактаб учун 200 ўринли қўшимча ўқув биноси ҳамда замонавий спорт зали қурилди. Кўчалар видеокузатув воситалари билан жиҳозланиб, тунги ёритиш тизими ўрнатилди. Бир йил аввалги ҳолат билан бугунги манзарани таққослаб бўлмайди. Номи Янгиқишлоқ бўлган бу манзил бугун нафақат номида, балки ўз қиёфасида ҳам янгиланмоқда.

Дарҳақиқат, ҳудудларда амалга оширилаётган бундай лойиҳаларнинг асосий мақсади фақат асфальт ёки бетон ётқизиш эмас. Йўллар транспорт қатновини енгиллаштиради, электр таъминотининг яхшиланиши тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун имконият яратади, янги мактаб бинолари эса таълим сифатига хизмат қилади. Яъни ҳар бир қурилган объектнинг ортида инсон манфаати мужассам.

“Боғбон” маҳалласи таркибидаги Қайчили, Очамайли, Айрончи ва Янгиқишлоқ қишлоқларида истиқомат қилаётган 8 мингдан ортиқ аҳоли бугун амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг бевосита самарасини ҳис қилмоқда.

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Маҳалланинг чегараси аниқ, номи ягона бўлади

Маҳалланинг чегараси ва номи оддий техник масала эмас. Бу икки масала ҳал этилса, маҳалланинг кимга, қаерга ва қайси ҳудуд учун масъул экани аниқлашади.

Санжар ИСМАТОВ.



Маҳалла ҳақида гап кетганда, кўпинча унинг раиси, “еттилик” тизими, аҳоли муаммолари, ободонлаштириш ёки ижтимоий ҳимояси тилга олинади. Аммо самарали бошқарувнинг яна бир муҳим, лекин кўзга кўп ташланмайдиган шарти бор: **маҳалланинг ўзи аниқ идентификация қилинган бўлиши керак.**

Қайси кўча қайси маҳаллага қарайди? Икки маҳалла ўртасидаги чегара қаердан ўтади? Бир ҳудуднинг расмий номи қайси? Бир хил номдаги маҳаллаларни қандай фарқлаш мумкин? Электрон тизимдаги маълумот билан кадастр, солиқ, статистика ва бошқа идоралардаги маълумот бир-бирига мос келадими?

Бу саволларга аниқ жавоб бўлмаса, маҳалла бошқаруви қанчалик яхши ташкил этилмасин, тизимда “кўринмас бўшлиқлар” пайдо бўлаверади.

Шу нуқтаи назардан, **“Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори** билан тасдиқланган **“Маҳалла фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”да маҳаллалар чегараларини тасдиқлаш ва уларнинг номларини қонунчилик талабларига мувофиқ қайта кўриб чиқиш** вазифаси белгиланган — тизимни тартибга солишнинг муҳим қадами.

МАҲАЛЛАНИНГ ЧЕГАРАСИ ҚАЕРДАН ЎТАДИ?

Маҳалла чегараси — масъулият ҳудуди. Бугун бир “маҳалла еттилиги” аҳолининг мурожаатини ўрганаётганда, “хонадонбай” иш олиб бораётганда ёки ободонлаштириш режасини тузганда, ўз ҳудудини аниқ билиши керак.

Айтайлик, бир кўчанинг бир қисми бир маҳаллага, давоми эса бошқа маҳаллага қараши мумкин. Янги қурилган уйлар қайси маҳалла таркибига кириши масаласи очиқ қолиши эҳтимол. Ҳатто айрим ҳолларда аҳоли ўзини қайси маҳаллага тегишли эканини аниқ билмаслиги ҳам мумкин.

Бу эса фақат ташкилий ноқулайлик эмас. Чунки маҳалла ҳудуди — **аҳоли ҳисобини юритиш, ижтимоий хизматларни режалаштириш, ишсизлик ва камбағалликни аниқлаш, инфратузилма эҳтиёжини белгилаш, мурожаатлар билан ишлаш, ободонлаштириш ва жамоатчилик назоратини ташкил этишдаги бошланғич нуқта.**

Шу боис Кадастр агентлиги тақдим этган кадастр ҳужжатлари асосида маҳаллалар чегараларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тасдиқлаши муҳим. Чегаранинг маҳалла биносига чизма кўринишида ўрнатилиши эса ҳудуднинг **очиқ ва ҳамма учун тушунарли бўлиши**га хизмат қилади.

Бироқ масалани шу билан чеклаб қўймаслик керак. Энг муҳим кейинги қадам — **тасдиқланган чегараларни рақамли геомаълумотлар билан боғлаш.** Яъни “Рақамли маҳалла” платформасида ҳар бир маҳалланинг аниқ электрон чегараси, кўча ва уй рақамлари, хонадонлар сони, аҳоли таркиби, ижтимоий объектлари, мавжуд инфратузилмаси ўзаро боғланган ҳолда кўриниши керак.

Яна бир таклиф: **маҳалла чегараларини ўзгартиришнинг ягона, очиқ тартиби ишлаб чиқилиши лозим. Янги мавзелар пайдо бўлса, аҳоли сони кескин ошса ёки ҳудудий ўзгариш зарурати туғилса, чегара қандай мезонлар асосида қайта кўриб чиқилиши олдиндан белгиланиши зарур. Акс ҳолда бугун тартибга солинган харита эртага яна эскириб қолиши мумкин.**

МАҲАЛЛА НОМИ — УНИНГ МАНЗИЛИ ВА ИДЕНТИФИКАТОРИ

Маҳалла номи — ҳудуднинг расмий идентификатори. Бир хил номдаги бир нечта маҳалла мавжуд бўлса, бу нафақат адашиш, балки ахборот тизимларида маълумотларни ажратиш, расмий ҳужжатларни юритиш, статистик ҳисоботларни шакллантириш ва аҳолига хизмат кўрсатишда ҳам муаммо келтириб чиқариши мумкин.

Шунинг учун ҳудудий комиссиялар билан ҳамкорликда барча маҳаллалар, жумладан, **бир хил номда юритиладиган ва номлари белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маҳаллалар номларини қайта кўриб чиқиш —** кечиктириб бўлмайдиган вазифа. Бу ерда энг муҳим тамойил — **маҳалла номини танлаш маданиятини шакллантириш.** Маҳалла номида унинг тарихий хотираси, ҳудудий хусусияти ва аҳоли учун маънавий аҳамияти инобатга олиниши керак.

ЭНГ КАТТА НАТИЖА — ЯГОНА РЕЕСТР

Маҳалла чегараси аниқланди, номи тартибга келтирилди. Энди энг муҳим савол: бу маълумот қаерда ягона манба сифатида сақланади? “Йўл харитаси”да маҳалла номларининг **“Рақамли маҳалла” платформасидаги маҳалланинг ягона реестри модули орқали юритилиши** айнан шу эҳтиёжга жавоб беради.

Бу келажакда **“маҳалланинг ягона рақамли паспорти”**га айланади. Масалан, бир маҳаллада мактабга эҳтиёж бор-йўқлиги, қайси кўчада йўл таъмири зарурлиги, қанча хонадонга ижтимоий хизмат кераклиги ёки қайси ҳудудда аҳоли зичлиги ортиб бораётгани рақамлар асосида кўриниши мумкин.

Демак, аниқ чегара — аниқ ҳисобга, аниқ ном — аниқ маълумотга, ягона реестр эса аниқ бошқарувга олиб келади.

БУ ЎЗГАРИШ НИМА БЕРАДИ?

Энг аввало, маҳалла аниқ белгиланган бошқарув бирлигига айланади. Қайси хонадон, қайси кўча, қайси инфратузилма объекти учун ким масъуллигида ноаниқлик камаяди. Давлат дастурлари маҳаллага тақсимланаётганда маълумотларнинг аниқлиги ошади. Идоралар ўртасидаги маълумотлар тафовути қисқаради. Кадастрда бир хил, статистикада бошқача, бошқа ахборот тизимида яна бошқа ном билан юритиладиган ҳудудлар муаммосига барҳам берилади.

Юқоридагиларга қўшимча равишда яна бир нечта жиҳатга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ. Жумладан, **“Маҳалла харитаси” очиқ бўлиши лозим.** Фуқаро ўз маҳалласининг электрон чегараси, номи ва асосий маълумотларини “Рақамли маҳалла” ёки давлат хизматлари тизими орқали кўра олиши керак. **Ҳар бир маҳаллага уникал код бериш зарур.** Ном ўзгариши мумкин, ҳудудий қайта ташкил этиш бўлиши мумкин. Аммо уникал идентификатор сақланса, статистика ва рақамли маълумотлар узлуксизлиги таъминланади.

Янги ҳудудларни тўғридан-тўғри тизимга киритиш тартибини яратиш даркор. Янги кўча, массив ёки тураржой мажмуаси пайдо бўлганда, унинг қайси маҳаллага тегишлилиги кейин ҳал қилинадиган масала эмас, қурилиш ва кадастр жараёни билан уйғунлашган ҳолда олдиндан белгиланиши лозим. Шунингдек, маҳалла номи ўзгартирилганда **барча давлат ахборот тизимларидаги маълумотларни синхрон янгилайдиган тизим яратилиши керак.**

Маҳаллалар чегараларини аниқлаш ва номларини тартибга солишни оддий маъмурий-техник иш сифатида қабул қилиш катта хато бўлади. Гап — маҳалланинг ҳуқуқий ва рақамли идентификациясини аниқ белгилаш ҳақида кетмоқда. Чегараси аниқ бўлмаган маҳаллада масъулият тарқоқлашади. Номи турлича ёки бир хил бўлган маҳаллаларда маълумотлар адашиши мумкин. Маълумоти турли тизимларда турлича юритилган ҳудудда эса аниқ бошқарув қарорини қабул қилиш қийин. Шунинг учун бугун чизилаётган чегара ва тартибга келтирилаётган номлар эртанги рақамли бошқарувнинг пойдевори бўлади.

ТАШАББУС

35 та маҳаллага китоб карвони келди

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” ғояси асосида “Маҳалла кутубхонаси” ташаббуси йўлга қўйилди.



Президентимизнинг 2026 йил 15 январдаги “Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва аҳоли ўртасида китоб ўқишга қизиқишни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2026 йил давомида **“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)”** мақомини олган ҳудудларда **намунали 330 та маҳалла кутубхоналари ташкил қилиш** белгиланган. Шу мақсадда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Марказий банк ҳамкорлигида “Китоб карвони” маърифий акцияси ташкил этилди.

Акция доирасида инфратузилмаси, ободонлиги ва маънавий муҳити билан ажралиб турадиган **35 та намунавий маҳалла** танлаб олиниб, улардаги замонавий кутубхоналарга **35 минг нусха китоб** топширилди. Китоблар ўзбек ва жаҳон адабиётининг мумтоз ва замонавий намуналари, илмий-оммабоп, соҳавий ҳамда болалар адабиётидан шакллантирилган.

“Китоб карвони” Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бош биносидан йўлга чиқди, **китоблар маҳаллаларга етказиб берилди.** Тадбирлар доирасида китобларни маҳаллаларга тантанали топшириш, китобхонлик маданияти ва маҳалла кутубхоналарининг аҳоли ҳаётидаги аҳамияти ҳақида мулоқотлар ўтказилди.

Мазкур ташаббус орқали аҳоли, айниқса, ёшларнинг сифатли адабиётлардан бепул фойдаланиш имконияти кенгайтирилади. Лойиҳанинг асосий мақсади ҳам маҳалла кутубхоналарини шунчаки китоб сақланадиган жой эмас, балки аҳоли ва ёшлар мунтазам мутолаа қиладиган, билим ва дунёқарашини бойитадиган маърифий масканга айлантиришдир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.



Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси лавозими 2021 йил 3 декабрдаги “маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги президент фармони асосида жорий этилган.

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

ИБРАТ

“ИМКОНИЯТИМ ЧЕКЛАНГАНИ, БУ — ИМКОНСИЗ, ДЕГАНИ ЭМАС”

...Бу сўзларни тўрт мучаси соғ бўла туриб, “иш йўқ”, деб баҳона қиладиган, боқимандалик кайфиятига берилиб, ҳаётдан фақат нолийдиган инсонлар эшитсин. Яширишнинг ҳожати йўқ, бугун орамизда тайёрга айёр бўлиб яшашга ўрганиб қолган, кимнингдир кўмагини, давлатнинг нафақасини кутиб, уйида қўл қовуштириб ўтирганлар, афсуски, топилади. Давлатдан нафақа оладиган, аммо буни ўзига ор билиб, меҳнати билан қаддини тиклаган инсонлар ҳаёт йўли улар учун ҳақиқий мактабдир.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

— Тўғри, давлатдан нафақа оламан. Лекин илк бор менга нафақа тайинланганини эшитганимда, рости, жуда хафа бўлганман, — дейди “Жасорат” медали соҳиби Асрор Қурбонов. — Наҳотки, бировнинг қўлига қараб яшасам, деб ўзимга савол берганман. Аслида ўша нафақани кутиб, тақдирга тан берганимда ҳам ҳеч ким мени айбламасди. Бироқ меҳнат қилишни, ризқимни ҳалол пешона терим билан топиш йўлини танладим.

Нишон туманидаги “Жанубий Машъали” маҳалласида яшовчи Асрор Қурбоновнинг томорқасига кирсангиз, ҳақиқий мўъжизанинг устидан чиқасиз. У бор-йўғи 5 сотихли иссиқхонада замонавий томчилатиб суғориш тизимини жорий этиб, бир йилда 3 марта ҳосил олади. Бодринг, қулупнай, помидор, булғор қалампиридан ташқари, турли гуллар ва кўчатлар парваришлайди. Изланувчанлик ва тинимсиз ҳалол меҳнат эвазига ушбу кичик томорқадан бир йилда 100-120 миллион сўм соф даромад олади.



Энг муҳими, у жорий йил “Тадбиркорлар куни” арафасида Президент фармонига мувофиқ “Жасорат” медали билан мукофотланди. Бу эътироф нафақат меҳнатга, балки инсон иродасига берилган юксак баҳодир. Асрор Қурбонов нафақат ўзи даромад топмоқда, балки атрофидагиларга ҳам нафи тегмоқда. Хонадонида 10 та доимий иш ўрни яратди. Мавсум пайтида эса 20 нафардан ортиқ маҳалладошларининг бандлигини таъминлаб, уларнинг рўзғорига барака олиб кирмоқда.

Шу инсон ибратидан бутун маҳалла одамларининг дунёқараши ўзгарди. Унга эргашиб, ташаббускор томорқа эгалари сони ортди. Қўшнилар ундан ўрнак олди, маслаҳат сўради, иш бошлади. Натижада, бундан атиги 3 йил аввал жиноятчилик ёки ишсизлик даражаси бўйича “қизил” тоифада бўлган маҳалла “яшил” тоифага ўтди. Ҳозир 120 та хонадон иссиқхонадан даромад топмоқда.

Бир пайтлар ўзи кўмакка муҳтож бўлган инсоннинг бугун ўнлаб оилаларга моддий ва маънавий тиргак бўлаётгани ҳақиқий қаҳрамонлик эмасми?

ТАҲЛИЛ

Ҳар куни эрталаб ишга ёки ўқишга шошиларканмиз, бир хил манзарага дуч келамиз. Асабий чалинган автомобиль овози, соатлаб йўқотилган вақт ва охири кўринмас тирбандликлар. Бундан нолиймиз, шаҳар ҳавоси бузилиб, нафас олиш қийинлашаётганидан шикоят қиламиз. Аммо ҳеч ўйлаб кўрганмизми — бу вазиятни аслида ўзимиз юзага келтирмаяпмизми?

ТИРБАНДЛИКНИ ЙЎЛЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ БИЛАН ҲАЛ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

Мақсадбек ФАЙЗ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдушукур Ҳамзаевнинг маълумотига кўра, бугунги кунда пойтахтимиз кўчаларида қарийб 700 мингта енгил автомобиль ҳаракатланмоқда. Тадқиқотларга кўра, уларнинг 86 фоизида машина ичида фақат ҳайдовчининг ёлғиз ўзи ўтирибди, 12 фоизида икки киши бор, атиги 1 фоизида — уч ёки ундан кўп одам кетади.

Бу — шаҳар бўйлаб ҳаракатланаётган 600 мингдан ортиқ машинанинг ҳар бири йўлдаги камида 8 м² жойни атиги битта одам учун банд қилиб турганини англатади. Оқибатда эса биргина одамни манзилга элтиш учун юзлаб машина йўлларни тўлдирмоқда, ҳавога заҳарли газ чиқариб, умумий ҳаётимизни қийинлаштирмоқда.



Хўш, ечим нимада? Фақатгина йўлларни кенгайтириш ёки янги кўприклар қуриш билан муаммони ҳал қилиб бўлмаслиги аллақачон исботланган. Дунё тажрибаси ва бугунги воқелик биздан фикрлашни ўзгартиришни талаб қилмоқда. Экологик ва транспорт инқирозидан чиқиш учун, бир маҳаллада яшайдиган ва бир йўналишда (масалан, Чилонзордан Юнусободга) ишга борадиган ҳамкасблар, қўшнилар битта машинага бирлашса, кўчалардаги машиналар сони кескин камаяди. Бу нафақат йўлларни бўшатади, балки ёнилғи харажатларини ҳам 3-4 баробарга тежайди. Шунингдек, жамоат транспортини “йўловчига манфаатли” қилиш лозим. Автомобиль эгаси рулни ташлаб, автобус ёки метрога чиқиши учун жамоат транспорти шахсий машинадан кўра тезроқ, қулайроқ ва арзонроқ бўлишини ҳис этиши муҳим. Автобуслар учун алоҳида ажратилган йўлаклар тизимини янада қатъий назорат қилиш ва ҳаракат таркибини кўпайтириш зарур.

Барча ташкилот ва таълим муассасаларининг иш бошлаш вақтини бир хилда эмас, балки табақалаштирилган ҳолда йўлга қўйиш эрталабки тиғизликдаги юкламани камайтиради.

Тирбандлик, бу — фақат ҳокимлик ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг муаммоси эмас. Ҳар биримизнинг кундалик танловимиз маҳсулидир. Эртага эрталаб калитни қўлга олаётганда ўзимизга “Бугун шаҳарга фойдам тегяптими ёки зарарим?”, деган саволни бериб кўрайлик. Танлов ўз қўлимизда.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ

“Луғатимизда “ишсизлик, камбағаллик”, деган сўзлар аллақачон унутилган”

Давлат раҳбари “Ҳоким ёрдамчилари – Президентнинг маҳалладаги вакиллари ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси – ўз маҳалласида тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтиришдан иборат”, дея бежиз таъкидламаганлар.





Умиджон ИСРОИЛОВ,
Қўқон шаҳридаги “Катта Ганжиравон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Дарҳақиқат, бугун ўзимизда мавжуд муаммони ёки келгусидаги режаларни амалга ошириш учун “юқорига” чопишимиз шарт эмас. Аҳолининг тадбиркорликни ривожлантириш истаги борми, бирор қурилиш қилиш режаси борми, ўз ечимини кутаётган муаммолари борми, улар ишонч билан маҳаллага, “еттилик”ка мурожаат қилишмоқда.

Тажрибамдан мисол келтириб ўтсам, ўтган вақт ичида маҳаллада кўплаб катта лойиҳаларни амалга оширдик. Натижада қўшимча янги иш ўринларини яратишга эришдик. Аҳолини томорқа билан ишлашлари ва озиқ-овқат захирасини яратишлари учун хоҳишларига кўра, ер майдонлари ажратиб берилди.

Луғатимизда “ишсизлик”, “камбағаллик”, деган сўзлар аллақачон унутилиб кетган. Бугун мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, турмуш тарзини яхшилаган фуқарони кўриб, бошқалар ҳам келажакка ишонч, умид пайдо бўлмоқда. Ҳаракат қилиб, изланмоқда.

Бундан 7-8 йил аввал маҳалламизда бор-йўғи 50 нафар тадбиркор бор эди. Очиғи, ўшанда кўпчилик ўз бизнесини бошлашга иккиланар, маблағ ёки имконият кутиб вақт ўтказарди. Бугун эса вазият бутунлай ўзгарди. 1 500 дан ортиқ хонадон тадбиркорлик билан шуғулланмоқда, 70 га яқин йирик ишлаб чиқариш корхонаси фаолият юритмоқда.

Хўш, бундай кескин бурилишга қандай эришдик? Муваффақиятимиз сири жуда оддий. Юқорида таъкидлаганимдек, бир хонадоннинг ютуғидан қўшниси ибрат олди, ҳавас эса ҳаётий натижаларга кўчди.

Ҳар куни хонадонларни айланар эканман, қизиқиш ёки отамерос ҳунар орқали катта даромад топаётган одамларни кўриб, касбимдан фахрланаман. Келинг, сизни маҳалладошларимизнинг ана шундай муваффақият тарихи билан таништираман.

Ихтиёр Раҳимов ўтган йили уйида бедана боқишни бошлаган эди. Бу кичик ҳаракат бир йилда оилавий бизнесга айланади, деб ким ўйлабди, дейсиз? Бугун хонадоннинг барча аъзолари банд. Энг қувонарлиси, улар нафақат ўзларини, балки маҳалладаги 10 нафар ишсиз фуқарони ҳам иш билан таъминлашди.

Нафақат бедана, балки уларнинг қафасларини тайёрлаб, сотиш ҳам йўлга қўйилди. Инкубаторларда 1 ойда 100-150 донадан жўжа очирилмоқда. Шу тарзда кичик бир эътибор ва меҳнат ортидан қанча оила рўзғорига барака кирди.

Шамсиддин Мамадалиев учун эса гулчилик ва кўчатчилик — шунчаки касб эмас, отамерос ҳунар. Унинг 30 сотихли томорқасига кирсангиз, гўёки боғга тушиб қолгандек бўласиз. Гулларнинг барча турини учратасиз. 70 хил турдаги мева кўчатлари ва 150 турдаги манзарали буталар бир хилда ўсмоқда.

Томорқа — меҳнат, ҳунар ва даромад уйғунлашган ҳақиқий масканга айланган. Оила аъзоларидан ташқари, яна 7 та доимий иш ўрни яратилди. Эвазига йиллик даромад 150 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Шуҳрат Азамов тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кимдир таклиф киритишини ёки қўшимча имконият яратилишини кутиб ўтирмади. Қатъий қарор қабул қилиб, хонадонининг кичик бир қисмини ишлаб чиқариш бўлимига айлантириб, рўзғор учун энг керакли бўлган буюмлар тайёрлашни йўлга қўйди. Лойиҳани қўллаб-қувватладик ва унга 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик. Замонавий дастгоҳлар ўрнатилди, янги иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нафақат ички бозорни таъминламоқда, балки хорижга экспорт қилинмоқда!

Асосий “драйвер” — тикувчилик. Айнан шу йўналиш орқали хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни уйда ўтирган ҳолда даромад топишга ўргатиш энг олий мақсадимизга айланган. Ўтган йили ўсиш нуқтамиз орқали 65 та янги иш ўрни яратдик.

ИШ БИЛГАНГА, БАЛЛИ!

Куз фасли — тўкин-сочинлик ва келгуси йил ҳосили учун пойдевор қўйиш даври. Саримсоқпиёздан мўл ва сифатли ҳосил олиш бевосита уни тўғри экиш ва парваришлашга боғлиқ. Агар сиз ҳам тўқ ва йирик ҳосил етиштиришни истасангиз, ушбу олтин қоидаларга амал қилинг.

ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ — ПАРВАРИШГА БОҒЛИҚ

Зафар ОРТИҚОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Бу ўсимлик совуққа чидамли. Илдиз отиши учун тупроқ ҳарорати +10...+12 даража бўлиши керак. Шимолий ҳудудларда август ойининг учинчи ўн кунлиги, марказий ва жанубий ҳудудларда эса сентябрь ойининг биринчи ҳамда учинчи ўн кунлигида экиш лозим.

Ер танлашда адашманг! Саримсоқни бодринг, карам, қовун-тарвуз ва картошкадан бўшаган майдонларга экиш тавсия этилади. 2-3 қатор қилиб, тасмасимон усулда экилади. Эгатлар ораси — 50-60 см., қаторлар ораси — 10-15 см., ўсимликлар ораси — 6-8 см бўлиши лозим.



Саримсоқ сувсизликка ва совуққа анча чидамли. У 3-5 даража ҳароратда ҳам бемалол униб чиқади ва кўчатлари 7-8 даражагача бўлган совуққа бардош беради. Аммо қишдан беталофат ўтиш учун экиб бўлингач, усти 1,5–2 см. қалинликда мулчаланади. Бу тупроқ намлигини сақлайди ва қишда илдизни музлашдан асрайди.

Куз фасли давомида тупроқ намлиги меъёрда ушлаб турилиши керак. Бу илдиз тизимининг кучли ривожланишига ва қишга бақувват бўлиб етишига ёрдам беради.



“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

“ОИЛАНИНГ ФАЙЗИ ҲАМ, НУРИ ҲАМ АЁЛ”



Нафосат БОЙМУРОДОВА, Янгиҳаёт туманидаги “Файзли” ва “Зарбдор” маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

Маҳаллада иш бошлаган илк кунларим бу лавозимни фақат қоғозбозлик ва рўйхат тўлдиришдан иборат, деб ўйлабман. Аммо илк қадамдаёқ адашганимни англадим. Бу ердаги ҳар бир хонадон — алоҳида тақдир, ҳар бир аёлнинг кўнгли эса ўзига хос бир олам экан.

Одамларга яқинроқ бўлиш, уларнинг дардига қулоқ тутиш учун маҳаллага келиб, ҳақиқий ҳаёт китобини варақлай бошладим. **Ишнинг бошида ҳужжатлардан кўра кўпроқ хотин-қизларнинг руҳиятига эътибор қаратиш кераклигини тушундим.** Чунки уларнинг ишончини қозонмасдан туриб, қалбига йўл топиб бўлмас экан. Шу мақсадда айни вақтда махсус сўровнома асосида хотин-қизлар балансини шакллантиряпмиз. Мутахассислиги, қизиқиши, нечта фарзанди борлиги, қизларининг орзу-умидларини бирма-бир ўрганяпмиз.





Қувонарлиси, изланишларимиз изсиз кетмади. Қизларимизни тумандаги касб-ҳунар марказига етаклаб бордик. Кимдир тикувчиликка, бошқаси ҳамширалик ёки мунчоқлардан нозик тиллақошлар ясашга қизиқиш билдирди. Ҳатто ўз қизим ва қўшнимизни ҳам шу ҳунарга йўналтирдим. Ёшларнинг кўзидаги иштиёқни кўриб, меҳнатимиз бекор кетмаётганига ишонч ҳосил қиламан.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Маҳорат маскани — ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

Бугун аёлларни бир мақсад атрофида бирлаштириб, уларга касб ўргатиш, тадбиркорлик қилиш ва ўзини ўзи банд этиш имконини яратишга ҳисса қўшаётган инсонлардан бири Гулсанам Норовадир.



Абдували БЎРИЕВ, журналист.

Ураҳбарлик қилиб келаётган Навоий вилояти Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази бундан роппа-роса етти йил олдин давлат рўйхатидан ўтказилган эди. Марказнинг асосий вазифаси вақтинча ишсиз хотин-қизларни бепул касб-ҳунарга ўқитиш, касаначиликни ривожлантириш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, иш билан таъминлаш, ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

Ўтган етти йил ичида мазкур масканда қарийб 20 минг нафар ишсиз хотин-қиз 63 турдаги касб-ҳунарга бепул ўқитилди. Улардан 7 263 нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлади, 2 694 нафари доимий ишга жойлашди, 3 127 нафари ўзини ўзи банд қилди.

Гулсанам Норованинг фаолияти фақат тадбиркорлик билан чекланиб қолмаган. Унинг ҳаётида илм-фан ҳам алоҳида ўрин тутади. Амалиётда тўпланган тажрибани илмий изланишлар билан уйғунлаштириш унинг фаолиятидаги муҳим жиҳатлардан бири. 2022 йилдан Озарбайжон Фанлар академиясида бинар тадқиқотчи сифатида фаолият юритаётган аёл хотин-қизлар тадбиркорлиги, таълим, ижтимоий ривожланиш, молиявий саводхонлик ва жамоат ташкилотлари фаолиятига оид масалаларни илмий жиҳатдан ўрганиб келмоқда.

У илмни ҳаётдан узоқ тушунча, деб билмайди. Аксинча, илмнинг қадри унинг амалиётга хизмат қилишида, деб билади. Хотин-қизлар тадбиркорлиги, молиявий саводхонлик ва ижтимоий ривожланиш масалаларини ўрганиш ҳам унинг амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Кўпинча фарзанд тарбияси ҳақида сўз борганда, оилавий суҳбатларнинг аҳамиятини назардан четда қолдирамиз. Аслида, болада ижобий ёки салбий хислатларнинг шаклланишида оила даврасида айтилган гаплар ва муҳокама қилинган мавзулар ҳал қилувчи масалага айланиши мумкинлигини унутиб қўямиз.

ОИЛАВИЙ СУҲБАТЛАРДА ТАРБИЯ КУРТАК ОЧАДИ

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Бугун фарзандларимиз олдида нималар ҳақида гаплашяпмиз? Айтаётган ҳар бир сўзимиз уларнинг тарбиясига таъсир қилишини ҳам инобатга оляпмизми? Ёки “ҳали ёш-ку, нимани ҳам тушунарди”, деган қараш устунми? Чиндан ҳам бола ҳеч нарсани тушунмайдими? Кечагина туғилган чақалоқ атрофидаги ҳамма гапларни хотирасига муҳрлаб олишини биласизми?

ҲЕЧ БИР МАВЗУ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Психологларнинг таъкидлашича, боланинг онг ости уч ёшгача очиқ бўлади. Бу вақтга қадар у атрофида бўлаётган суҳбатларни тушунмаса-да, хотирасига жойлайверади. Улғая борган сари унинг онгига муҳрланган ахборотлар аста-секин намоён бўла бошлайди. Баъзан ёнимизда ўйнаб юрган фарзандимизга эътибор бермай, турли муаммоларни муҳокама қиламиз. Вақт ўтиб эса, унинг гапириш оҳанги, сўзлари ўзимизнинг такроримиз эканини пайқаймиз.

*— Болаларим жуда зийрак. Қачондир кимгадир айтган гапларимни кейинроқ улардан эшитиб қоламан, **— дейди Паркент туманидаги “Чинорли” маҳалласида истиқомат қиладиган уч фарзаднинг онаси Дилдора Имомова.** — Худди диктофондек, оқизмай-томизмай хотирасига ёзиб олади. Яна ҳеч ўзгартиришларсиз сўзлаб беради. Кичкиналигида бунга аҳамият бермас эдим. Лекин улғайгани сари ҳатто савол бериб, гапларни таҳлил қила бошлашди. Шундан кейингина сергак тортиб қолдим. Ўйлаб қарасам, оила даврасида бўлган бирор суҳбат болаларимнинг эътиборидан четда қолмас экан. Бу ҳолат уларнинг тарбиясига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди.*



НОЎРИН МУҲОКАМА

...Қўнғироқ чалиниб, хонага ўқитувчи кириб келди. Эндигина дарс бошламоқчи эди, қулоқчинда мусиқа эшитиб ўтирган Замира эътиборини тортди. Уни ёнига чақириб, қилаётган ишининг одобдан эмаслигини тушунтирди. Шунда Замира ўқитувчининг юзига тик қараганча: “Аввал битта фарзандли бўлинг, кейин бизга ақл ўргатасиз”, деди қилт этмай. Бу гапга дош бера олмаган ўқитувчи синфдан чиқиб кетди. Замира эса кеча уйидагилар муҳокама қилган мавзуни эгасига етказганидан хурсанд эди. Ота-онаси шу муаллимнинг анча йилдан буён фарзанд кўрмагани, шунинг учун болалар билан ишлашни билмаслиги ҳақида гаплашган эди. Аммо ҳаммасини “ёзиб” олаётган фарзандига кимнингдир дардини муҳокама қилиш мактаб ўқувчисининг иши эмаслигини тушунтириш хаёлига келмаганди...

*— Боланинг дунёқараши кўрган ва эшитганлари асосида шаклланади, **— дейди психолог Роза МЕЛИБОЕВА.** — Баъзи ота-оналар фарзандлари олдида бошқалар ҳақида салбий фикрлар билдиради. Агар бу доимий одатга айланган бўлса, болада ҳам шундай кўникма пайдо бўлади. Ўзи истамаган ҳолда ёмонлик қилмаган кишиларга нисбатан салбий фикр юритади. Бошқалар ҳақида турли-туман фикрларни тинимсиз эшитавериш маълумотларни тўғри таҳлил қила олиш қобилиятини сусайтиради. Боланинг ўртоқлари, ўқитувчиси таъсирида ижобий фазилатлар шаклланган бўлса, ота-онага нисбатан салбий қарашни юзага келтиради. “Ота-онам ҳамиша ким ҳақидадир ёмон фикр билдиради, демак, уларнинг ўзи ёмон”, деган хулосага ҳам келиши мумкин. Оқибатда, ўзаро муносабатлар чигаллашиб кетади.*

Фарзанд тарбияси жуда жиддий ва масъулиятли вазифа. Афсуски, баъзи ота-она унинг келажаги ҳақида қайғурар экан, энг кичик жиҳатларни ҳам эътиборга олиш кераклигини ёддан чиқариб қўяди. Оилавий суҳбатлар эса тарбиянинг энг муҳим дастаги эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тўғри, оила даврасида турли муаммо ва камчиликларни муҳокама қилиб ўрганиб қолганмиз, лекин унинг зарарли таъсиридан фарзандимизни ҳимоя қилишни ҳам унутмайлик. Куни келиб, биз бепарволарча айтган гапларимиз фарзандимиз ва ўзимизнинг келажагимизга доғ бўлиб тушмасин.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Фарғона вилояти “Қува анори” агрофирмаси раҳбари Мастурахон Сайфуддинова Бирлашган миллатлар ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти “Агроозиқ-овқат тизимлари ва қишлоқларни ривожлантиришдаги 100 нафар қаҳрамон аёл” сафидан ўрин олди. Бу Ўзбекистон аёлларининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муҳим ролини кўрсатувчи ажойиб ютуқдир.

Қува анорзоридан РИМ САҲНАСИГА ЙЎЛ

Муҳаммаджон ОБИДОВ, журналист.

131 мамлакатдан бўлган 600 дан ортиқ номзодлар орасида Мастурахон Сайфуддинова агроозиқ-овқат тизимлари ва қишлоқларни ривожлантириш, турмуш шароитларини яхшилашга қўшган ҳиссаси, шунингдек, етакчилиги, фидойилиги ва инновацион ёндашувлари учун эътирофга сазовор бўлди.

“Сизнинг етакчилигингиз, фидойилигингиз ва эришган натижаларингиз дунё бўйлаб йиғилган энг сара номзодлар ичида ҳақиқатан ҳам бетакрор ва ҳайратланарлидир”, дейилади Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Сюй Дунъюйнинг юртдошимизга ёзган мактубида.

– Ҳозир “Фарғона анорчилиги” агрофирмаси масъулияти чекланган жамиятида 300 гектар анор боғлари яратилди, – дейди Мастура Сайфуддинова. – Фермерлар қарамоғига берилган аввалги анорзорлар эса 1000 гектардан ошиқ эди. Бундан ташқари, Сурхондарё вилоятида Президентимиз топшириқлари асосида 5 000 гектар янги анор боғларини ташкил этдик.



Тақдирлаш маросими 12-16 октябрь кунлари Италиянинг Рим шаҳридаги Бутунжаҳон озиқ-овқат форумининг асосий тадбирида бўлиб ўтади.

Ҳар сафар маҳалла кўчаларида бекор ўтирган аёлларни кўрсанг, ички бир афсус сезасан киши. Агар маҳалла ҳудудларида касб-ҳунарга йўналтириш марказлари ташкил этилса, хотин-қизлар бандлиги тўлиқ таъминланса, қанчадан-қанча оилалар обод бўларди. Чунки оиланинг файзи ҳам, нури ҳам аёлнинг қўлида. Бизнинг мақсадимиз эса — ана шу нурни ҳеч қачон сўндирмасликдир.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА тайёрлади.



Маҳалладаги ёшлар етакчиси лавозими 2022 йил 19 январдаги “маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори асосида жорий этилган.

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛА

Мактабнинг биринчи қўнғироғига ҳам кўп қолмади. Ота-оналар дафтар-қалам, кийим-кечак, китоб-кўргазма, деб югуриб юрибди. Дўконларда эса мактаб сумкалари қатор тизилган. Боласига чиройлисини, пишиғини, бир неча йил хизмат қиладиганини излаётган ота-она кўп. Лекин шу пайтда яна бир саволни ҳам бериш керакдек: бу сумка боланинг елкасига оғирлик қилмайдими?

Боланинг елкасидаги юк
БИЛИМИГА ОҒИРЛИК ҚИЛМАСМИКАН?..

Эркин ҒАЙБУЛЛАЕВ.

Чунки гап оддий буюм ҳақида эмас. Ҳар куни мактабга бориб-келаётган бола шу сумкани ойлаб, йиллаб кўтариб юради. Бугун оғирлиги сезилмаган юк эртага елкадаги оғриқ, белдаги зўриқиш ёки қоматдаги ўзгариш билан ўзини билдириши мумкин.

Мутахассислар ўқувчи сумкасининг умумий оғирлиги боланинг тана вазнининг 10-15 фоизидан ошмаслигини тавсия қилади. Масалан, 7 ёшли боланинг ўртача вазни 23 килограмм бўлса, унинг сумкаси тахминан 2,3 килограмм атрофида бўлиши керак. 10 ёшли, вазни 32 килограмм бўлган ўқувчи учун эса 3 килограммдан сал ортиқ юк меъёрга яқин ҳисобланади.

Аммо ҳаётдаги манзара бошқача. Айрим ота-оналар боласининг сумкасини кўтариб кўриб, ўзлари ҳам ҳайрон қолишади. Китоб бор, машқ дафтари бор, оддий дафтарлар бор, қаламдон бор, баъзи фанлар учун қўшимча материаллар бор. Ҳар бири алоҳида қараганда унчалик оғир эмас. Аммо ҳаммаси бир жойга жамланса, боланинг елкасига тушадиган юк анча салмоқли бўлиб қолади. Муаммонинг бир жиҳати ҳам шунда. Бола мактабга фақат билим эмас, ўқув қуролларининг ўзига яраша юкини ҳам олиб боради. Айниқса, бошланғич синф ўқувчиси учун бу юкни енгил, деб бўлмайди. Амалда баъзи болалар 3-5 килограмм, юқори синфларда эса 5-7 килограммгача сумка кўтариб юрган ҳолатлар учрайди. Ваҳоланки, санитария меъёрларида 1-2-синфларда дарслик ва машқ дафтарларининг умумий оғирлиги 1,5 килограммдан, 3-4-синфларда 2 килограммдан ошмаслиги белгиланган.



Бу ерда масала фақат рақамда эмас. Боланинг танаси ҳали шаклланиб бораётган пайтда ҳар куни меъёрдан оғир юк кўтариш елка ва бўйинга ортиқча босим туширади. Юк нотўғри тақсимланса, бола танасини бир томонга оғдириб юриши мумкин. Сумкани доим бир елкага осиш эса бу ҳолатни янада кучайтиради. Мутахассислар бундай одатлар умуртқа ва қомат билан боғлиқ муаммолар хавфини оширишини таъкидлайди.

Яна бир жиҳат борки, у кўпинча эътибордан четда қолади. Оғир сумка болани нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам чарчатади. Эрталаб елкасига зилдай сумкани осиб мактабга йўл олган бола кун охирига бориб дарсдан ташқари машғулот, спорт ёки китоб ўқишга ҳам ҳол тополмаслиги мумкин. Мактаб бола учун билим ва қизиқиш маскани бўлиши керак. Унинг рамзи оғирлик эмас, имконият бўлгани яхши.

Шунинг учун янги ўқув йили арафасида бу масалага фақат ота-она эмас, мактабнинг ўзи ҳам жиддий қараши керак. Синфларда китоб ва ўқув қуролларини сақлаш учун жавонлар бўлса, ҳар куни ҳамма нарсани уйдан мактабга, мактабдан уйга ташишга ҳожат қолмайди.

Электрон дарсликлар, рақамли материаллар ва зарур ҳолларда мактабда қолдириладиган ўқув қўлланмалари ҳам боланинг елкасидан ортиқча юкни олиши мумкин. Ота-она эса сумка танлаётганда фақат унинг ранги ёки кўринишига эмас, ўзининг оғирлиги, елка тасмаларининг кенглиги ва болага қандай ўтиришига қарагани маъқул. Сумка икки елкага бирдек тақилиши, оғир буюмлар эса унинг ўртасига яқин жойлаштирилиши керак.

Яқин кунларда мактаблар яна болаларнинг шовқинига тўлади. Кимдир биринчи марта остонадан кириб боради, кимдир дўстларини соғинганча синфига шошади. Шу жиҳатдан эътибор берайлик — бола мактабга юк кўтариб эмас, билим олиш завқи билан борсин.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Ҳар доим имконсизликдан чиқишнинг йўли бўлган

Қадимдан ота-боболаримизнинг тирикчилиги ердан бўлган. Ёшлигимда кўп кўрганман: катталар елкасига кетмонини илиб, тонг саҳарда дала томон йўл оларди. Қуёш ботгунча ер юмшатар, уруғ қадашга тайёрлар, экин орасидаги бегона ўтларни юлиб, ҳосилга кўз-қулоқ бўлиб юрарди.

Диёр КЕЛДИЁРОВ, Жомбой туманидаги “Қўлбости” маҳалласи ёшлар етакчиси.



Бу ишнинг машаққати кўп, аммо ҳалол меҳнат билан топилган ризқ унинг оғирлигини сездирмайди.

Энг қувонарлиси, бугун ёшларнинг ҳам ерга муносабати ўзгариб боряпти. Кимдир бўш турган ерни олиб, деҳқончиликни бошлаяпти, яна кимдир кичик тадбиркорликка қўл уряпти. Муҳими, улар тайёр иш кутиб ўтирмай, имкон қаерда бўлса, ўша ердан меҳнат йўлини излаяпти. Масалан, маҳалламиздаги айрим ёшлар баҳорда ерга мош, ловия, маккажўхори каби экинларни экади. Экинлар ернинг унумдор ва сув таъминотига қараб парвариш қилиниб, кузга бориб ҳосил беради. Меҳнати ва бозорини тўғри ҳисоблаган ёшларнинг айримлари мавсум якунида 40-50 миллион сўмгача даромад олиш имконига эга бўляпти.

Лекин йигит-қизларнинг имконияти фақат ер билан чекланмайди. Тадбиркорликка қизиққанларини ҳам қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиляпмиз. Жумладан, Шеҳроз Абдумаликовни олайлик, ёш бўлишига қарамай, қўли ишга келади. Қаерга бормасин, бирор юмушнинг бошидан чиқади. “Оиламга бир-икки сўм бўлса ҳам олиб кирай”, деган ният билан тинмай ҳаракат қилади. Шеҳроз иш сўраб ўтирадиганлардан эмас, ишнинг ўзини топишга уринадиган йигит. Шунинг учун унга имкон бериш керак, деб ҳисобладик.

Автомашина харид қилиши учун 126 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилишига кўмаклашдик. Бугун Шеҳроз машинасида эшик-ромларни ташийди. Эрталаб иш билан чиқиб кетади, кун давомида буюртмаларни бажаради. Ҳозир кредит тўловларини ойига 2 миллион 200 минг сўмдан тўлаяпти. Вақт ўтиши билан тўлов миқдори ошиб боради, лекин унинг ҳисоб-китоби бор: ойлик даромади ўртача 8-9 миллион сўм атрофида. Яъни машина унинг учун даромад топадиган воситага айланган. Кўриб турганингиздек, ёшларга имкон берилса, ишонч билдирилса, улар ҳам ўз йўлини топишга ҳаракат қилади.

Албатта, бу йўлда муаммолар ҳам бор. Кўпинча ёшга кредит ажратишда кафил топиш ёки бошқа таъминот масаласи ўртага чиқади. Имконияти эндигина шаклланаётган, доимий даромади ҳали йўлга тушмаган ёшларга банк ҳам эҳтиёткорлик билан қарайди. Буни ҳам тушуниш керак. Аммо шу билан бирга, уларга имкон берилмаса, улар қандай қилиб оёққа туради, деган савол ҳам бор.

Ҳозирча маҳалламизда бир нафар ёшга шу йўл билан кредит олишига кўмаклашдик. Талабгорлар бўлса, имкониятлар доирасида яна ёрдам беришга тайёрмиз. Айрим ёшлар эса ҳоким ёрдамчиси орқали 10 миллион сўмгача кредит олиб, кичик тадбиркорлик ёки чорвачилик билан шуғулланишни афзал кўряпти. Бу ҳам уларнинг ўз танлови.

Менимча, ёшлар билан ишлашнинг энг тўғри йўли ҳаммасига бир хил қараш эмас, ҳар бирининг қизиқиши, имконияти ва қўлидан келадиган ишини топиш. Кимдир учун ер имконият, кимдир учун машина, яна кимдир учун кичик кредит янги ҳаётнинг бошланиши бўлиши мумкин.

ИМКОНИЯТ

“Иш борми?” деб кутиб ўтирган пайтларим ҳам бўлган. Қишлоқда яшаган одамга ернинг ўзи катта имконият, лекин уни қаердан олиш, нимадан бошлаш, маблағни қандай топиш масаласи осон эмас.

МЕҲР ЕРГА ТУШСА, МЕҲНАТ ҲОСИЛ БЕРАДИ



Ибрат ИСОҚОВ, Касби туманидаги “Пандирон” маҳалласи.

Мен ҳам бир муддат шу иккиланиш билан юрдим. Ёшлар етакчиси билан суҳбатлардан кейин ўзимдаги қизиқишни аниқ мақсадга айлантиришга қарор қилдим. Натижада кўмаклашуви билан 1 гектар ер майдонига эга бўлдим. Шу ерга помидор экиб, деҳқончиликни йўлга қўйдим.

Аввалига “Бир гектарнинг ўзига қандай улгураман?” деган хавотир бор эди. Ерни тайёрлаш, кўчат ўтқазиш, сув бериш, парваришлаш, касаллик ва зараркунандалардан асраш — ҳар бирининг ўз ташвиши бор. Лекин экинни ўз қўлинг билан парваришлаб, кун сайин ўзгаришини кўриш одамга бошқача куч бераркан.

Ҳозир даламдаги ҳосилга қараб, бу ишни тўғри танлаганимга ишончим ортяпти. Ҳисоб-китобимга кўра, мавсум якунига қадар 70–80 миллион сўм атрофида даромад олишни режалаштиряпман. Мен учун бу фақат бир мавсумлик даромад эмас. Энг муҳими, ўзимга иш борлигини англадим. Кеча имконият қидириб юрган бўлсам, бугун ўз еримда меҳнат қилиб, даромад қилиш йўлини топдим.

КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

“Чимён”да ёзнинг файзи
ЎРИК ПИШГАНДАН БОШЛАНАР

Фарғона туманидаги “Чимён” маҳалласида ёзнинг файзи ўрик теришдан бошланади. Бу ерда ўрик етиштириш, уни қоқи қилиш ва тайёр маҳсулотга айлантириш бир мавсумлик юмуш эмас, балки йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб келаётган касб.

Шаҳноза ХАЛИЛОВА.



Илгари бу меҳнат оила рўзғорига ризқ бўлган бўлса, бугун у юзлаб хонадонлар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун даромад манбаига, маҳаллада эса экспортбоп маҳсулот тайёрлайдиган йирик меҳнат жараёнига айланган. Жамшидбек Боқижонов ҳам отасидан ўрганган касбни давом эттириб келаётган ёшлардан. У сотиб олинган ўрикни саралаб, қуритиб, қайта ишлаб, қадоқлайди ва экспортга тайёрлайди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

Унинг айтишича, сифатли қоқи тайёрлашда ишнинг бирор босқичини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Асосан “Субҳони”, “Лимонка” навлари қуритилади. Жамшидбек бу ишнинг ичида улғайгани учун мавсум қизғин пайтда қайси ўрикни қандай қуритиш, қай тарзда саралаш ва бозорбоп ҳолга келтиришни яхши билади.

Энг муҳими, бу иш бир одамнинг меҳнати билан битмайди. Ўрик терилганидан кейин унинг ҳар бир донаси бир неча қўлдан ўтади. Мавсум давомида касаначилик йўли билан қунига 60-70 та хонадонга маҳсулот етказиб берилиб, уларда ўрикка қайта ишлов бериш, саралаш ва қадоқлаш ишлари амалга оширилади. Шу тариқа ҳар бир хонадоннинг меҳнати охир-оқибат экспортга тайёр маҳсулотнинг бир қисмига айланади.

Мавсумнинг қўлами эса салмоқли. Бир боғдан дарахтдан қоқиб олинган бир тонна ўрикдан тахминан 600-700 килограмм қоқи олиш мумкин. Ҳозир Жамшидбек тайёрлаётган маҳсулотлар Россия, Хитой ва Туркия бозорларига чиқмоқда. Бир мавсумда экспорт ҳажми 20-30 тоннага етади. Унинг меҳнатидан ўрнак олган тенгдошлари ҳам бу ишга киришиб, яхшигина даромад топа бошлаган.

Энди Жамшидбек маҳсулотига ўз брендини қўйиб, унинг қадоғи ва сифатини янада такомиллаштирган ҳолда экспорт ҳажмини оширишни мақсад қилган. Кеча ота касбини ўрганган йигит бугун шу касбга янги нафас бериш ҳақида ўйлаяпти. Шу мўъжаз маҳалланинг аҳолиси мисолида кўриш мумкинки, агар меҳнат ва тадбиркорлик бирга уйғунлашса, бир маҳалланинг эмас, бутун бир ҳудуднинг ризқ ва даромад манбаига айланиши мумкин.



“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

ҲАЁТ СУКУНАТИНИ ФАҚАТ МЕҲР АРИТАР ЭКАН...

“Култепа” маҳалласида тонг отмасдан аввал жўшқин ҳаёт бошланади. Мингдан ортиқ хонадон, қарийб беш минг нафар инсон яшайдиган бу ҳудудда ташвиш ҳам, қувонч ҳам етарли. Ҳар куни эрталаб ишни кўчаларни кезиб, одамларнинг кўзига тикилиб, “Тинчликми, бирор ёрдам керак эмасми?”, дея ҳол сўрашдан бошлайман. Чунки менинг учун ҳар бир хонадон — алоҳида дунё, ҳар бир тақдир эса ўзига хос китоб.

Муниса ШЕРМАТОВА,
Пискент туманидаги “Култепа” маҳалласи ижтимоий ходими.



Аслида, фидойилик мана шундай торгина кўчаларда, оддийгина уйларнинг эшигини оҳиста тақиллатиб кирувчи, ўзганинг дардини ўз юрагидан ўтказадиган софдил инсонларнинг қадамларида яшайди. Биз — ижтимоий ходимлар узатган биргина меҳрли қўл инсонга қанот беради, дунёни эса янада гўзалроқ ва бағрикенгроқ қилади.

Ана шундай хонадонларнинг бири Сербаҳор опа Абдуқодировага тегишли. Ҳаётнинг аччиқ синовлари, оғир дардлар бу инсонни эгиб қўйган эди. Инсульт ва инфаркт каби оғир дардларни бошдан кечирган, тилидан сўз, оёғидан мажол кетган Сербаҳор опанинг кунлари бир хил — оғриқ ва сукут ичида ўтарди. У дунёдан узилиб қолгандай, ўзини ёлғиз ҳис қиларди.

Илк бор иншоот эшигини очганимда, уйда ҳукмрон совуқ сукунатни ҳис қилганман. Аммо ширин сўз ва самимий ғамхўрликдан кўнгли юмшаган Сербаҳор опа ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошлади. Дастлаб уни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб, дардига даво изладик, бепул дори-дармонлар билан таъминладик.

Энг муҳими — йиллар давомида узилиб қолган қариндошлик ришталари қайта тикланди. Юракка дармон бўларли меҳр топган опанинг кўнглидаги музлар эриб, яқинлари бағрига қайтди. Ҳомийлар кўмаги билан олиб келинган ҳасса эса унинг учун янги ҳаётнинг, мустақил қадамларнинг илк таянчига айланди. Опани санаторийга навбатга қўйиб, реабилитация қилинишини ва 669 минг сўмлик компенсация маблағларининг ўз вақтида етиб боришини таъминладик. Ёнига бириктирилган ёрдамчимиз эса аёлнинг кундалик турмуш ташвишларини енгиллаштирди.

Ҳар сафар бу хонадонга кириб келганимда, Сербаҳор опанинг маъюс кўзларида бир шуъла пайдо бўлади. Бу эртанги кунга бўлган ишонч нури эди.

МУЛОҲАЗА

ЁЛҒИЗ АЁЛ ИМКОН ТОПСА, КАСБИ БЎЛСА, ЁЛҒИЗЛАНИБ ҚОЛМАЙДИ ҲЕЧ

Мақола тайёрлаш жараёнида маҳалла хотин-қизлар фаоллари билан аёллар муаммолари ҳақида кўп гаплашамиз. Жараёнда турли хил тоифа ва муаммолар, айрим ҳолларда йиллар давомида ечимини кутаётган саволларга дуч келамиз. Улар орасида ёлғиз оналар масаласи ҳам бор.

Шаҳноза РАҲИМХЎЖАЕВА, “Mahalla” мухбири.

Ҳамиятда уларга муносабат турлича. Кимдир бундай фуқароларга ёрдамга муҳтож инсон сифатида шафқат кўзи билан қарайди. Бошқалар эса “бугун ишлаш, касб ўрганиш, даромад топиш учун имконият бор-ку, нега доим давлат ёрдамига суяниш керак?”, деган саволни кўяди.

Ҳар икки қарашнинг замирида маълум маънода ҳақиқат бор. Чунки ёлғиз оналарнинг барчасини бир хил ижтимоий тоифа сифатида баҳолаб бўлмайди. Айтайлик, бир аёлнинг яхши иши, уй-жойи ва барқарор даромади бор. Бошқасининг эса кичик фарзандлари, ишсизлиги, ижара уйи ва ҳал бўлмаган алимент муаммоси мавжуд. Яна кимнингдир доимий даромади бўлса-да, фарзандининг саломатлиги ёки парвариши сабаб тўлиқ ишлаш имконияти чекланган.

Кўриб турганингиздек, **“ёлғиз она”, деган мақомнинг ўзи фуқарони кам таъминланган ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар қаторига киритишга сабаб бўлмайди.** Бундай шароитда оиланинг ҳолатини чуқур ўрганиш, муаммоларни атрофлича таҳлил қилиш талаб этилади. Уларнинг даромади қанча? Яшаш шароити қандай? Фарзандларининг ёши ва эҳтиёжи нимадан иборат? Она ишлай оладими? Боласини иш вақтида ким назорат қилади? Алимент олиняптими? Фуқаронинг яқинларидан ёрдам олиш имконияти борми?

Ана шу саволларга жавоб берилгандагина манзилли ёрдам ҳақида тўғри хулоса чиқариш мумкин.

Ижтимоий ёрдам оғир вазиятда қолган оила учун жуда муҳим. Айниқса, даромади етарли бўлмаган, кичик фарзандларини тарбиялаётган ёки фавқулодда вазиятга тушиб қолган оналарга моддий кўмак айни муддао бўлиши аниқ. **Аммо бир марталик ёрдамнинг таъсири қанча вақт давом этади? Оила бир ой, икки ой ёки бир неча ой қўллаб-қувватланди. Кейин-чи?**

Агар аёл ишсиз бўлса, унинг доимий даромад манбаига эга бўлиши, қизиққан касбини ўрганиши, ишга жойлашиши каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Агар ишлаш имкони бўлмаса, бунинг сабабини ўрганиш талаб этилади. Эҳтимол, ўзи ёки фарзандида ногиронлик мавжуддир, шундай бўлса, ижтимоий ходим давлат тақдим этаётган имкониятлардан фойдаланиб, уларни қўллаб-қувватлаши зарур.

— *Кузатувларимга кўра, ёлғиз оналар кўпинча бир вақтнинг ўзида ҳам она, ҳам оиланинг асосий таянчи бўлишга ҳаракат қилади,* — ***дейди Ховос тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази психологи Шоҳиста ЖЎРАҚУЛОВА.*** *— Бу эса уларга катта руҳий ва жисмоний юклама беради. Айниқса, фарзандларининг келажаги, моддий таъминот ва жамиятнинг муносабати ҳақидаги хавотир уларда доимий зўриқишни юзага келтиради.*

Шунинг учун ёлғиз онага “сен кучли бўлишинг керак”, деган талаб қўйишдан кўра, уни тинглаш ва амалий ёрдам бериш муҳим. **Унга ачиниш эмас, қадрлаш ва қўллаб-қувватлаш керак.** Она ўзини ёлғиз ҳис қилмаслиги, зарур пайтда яқинларидан ёрдам сўрай олиши жуда муҳим.

Яна бир жиҳатга эътибор бериш керак: она ўзини бутунлай фарзандига бағишлаб, шахсий ҳаёти ва эҳтиёжларини унутиб қўймаслиги лозим. Ўзига вақт ажратиши, дам олиши, касбий ёки шахсий ривожланиши худбинлик эмас. Аксинча, руҳан барқарор она фарзандига ҳам соғлом муҳит ярата олади.

Демак, ёлғиз она масаласига фақат бир томонлама қараб, барчага бир хил ёндашувни қўллаб бўлмайди. **Ҳар бир оиланинг ўз имконияти ва ечимини кутаётган муаммоси бор.** Шу боис энг тўғри йўл — эҳтиёжни аниқлаш, манзилли ёрдам кўрсатиш ва инсоннинг ўз кучига таяниб, мустақил ҳаёт кечириши учун шароит яратиш.

Зеро, мақсад аёлни доимий равишда ёрдамга муҳтож ҳолда ушлаб туриш эмас, балки унга қийин вазиятдан чиқиб кетиши учун таянч бўлишдир. Бугун берилган бир марталик кўмак унинг бир кунлик эҳтиёжини енгиллатиши мумкин. Аммо касб, иш, барқарор даромад ва руҳий қўллаб-қувватлаш эса фарзандларининг эртанги кунига ишонч бағишлайди.


Энг муҳими, ёлғиз она жамиятда “ёлғиз”, деган сўз билан эмас, ўз салоҳияти, меҳнати ва фарзанди учун қилаётган ҳаракати билан қадрланиши керак. Чунки ҳар бир она, қандай шароитда бўлишидан қатъи назар, муносиб ҳаёт кечириш ва фарзандининг келажагини яратиш имкониятига эга бўлиши лозим.



БИР НАЗАР

Хизмат бор, аммо ИМКОНИЯТЛАР-ЧИ?

Ногиронлиги бўлган инсон учун реабилитация нафақат даволаниш, балки мустақил ҳаётга қайтиш имкониятидир. Шу боис бундай марказларда хизмат сифати ва яратилган шароит доимо эътиборда бўлиши керак.



Элбек ИКРОМОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси бош мутахассиси.

Шу мақсадда масъуллар Навоий вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази фаолиятини ўрганишди.

Жорий йилнинг ўтган даврида марказда 300 нафар фуқарога реабилитация хизмати кўрсатилган, етти ойда 1 802 та имтиёзли йўлланма берилган. Хизмат олувчилар яратилган шароит ва муолажалардан мамнунлигини билдирган.

Шу билан бирга, ўрганиш давомида айрим камчиликлар ҳам аниқланди. Марказга замонавий УЗИ ва “ТМС” ускуналари зарур. Моддий-техник базани янгилаш, физиотерапия ускуналарини модернизация қилиш, хоналарни ногиронлиги бўлган шахслар учун тўлиқ мослаштириш талаб этилмоқда.

Эътиборли жиҳати, рентген аппарати билан ишловчи ходимларга белгиланган сут ва қатиқ маҳсулотлари қарийб уч йилдан буён берилмагани маълум бўлди. Санитария-гигиена, техник ва ёнғин хавфсизлиги бўйича ҳам айрим камчиликлар қайд этилди. Масъулларга уларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

Ғиждувон туманидаги “Маҳалламирзаён” йиғинида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, айниқса, эҳтиёжманд оилаларга манзилли хизматлар кўрсатиш бўйича тизимли фаолият йўлга қўйилган.

ТАЪМИРЛАНГАН ХОНАДОННИНГ ТИНЧЛИГИ КЎП БЎЛАРКАН

Зарнигор НАФИДДИНОВА,
журналист.

Маҳаллада 3 200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 98 нафари ногиронлиги бўлган шахс, 44 та оила Ижтимоий реестрга киритилган. Маҳаллада фаолият юритаётган ижтимоий ходим Инобат Темирова ушбу оила вакилларининг турмуш тарзини мунтазам ўрганиб, уларга зарур ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Ана шундай оилалардан бири – 60 ёшли Шоира Савриева хонадонидир. У бир нафар I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзандини парвариш қилиб келяпти. Оила вакиллари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволаниши учун амалий кўмак кўрсатилди.

Энг муҳими, Президентимизнинг қарорига мувофиқ, 2026 йил 1 мартдан бошлаб, Ижтимоий реестрга киритилган, I гуруҳ ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлмаган оилалар хонадонларини яхшилашга қаратилган янги тизим доирасида Шоира Савриеванинг уйи таъмирланди. Хонадон ногиронлиги бўлган фарзандининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб мослаштирилиб, унинг хавфсиз ва қулай ҳаракатланиши учун зарур шароитлар яратилди.

Бу каби манзилли ёндашув эҳтиёжманд оилаларнинг турмуш сифатини яхшилаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини қучайтириш ҳамда ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.





Маҳалладаги солиқ инспектори лавозими 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент фармони асосида жорий этилган.

“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”



СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Бўш қолмаган ҳовли ҳеч қачон даромадсиз бўлмайди



Маҳаллаларга келганимда, аввало, узумчилик бу ерда оилаларда сингиб кетган меҳнат мактабига айланганини сездим. Биргина 675 та хонадон яшайдиган “Хўжанд” маҳалласининг айрим кўчаларида ҳовлига киришингиз билан токлар қаршингиздан чиқади. Дарвоза олдидаги сўрилар, тартиб билан ёйилган новдалар, пишиб келаётган узумлар — буларнинг бари бу ерда одамлар ернинг ҳар қаричидан даромад олишга интилаётганини кўрсатади.

Азимжон МУТАЛЛИМОВ, Тўрақўрғон туманидаги “Шохидон”, “Яккатом”, “Ҳўжанд”, “Шовон”, “Тошлоқ”, “Шарқ” маҳаллалари солиқ инспектори.

Маҳалла раиси билан узумчиликнинг одамлар ҳаётидаги ўрни ҳақида суҳбатлашар эканмиз, ушбу маҳалладаги Нафосат опанинг ҳикояси алоҳида эътиборимни тортди. У йиллар давомида узумчилик қилиб, шу меҳнати билан фарзандларини вояга етказган, тўрт ўғлини уйлантириб, уйли-жойли қилган. Бугун эса унинг ҳовлисидаги ҳосилга харидорнинг ўзи келади. Ҳосил пишган пайтда Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан, ҳатто Озарбайжон ва Россиядан харидорлар келиб, юк машиналарини қатор қилиб қўяди.

Бу манзарани кўриб, одамга имкон ва шароит берилса, ўз ҳовлисидаги бир неча сотих ернинг ўзи ҳам оилага муносиб даромад манбаи бўла олишини яна бир бор ҳис қиласиз. Аммо узумчиликнинг ортида фақат ҳосилни кутиш йўқ. Токни қишда озиқлантириш, ўғитлаш, февраль ойида кесиш, новдаларни боғлаш, баҳорда ишлов бериш, ёзда сувини чиқариш — буларнинг ҳар бири ўз вақтида бажариладиган меҳнат. Шу сабабли бу ердаги узумчилик бир мавсумлик иш эмас, йил бўйи давом этадиган тирикчилик манбаи.

Яна бир жиҳати эътиборга лойиқ: даромад фақат узумнинг ўзидан келмайди. Ток баргининг ҳам бозори бор. Аёллар баргни йиғиб, саралаб, тайёрлаб сотишади. Бир қарашда оддийгина баргдек кўринган маҳсулот ҳам хонадонга қўшимча даромад олиб келмоқда.

Маҳалладаги иқтисодий фаоллик рақамларда ҳам кўринади. Йил бошидан буён 41 нафар фуқаро ишга жойлаштирилган, тадбиркорлик бошлаш истагидаги 12 нафар фуқарога 628 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилган. Узумчилик билан шуғулланаётганлар сони 950 нафарга етган. Солиқчи сифатида бундай хонадонлар билан ишлаганимда мен учун яна бир муҳим масала бор — тадбиркорликни қонуний йўлга қўйиш ва фуқаро ўз фаолияти учун қанча солиқ тўлашини аниқ билиши.

Чунки кўпчиликда ҳали ҳам “тадбиркор бўлсам, катта солиқ тўлайман”, деган хавотир бор. Аслида эса солиқ миқдори фаолият тури, танланган солиқ ва тадбиркорнинг ҳолатига қараб белгиланади. Фуқарога ўз фаолиятини қандай расмийлаштириш, қайси тартибда ишлаш ва амалдаги қонунчилик бўйича қандай мажбуриятлари борлигини тушунтириш ҳам муҳим. Масалан, узум етиштириб, маҳсулотини қонуний равишда сотаётган хонадон эгаси фаолиятининг қандай тартибда юритилишини, қайси ҳолларда қандай солиқ мажбурияти юзага келишини билса, ишини ҳам бемалол режалаштиради. Энг муҳими, “солиқ қанча бўлади?”, деган саволга тахмин билан эмас, айнан ўз фаолиятига тегишли тартибдан келиб чиқиб жавоб олади.

Бу борада маҳалладаги солиқчи билан тадбиркорнинг яқин ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. Буни Азиза Маҳуровонинг фаолиятида ҳам кўриш мумкин. У 20 миллион сўм имтиёзли кредит билан фаолият бошлаган, кейинчалик яна маблағ олиб, фаолиятини кенгайтирган. Авval уйида тайёрлаган ширинликларини бугун алоҳида цехда ишлаб чиқармоқда. Торт, асалли торт, турли пиширикдар, сомса, салатлар — буюртмага қараб маҳсулот тури ҳам кўпайган. Энг қувонарлиси, унинг ёнида шогирдлари бор. Бугун ўнлаб қизлар ундан ҳунар ўрганмоқда.

Шу нуқтада солиқчининг ишига бошқача қарай бошлайсиз. Тадбиркор ишласин, даромад топсин, одамларни иш билан таъминласин — бунинг учун унга, аввало, қонуний ишлашнинг йўлини тушунтириш керак. Солиқ эса тадбиркорнинг ишини тўхтатадиган тўсиқ эмас, фаолият қонуний ва тартибли юритилганда жамиятга қайтадиган мажбуриятлардан биридир.

МУЛОҲАЗА

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ
ҲАР ҚАНДАЙ МАНСАБДАН УЛУҒРОҚ

Баъзан одамнинг чўнтагидаги пулидан кўра, давлат идорасининг эшигидан кираётгандаги ишончи қимматроқ бўлади. Чунки фуқаро солиқ идорасига кирганда қаршисидаги одамни шунчаки мансабдор эмас, давлатнинг вакили, деб билади. Унинг гапига ишонади ва сўзига шубҳа қилмайди.



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Иззах шаҳридагаи маҳаллалардан бирида юз бергани айтилаётган воқеа ана шу ишончнинг қанчалик нозик эканини яна бир бор кўрсатди. Давлат солиқ бош инспектори тадбиркорнинг амалдаги 1,4 миллион сўмлик қарздорлигини гўёки 17 миллион сўм, деб кўрсатиб, 9 миллион сўм эвазига уни “танишлари орқали йўқ қилиб бериш”-ни ваъда қилган. Дастлаб 2 миллион сўмни олган инспектор қолган 7 миллион сўмни солиқ инспекцияси биноси олдида олаётган вақтида ушланган. Бу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилгани ва тергов давом этаётгани маълум. Демак, якуний ҳуқуқий баҳони тергов ва суд беради. Аммо жамият сифатида бизни ўйлантириши керак бўлган масала бундан кенгроқ.

Солиқчининг вазифаси аслида нима? Солиқ ходими давлат билан фуқаро, тадбиркор билан иқтисодиёт ўртасидаги энг қуйи, аммо энг муҳим бўғинлардан биридир. У тадбиркорнинг ҳисоб-китобини кўради, унинг қарздорлигини тушунтиради, қонунчиликдаги талабларни етказади. Энг муҳими, солиқ тизимининг қандай ишлашини оддий одам айнан шу ходимнинг муомаласи орқали ҳис қилади. Шунинг учун ҳам солиқчи давлатга бўлган ишончнинг бир устунидир. Бир ходимнинг ноқонуний хатти-ҳаракати эса шу устунга дарз кетказиши мумкин. Энг ачинарлиси, бунинг зарари фақат бир тадбиркор билан тугамайди. Солиқ тизимида ҳалол ишлаб, фуқароларга тушунтириш бериб, одамларнинг ишончини мисқоллаб йиғаётган минглаб ходимларнинг меҳнатига ҳам соя тушади.

Аҳир одамлар фирибгарликдан тўйиб бўлди. Пластик картадан пул ечиб кетадиганлар, телефон орқали алдов қиладиганлар, интернетдаги турли ҳийлалардан фойдаланадиганлар етарлича. Энди фуқаро давлат идорасининг остонасида турган ходимдан ҳам эҳтиёт бўлиб қолса, бу жуда оғир ҳолат. Айниқса, одамнинг моддий томони — энг нозик масала. Бирор кишининг қарзини асоссиз равишда бир неча баравар кўрсатиш, кейин ундан пул талаб қилиш ҳақидаги даъво оддий фирибгарликдан ҳам оғирроқ таассурот қолдиради. Чунки бу ерда мансаб, ваколат ва фуқаронинг давлатга бўлган ишончи бир нуқтада тўқнаш келади.

Шу сабабли солиқ тизимида ходим танлаш масаласига фақат билим, тажриба ва ҳужжатлар билан қараб бўлмайди. Виждон, ҳалоллик ва ваколатни суиистеъмол қилмаслик масъулияти ҳам касбий мезон даражасига кўтарилиши керак. Ходим давлат номидан гапираётган бўлса, унинг шахсий хатти-ҳаракати ҳам давлат обрўсига таъсир қилишини англаш зарур.

Балки солиқ ходимларини ишга қабул қилиш ва масъул лавозимларга тайинлашда ҳалоллик ва коррупцияга муносабатни аниқлашнинг янада кескин чораларини кўриш, хизмат фаолиятини мунтазам назорат қилиш, тадбиркор билан мулоқотларни имкон қадар шаффофлаштириш ва фуқаронинг мурожаатини ходимдан мустақил текшириш керакдир. **Чунки солиқчи халқнинг чўнтагига қўл узатадиган эмас, давлат билан халқ ўртасидаги иқтисодий тартибни таъминлайдиган ходим бўлиши керак.**

ИМКОНИЯТ

ТЕЖАЛГАН ҲАР БИР СЎМ — ЯНГИ ИМКОНИЯТ

Меҳмонхонамиз 2019 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда бу ерда 200 нафарга яқин ишчи меҳнат қилади.

Хуршида ТОШЕВА, Бухоро шаҳридаги “Саҳид Зарафшон” меҳмонхонаси бош ҳисобчиси.

Тадбиркор сифатида Президент иштирокидаги ҳар бир очиқ мулоқотни катта қизиқиш билан кузатаман. Чунки бундай учрашувларда кўтарилаётган масалалар, билдирилаётган таклиф ва ташаббуслар кўпинча биз каби тадбиркорларнинг кундалик фаолиятига бевосита таъсир қилади.

Жорий йилда меҳмонхона соҳасига алоҳида эътибор қаратилгани, хусусан, ер ва мол-мулк солиғини 10 баравар камайтирилган ставкаларда тўлаш бўйича имтиёзнинг 2030 йилгача узайтирилгани биз учун катта имконият бўлди.

Буни меҳмонхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Аввал бир йил давомида ер ва мол-мулк солиғи учун 587 миллион сўм тўлаган бўлсак, имтиёз қўлланилгач, бу сумма 149 миллион сўмни ташкил этмоқда. Энг муҳими, мазкур имтиёз 2030 йилгача амал қилиши натижасида меҳмонхонамиз ихтиёрида жами 1 миллиард 752 миллион сўм маблағ қолади.



Бу маблағни биз шунчаки тежалган пул сифатида эмас, балки бизнесни ривожлантириш учун қўшимча ресурс сифатида кўрямиз. Режаларимиз ҳам шунга яраша катта: меҳмонхона фаолиятини кенгайтириш, қўшимча 30 та хона ташкил этиш ва бунинг ортидан ишчи кучини ҳам кўпайтириш ниятидамиз.

Аслида, тадбиркор учун берилган ҳар қандай имтиёзнинг ҳақиқий самараси унинг корхона ичида қандай ишлатилишида намоён бўлади. Биз учун бу имтиёз янги имкониятларни кўриш, фаолиятимизни кенгайтириш ва яна қўплаб инсонларни иш билан таъминлашга хизмат қиладиган муҳим омил бўлиб турибди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шаҳноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.

БИЛАСИЗМИ?

ТАДБИРКОРЛИКДА ТОИФАЛАР ҚАНДАЙ АЖРАТИЛАДИ?

Кичик бизнесда текширувларга уч йиллик мораторий эълон қилингач, тадбиркорлар орасида “ЯТТ ҳам кичик бизнесми?”, “Менинг фирмам шу тоифага киради-ми?”, деган саволлар кўпайди. Аслида, буни билиш қийин эмас: тадбиркорлик субъектлари даромадига қараб кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратилади.

Кичик тадбиркорлик субъектларига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради. Жумладан, таъсисчилари жисмоний шахслар бўлган ва йиллик жами даромади 1 миллиард сўмгача бўлган субъектлар микрофирма ҳисобланади.

Даромади 1 миллиарддан 10 миллиард сўмгача бўлган, таъсисчилари юридик шахслардан иборат субъектлар эса **кичик корхона** саналади. Даромад 10 миллиарддан 100 миллиард сўмгача бўлса — **ўрта,** 100 миллиард сўм ва ундан юқори бўлса — **йирик тадбиркорлик субъекти** ҳисобланади.

Бу ерда бир жиҳат эътиборга лойиқ: ҚҚСга ўтиш чегараси ўзгарган бир пайтда микрофирма мақоми учун белгиланган 1 миллиард сўмлик чегара ҳам тадбиркорлик муҳитида муҳокамага сабаб бўлмоқда. Балки кичик бизнеснинг ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда ушбу мезонни қайта кўриб чиқиш вақти келгандир? Ҳозирча эса амалдаги талаб — 1 миллиард сўм.

Қисқаси, тадбиркор




учун ўз бизнесининг қайси тоифага киришини билиш шунчаки рақам эмас. Бу унинг мажбуриятлари, имтиёзлари ва қонунчиликда белгиланган тартибларини тўғри англаши учун муҳим мезондир.



Профилактика инспектори маҳалла ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимиздаги маҳаллаларда 10 минг нафардан ортиқ ходим фаолият юритмоқда.



“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

“БУ МУАММО МЕНГА ТЕГИШЛИ ЭМАС”, деган лоқайдликни йўқотдик”

Маҳалла кўчаларини айланар эканман, ҳар бир хонадон девори ортида алоҳида бир тақдир, ўзгача бир олам борлигини ҳис қиламан. Ички ишлар органлари тизимидаги 5 йиллик фаолиятим менга бир ҳақиқатни ўргатди. Эгнимдаги либос шунчаки хизмат вазифасини бажариш ёки буйруқларни ижро этиш учун эмас, балки одамларнинг ишончи, умиди ва энг оғир лаҳзада суянадиган елкасига айланишни англатади.

Муҳиддин НУРИДДИНОВ,
Сергели туманидаги “Дарёбўйи” маҳалласи профилактика инспектори.



Уша тонг ҳам худди оддий кунлардек бошланганди. Маҳалла ҳудудида навбатдаги ўрганиш ишларини олиб бораётган эдим. Тўсатдан кўп қаватли уйларнинг биридан келаётган йиғи овози хаёлимни бўлди. Бошимни кўтариб, манзарадан юрагим музлаб кетди. У ерда тахминан уч ёшлардаги қизалоқ пастга қараб, қўрқув ва саросима ичида чирқираб йиғлар, мувозанатини йўқотиб, йиқилиб тушиши ҳеч гап эмасди.



Қўшниларнинг айтишича, уйда уч ёшли қизалоқ ва унинг бир ярим ёшли синглиси ёлғиз қолишгани, ота-онаси бозорга кетганликлари маълум бўлди. Катта ёшли инсон учун 10-15 дақиқа арзимас вақтдек туюлиши мумкин, аммо уйда ёлғиз ва қўрқув ичида қолган гўдаклар учун бу фурсат даҳшатли тушнинг ўзгинасидир.

Қизалоқнинг пастга талпиниши ҳар сонияда фожиа билан тугаши мумкин эди. Бу пайт ортиқча ўйлаб ўтиришга вақт йўқ эди. Шахд билан уй ёнидаги дарахтга чиқдим. Бор кучимни тўплаб, хонадон ичига кирдим. Қўрқиб кетган болажонларни бағримга босдим. “Қўрқманглар, ҳаммаси яхши бўлади”, деб овутдим. Ота-онасига фарзандларини соғ-саломат топширдим. Менга йиғлаб раҳмат айтаётган онанинг кўзларини кўриб, касбимдан яна бир бор фахрланиб кетдим.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусаҳҳиҳ Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

Бугун маҳалламиз ҳақида гапирганда, юзим ёруғ. Лекин бундан икки йил олдин вазият бутунлай бошқача эди. Кўчалардаги майда безорилик, оилавий жанжаллар ва қўшничилик низолари сабаб нисбатан мураккаб, яъни “қизил” тоифадаги ҳудудлардан бири ҳисобланарди. Бироқ жорий йил “яшил” тоифага ўтдик. Бу натижа осмондан тушгани йўқ, замирида тинимсиз меҳнат ва ҳамкорлик ётибди.

Халқимизда “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар”, деган доно гап бор. “Еттилик” тизими йўлга қўйилгани бизнинг қўш қанотимиз бўлди. Масалан, маҳалламизда муқаддам судланган, ишсизликдан ҳар куни уйида хотини ва кекса онаси билан жанжал қиладиган бир фуқаро бор эди. Уни фақат жаримага тортиш ёки қамаш муаммони ҳал қилмасди, аксинча, оилани баттар жарликка итарарди. Ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси билан келишиб, унга субсидия асосида зарур ускуналар олиб бердик ва ишга жойлаштирдик. Бугун ўша хонадондан жанжал овози эмас, барака акси уфуряпти.

Замон ўзгаряпти, жиноятчиликка қарши курашиш усуллари ҳам янгиланмоқда. Бугун ҳудудимиз тўлиқ рақамлаштирилган. Маҳалланинг энг чекка ва илгари овлоқ бўлган кўчаларигача кузатув камералари ўрнатилди. Бу бизга нафақат жиноятни вақтида очиш, балки унинг содир этилишининг олдини олиш имкониятини бермоқда. Технология бор жойда тартиб ва шаффофлик бўлар экан. Аммо фақатгина техникага ишониб бўлмайди, унга инсоний тафт ҳам керак. Шу мақсадда маҳалламизнинг ватанпарвар, шижоатли йигитларидан иборат “Фаол ёшлар назорат гуруҳи”ни ташкил қилдик.

Улар тунги вақтларда кўчаларда навбатчилик ташкил этиб, осойишталик посбонига айланишди. Энг катта кучимиз эса — маҳалла оқсоқоллари ва кайвони онахонларимиздан иборат “Яраштириш гуруҳи”дир. Яқиндагина икки қўшни девор ўрни ва ер талашиб, бир-бирини судга бермоқчи бўлиб турганда, отахонларимиз ўртага тушишди. Қонуний талабдан кўра, ёши улуғ нуронийларнинг панду насиҳати таъсирли бўлди. Жанжални жойида ҳал қилдик.

Энг катта мақсадим — маҳалламиздаги ҳар бир инсон тунда ўз уйида хотиржам ухлаши, ота-оналар фарзандларини кўчага хавотирсиз чиқара олишидир. Чунки бизнинг ишимизга берилган энг олий баҳо — бу рақамлар ёки ҳисоботлар эмас, балки маҳалладошларимизнинг юзидаги самимий табассум ва осойишталикдир.

МУЛОҲАЗА

“ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИГА ЭҲТИЁЖИМ ЙЎҚ, АММО...”

...Бехосдан эшик тақиллади. Ўзларини қўриқлаш хизмати ходимлари деб таништирган шахслар хонадонимни “қўриқлаш хизмати”га улашни таклиф қилиб келишди. Бунинг учун мобиль телефонимга махсус иловани юклаб олишим лозимлигини айтишди.

Азиза ҒАЙБУЛЛАЕВА.

Аввалига иккиландим. Аммо ходимларнинг “Бир ой текинга ишлатиб кўринг, маъқул бўлмаса, шунчаки ўчириб ташлайсиз”, деган ваъдасидан сўнг розилик билдирдим. Илова ўрнатилди, шахсий маълумотларим киритилди. Ўша ернинг ўзида шартномага ҳам қўл қўйдириб олинди.

Афсуски, бу “бепул ва синов тариқасидаги” розилик менга қимматга тушди. Амалда биринчи ойданоқ қарздорлик ҳисоблаб борилган экан. “Кейинги ойлар учун ҳам асоссиз маблағ ҳисобланмасин”, деган ниятда иловани ўчирмоқчи бўлдим, бироқ жараён осон кечмади.

Бунинг учун туман қўриқлаш бўлимига боришимизни айтишди. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги Қўриқлаш хизмати билан боғланганимиздан сўнг туман қўриқлаш хизмати бўлими ходимлари келиб, ариза олишди, лекин бир ой ўтмаган бўлса-да, ойлик пулини тўлиқ ундиришди. Айтишларича, пул тўланмаса хизмат тизимдан ўчмас экан.

77 минг сўмга шунча арз-додми, дейишингиз мумкин. Йўқ. Унда нима демоқчиман?! Бугун ҳар бир маҳалланинг ўз профилактика инспектори бор. Шу боис одамлар бирор хавф-хатар, ҳуқуқбузарлик бўлса, аввало, шу инспекторга мурожаат қилишади. Қолаверса, ҳар бир маҳалланинг асосий кириб-чиқиш йўллари, аҳоли гавжум ва жиноятчилик содир этилиши мумкин бўлган ҳудудларга, кўп қаватли уйларга замонавий видеокузатув қурилмалари ўрнатилиб, бутун маҳалла ҳудуди профилактика инспекторининг кузатув ва назоратига олинган. Шахсан мен истиқомат қилаётган кўп қаватли уйнинг ҳар бир кириш йўлагига видеокузатув қурилмаси ўрнатилиб, ҳар икки кириш йўлакнинг бирига “тезкор чақирув” тугмаси қўйилган.



Шундай экан, ходимлар бирор маҳаллага бориб, аҳоли ўртасида “қўриқлаш хизмати” иловасини тарғиб этишдан аввал, бу маҳалла қайси тоифада, жиноятчилик қай даражада, “хавфсиз маҳалла” тамойили қандай жорий этилгани билан қизиқиб кўришлари керак, деб ўйлайман. Энг муҳими, бу хизмат пулли эканлигию қандай ишлашини тўғри, тўлиқ тушунтиришлари лозим.

Аслида, қўриқлаш хизматига эҳтиёжи бор шахсларнинг ўзлари ушбу ташкилотга мурожаат қилиб боришади. Шундай экан, ходимларнинг хонадонма-хонадон юриб, иловадан фойдаланишни тавсия этишларига ҳожат йўқ. Қолаверса, ушбу иловани “Play Market” тизимига киритса, қўриқлаш хизматига эҳтиёжи бор фуқароларнинг ўзлари юклаб олиб, маълум тўлов хизматини амалга ошираверади.

Танганинг иккинчи томони ҳам бор. Агар ходимларга ойда ёки йилда қанчадир оилани шу хизматга боғлаш мажбурияти белгиланган бўлса, унда натижалар акс таъсир этиши мумкин. Қўриқлаш хизматига уланган хонадонлар хавфсиз, бу хизматга уланмаганларга эса “тасодифий” ўғрилик ва жиноятлар содир этилиши мумкин.

ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

АМАЛИЁТ ИЛМ БИЛАН УЙҒУНЛАШГАНДА...

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш тизимини илмий асосда янада такомиллаштириш ҳамда бу борада илғор халқаро тажрибаларни жорий этишга қаратилган йиғилиш ўтказилди.



Садоқат НУРУМБЕТОВА,
Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий котиби, подполковник, юридик фанлар доктори (DSc), доцент.

Тадбирда институтнинг жорий йил биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари сарҳисоб қилинди. Хусусан, бугунги кунга қадар жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ўттизга яқин муҳим масала кўриб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Эътиборлиси, “Юксалиш” ҳаракати мазкур институтни мамлакатимиздаги ТОП-20 та етакчи “ақл марказлари” қаторига киритди.

Тадқиқотларнинг амалий самарадорлигини таъминлаш мақсадида 21 та илмий-амалий лойиҳа якунланиб, 200 дан ортиқ таклифлар тизимга тадбиқ қилинди. Бундан ташқари, вазирлик ва идораларнинг буюртмаси асосида яна 51 та янги лойиҳа ишга туширилди. Ҳозирда ҳар чоракда тайёрланаётган “Жиноятчилик тенденциялари ва омиллари давлат ҳисоботлари” ҳам амалиётга кенг киритилмоқда.

Шу билан бирга, Ички ишлар вазирлиги фаолиятини рақамлаштириш ва маҳаллийлаштириш мақсадида “Йиғилувчи қалқон”, “Кичик ҳажмли GPS-трекер”, “Хавфсиз саёҳат” ва “Сергакларувчи қурилма” каби қатор замонавий технологиялар яратилиб, синовдан ўтказилди.

Ёшларнинг инновацион ғоялари асосида эса “Ғамхўр оила” ва “Ҳимоя” номли махсус мобиль иловалар ишлаб чиқилди. Маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш йўналишида институтга бириктирилган 63 та “қизил” тоифадаги маҳаллада “илмий хулоса — тавсия — натижа” тамойили асосида тизимли ўрганишлар ўтказилди. Кўрилган тезкор чоралар натижасида ушбу маҳаллаларнинг 41,2 фоизида жиноят содир этилишига умуман йўл қўйилмади.

— Мазкур муассасада амалга оширилаётган кўплаб ижобий ишларни кўриб, рости ҳавасим келди, — ***дейди Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти бошлиғи, техника фанлари номзоди, профессор, полковник Олимжон Аҳмедов.*** *— Шу боис бу ерда олиб борилаётган тадқиқот ишлари ва яратилаётган замонавий технологияларни амалиётга кенг жорий қилиш соҳа ривожи учун ниҳоятда муҳим ҳисобланади.*

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Давлат ва ҳуқуқ институти, шунингдек, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 409 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-820